

# ХАСАНОВА НОДИРА



ЎЗБЕКИСТОНДА  
СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ  
МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ СИЁСАТИ ВА  
УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

ХАСАНОВА НОДИРА ИБРАГИМОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА  
СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ  
МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ СИЁСАТИ ВА  
УНИНГ НАТИЖАЛАРИ**

*(Сурхон воҳаси ҳудуди мисолида, 1917 – 1941 йи.)*

TOSHKENT  
“TAFAKKUR”  
2022

1  
5  
2

УЎК 808.5(075.8)

КБК 83.7уа73

X77

*Монография Денов тадбиркорлик ва педагогика институти  
Илмий кенгашнинг 2022 йил 16 феврал № 6 сон йиғилишида тас-  
диқланган ва нашрга тавсия этилган.*

**Хасанова, Нодира.**

Ўзбекистонда совет ҳукуматининг маданий-маънавий сиёсати ва унинг натижалари (Сурхон воҳаси худуди мисолида, 1917–1941 йй.). / Н. Хасанова. – Т.: “Tafakkur”, 2022. – 184 б.

**Маъсул муҳаррир:**

*т.ф.д.профессор Турсунов Сайнулла Нарзуллаевич*

**Такризчилар:**

*т.ф.д.профессор, Фаффоров Шокир Сафарович*

*т.ф.д. доцент Ерметов Аваз Абдуллаевич*

Монографияда Сурхон воҳасида ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётнинг коммунистик мафкура манфаатларига мослаштириш жараёни, миллий зиёлиларга қарши оммавий қатағонлик сиёсатини ўтказиш сабаблари ва унинг оқибатлари, ўлка маориф тизимининг советча асосда қурилиши ва 1917-1941 йилларда Сурхон воҳасида ўтказилган саводсизликни тугатиш сиёсати, совет режимининг маҳаллий олимларга эътибор бермаслик сабаблари, “маданий инқилоб” ва унинг натижалари, миллий адабиёт ва санъатнинг чекланиши, маданият соҳасида муаммоларнинг вужудга келиши, соғлиқни сақлаш тизимидаги аҳвол, замонавий тиббий хизматнинг йўлга қўйилиши, кадрлар етишмовчилиги сабаблари ва бу соҳадаги муаммоларни илмий жиҳатдан ёритиб берилган. Монография Олий ва ўрта махсус ҳамда умумтаълим мактаблари профессор-ўқитувчиларига, магистрантлар, докторантларга ўқув-илмий қўлланма ҳамда АРМ, музейлар, кенг китобхонлар оммасига мўжаллаб таёрланган ва нашр этилган.

ISBN-978-9943-6897-5-6

“Tafakkur”, 2022 й.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	4
<b>I Боб. Сурхон воҳасида совет ҳокимиятининг маданий-маърифий сиёсати асосларининг юзага келиш жараёнлари .....</b>	<b>15</b>
1.1. Сурхон воҳасида ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётнинг коммунистик мафкура манфаатларига мослаштириш жараёни .....	15
1.2. Совет режимининг миллий зиёлиларга қарши оммавий қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари .....	35
I боб бўйича хулосалар .....	58
<b>II Боб. Совет давлатининг илм-фан ва маориф соҳасида амалга оширган сиёсати .....</b>	<b>60</b>
2.1. Ўлка маориф тизимининг советча асосда қурилиши ва унинг натижалари .....	60
2.2. 1917-1941 йилларда Сурхон воҳасида ўтказилган илмий тадқиқотлар ва уларнинг аҳамияти .....	86
II боб бўйича хулосалар .....	111
<b>III Боб. Сурхон воҳасида ижтимоий-маданий жараёнлар .....</b>	<b>113</b>
3.1. 1917-1941 йилларда Сурхон воҳасида ижтимоий-маданий жараёнлар .....	113
3.2. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришдаги муаммолар .....	139
III боб бўйича хулосалар .....	159
Хулоса .....	161
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	165
Иловалар .....	182



## СЎЗ БОШИ

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда маданий ва маънавий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар инсониятни турли хил зарарли ғоялардан ҳимоя қилиш ва гуманистик тенденцияларни янада кенг-роқ жорий этиш масаласи монографга асос қилиб олинган. Шунингдек, БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти (UNESCO) низомига кўра, "... ирқи, жинси, тили ва динидан қатъий назар, барча эркинликларига умумий ҳурматни таъминлаш мақсадида таълим, фан ва маданиятни ривожлантириш орқали халқлар ҳамкорлигига" кўмаклашиш ҳар бир миллатнинг равнақига асос бўладиган миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигига эришиш борасида турли лойиҳалар доирасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилиши монографияда илмий таҳлил этилган.

Дунёнинг Япония, Корея, Германия, Франция, АҚШ каби мамлакатларининг йирик илмий тадқиқот марказлари ва университетларида маданий-маънавий соҳага оид маълумотлар илмий таҳлил этилиб, ушбу тадқиқотларда совет давлатининг маҳаллий зиёлиларга қарши оммавий қатағонлик сиёсати, маориф тизимининг совет мафкураси асосида қуриш, чекка ўлка миллатларини маданий-маърифий жиҳатдан камситиш бўйича амалга оширган сиёсатга оид маълумотлар монографияда баён этилган. Хусусан, совет ҳукумати томонидан амалга оширилган сиёсатдан мақсад маҳаллий аҳоли ҳаётини коммунистик мафкура асосида ислоҳ қилишда энг

аввало ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритганлиги бўйича илмий-тадқиқотларнинг натижалари монографияда ёритиб берилган.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли Сурхон воҳасида совет ҳокимияти даврида маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш жараёнида миллий урф-одатлар, қадриятларни мафкуравий жиҳатдан камситилганлигини тарихий манбаларга таянган ҳолда ўрганиш долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ушбу даврга эътибор бериб қуйидаги фикрни таъкидланган эди: "...юртпарвар, миллатпарвар боболаримиз "жадидчилик", яъни, янгиланиш ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзликни англаш ғояларини байроқ қилиб, кураш майдонига мардона чиққанларини барчамиз яхши биламиз"<sup>1</sup>. Ҳозирги юксалиш даври билан таққослаш мақсадида таълим, маданият, коммуникация ва ахборот йўналишда ўзбек миллий маданияти ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ютуқ ва муаммолар ёритилиб берилганлиги монографиянинг илмий аҳамиятини белгилайди.

Монографиянинг ўрганилганлик даражаси. Монографияда Ўзбекистонда совет ҳукуматининг маданий-маънавий сиёсати ва унинг натижалари (Сурхон воҳаси худуди мисолида, 1917-1941 йй.) мавзуси бўйича изланишларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир;

Биринчи гуруҳга оид адабиётларига совет ҳокимияти йилларида чоп этилган илмий адабиёт, рисола ва тадқиқотлар киради. Ушбу илмий тадқиқот

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. Тошкент.: "O'qituvchi MU 2021. Б 9.

ишлари асосан, маъмурий-буйруқбозлик шароитида, марксистик методологияга таянган ҳолда коммунистик партия мафкурасини тарғиб этганлиги билан характерланади.

Совет даври нашрлари орасида 1920 йиллар адабиётлари алоҳида ўрин тутди. Хусусан, совет ҳукуматини маданий-маънавий сиёсати ва таълим ва тарбия масалалари Файзулла Хўжаевнинг мақола ва асарларида<sup>1</sup>, анъанавий ўқитиш масканларининг асл моҳияти ва ижтимоий аҳамияти Садриддин Айний асарларида<sup>2</sup>, анъанавий таълим тизимидаги ўқув-услубий ва тарбиявий муаммолар Абдурауф Фитрат асарларида<sup>3</sup> таҳлил қилинган. Рус шарқшунос олими И.И.Умняковнинг 1927 йилда нашр этилган мақоласида<sup>4</sup> совет ҳукуматининг маданий-маънавий сиёсати ва мактаблари ҳақида илк бор батафсил маълумот берилди.

1930 йиллардан бошлаб совет ҳукуматининг маҳаллий маърифатпарварларни таъқиб этиши мазкур мавзуларда ҳукмрон мафкура таъсирида ўта салбий ёндашувнинг шаклланишига олиб келди. Натижада бу йилларда чоп этилган асарларда ушбу мавзу бир ёқлама ва ўта танқидий руҳда ёритилди<sup>5</sup>. Хусусан, Т.Н.Қориниёзовнинг Ўзбекистон маданияти тарихига оид тадқиқотида мактаблардаги таш-

---

<sup>1</sup> Ходжаев Ф. О младобухарцах // Историк марксист. – Москва, 1926. – № 2. – С.7-14; Шу муаллиф. К истории революции в Бухаре. – Ташкент: Узгосиздат, 1926. – С.78; Шу муаллиф. Бухоро инқилобининг тарихига доир. – Тошкент: Ўздавнашр, 1926.

<sup>2</sup> Айний С. Бухоро инқилоби учун материаллар. – Москва, 1926.

<sup>3</sup> Фитрат А. Ўзбек адабиёти намуналари. Биринчи жилд. – Самарканд–Тошкент, 1928.

<sup>4</sup> Умняков И.И. К истории новометодной школы в Бухаре // Бюллетень САГУ. – Ташкент, 1927. Вып. 16. – С.98-99.

<sup>5</sup> Из истории Советского Узбекистана. – Ташкент: АН Уз ССР, 1947; Рахимов Н. Садриддин Айний / Танқидий-биографик очерклар. – Тошкент: Фан, 1954.

килий жараёнлар моҳиятан коммунистик ғояларни тарғиб қилувчи масканлар сифатида таърифланди<sup>1</sup>.

1960 йиллардан бошлаб миллий озодлик ва ислохотчилик ҳаракатларига нисбатан кескин муносабатнинг бир оз юмшаши мазкур давр адабиётларида ҳам намоён бўлди. И.М.Мўминов, М.Г.Ваҳобов, А.М.Богоутдинов, В.Б.Лунин, А.И.Ишанов<sup>2</sup> каби тадқиқотчиларнинг асарларида бу ҳол яққол намоён бўлади. Хусусан, К.Е.Бендриков<sup>3</sup> ва Й.Абдуллаев<sup>4</sup> тадқиқотларида совет ҳукуматининг маданий-маънавий сиёсати тўғрисидаги маълумотларнинг қайд этилиши мазкур муаммога тазйиқлар нисбатан юмшаганлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда совет даврига хос маданий-маънавий жараёнлар ва унинг тарихини илмий жиҳатдан таҳлил этиш 1960-1980 йиллар давомида фаоллашди. Бу даврда М.Қорахонов, Г.А.Уваров, Г.Алимбаева, И.Қодиров, Х.Пўлатов, М.Ваҳобов, С.Муҳаммедов, Р. Шарафутдинова, М.Султонова, Ф.Кароматов, К.Бўронов, Х.Аслетдинова ва бошқаларнинг асарларида маданият, халқ, жамият, мафкура ва маънавий омилларнинг ижтимоий ҳаёт билан уйғунли-

---

<sup>1</sup> Қориниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: Фан, 1956.

<sup>2</sup> Мўминов И.М. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. – Тошкент: Ўз ФА, 1960; Ваҳобов М.Г. О джадидизме // Правда Востока. – Ташкент, 1960, 8 январь; Богоутдинов А.М. Очерки по истории таджикской философии. – Сталинабад: Таджикгосиздат, 1961; Лунин В.Б. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Фан, 1965; Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: Узбекистан, 1969.

<sup>3</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924). – Москва, 1960.

<sup>4</sup> Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе. – Ташкент: Учитель, 1966.

ги марксистик ҳукмрон мафкура, сиёсий ақидалар нуқтаи назаридан туриб таҳлил этилган<sup>1</sup>.

Совет даврида олиб борилган тадқиқотларда Сурхон воҳасидаги маданий-маънавий ҳаёт, таълим-тарбия, маданий маърифий муассасалар фаолияти маълум даражада ўз аксини топган. Бу ишлар сирасига О.Эшқувватов ва С.Шермухаммедов тадқиқотларини кўрсатиш мумкин<sup>2</sup>. Совет ҳокимиятининг Сурхон воҳасида олиб борган маданий-маънавий йўналишдаги ислохотлари, маҳаллий халққа нисбатан амалга оширган миллий маданий камситиш сиёсати, коммунистик мафкуранинг “социалистик маданият” соҳасида амалга оширган тадбирлари, тарғибот ишларининг натижаларини ҳамда оқибатларини тарихий манбалар асосида марксча-ленинча ғоявий руҳда ёритган Ҳ.Эгамбердиевнинг т.ф.н олиш учун тақдим этган диссертациясидан ҳам фойдаланилди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қорахонов М. Совет Ўзбекистони маданияти. –Тошкент: Ўздавнашр, 1951; Уваров Г. Л. Узбекский драматургический театр. Очерк истории. –Москва: Наука, 1959; Алимбаева Г. Аҳмедов М. Народные музыканты Узбекистана. –Ташкент: Гослитиздат, 1959; Қодиров И. Ўзбекистон ССРда халқ маорифининг муваффақиятлари. –Тошкент: Ўздавнашр, 1959; Пулатов Х.П. Культурно-воспитательная деятельность Советского государства в Узбекистане. –Ташкент: Госиздат, 1959; Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. –Тошкент: Ўзбекистон, 1960; Мухаммедов С. Культура Советского Узбекистана. –Ташкент: ТашГУ, 1985; Шарафутдинова Р. Школьное образование в Узбекской ССР (1917-1955). –Ташкент: Госиздат УзССР, 1961; Султонова М. Ўзбек совет адаблари. –Тошкент: Ўздавнашр, 1963; Кароматов Ф. Ўзбек мусиқаси совет даврида. –Тошкент: Ўқитувчи, 1967; Бурунов К.Б. Диалектика развития социалистической культуры. –Ташкент: Узбекистан, 1974; Аслетдинова Х. Культпросветучреждения и коммунистическое воспитания. –Ташкент: Узбекистан, 1969.

<sup>2</sup> Эшқувватов О. История развития социалистических городов Карши и Шахрисабза (1925-1965 гг) Автореф. дисс. ... канд.ист.наук. –Ташкент, 1970; Шермухаммедов С. Рассвет и сближение национальных культур народов СССР. Автореф. дисс. докт. филос. наук. Ташкент, 1973.

<sup>3</sup> Эгамбердиев Х. Развитие культуры в Узбекской ССР в итоге социалистического строительства в 1925-1940 годы ( по материалам Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областей). –Ташкент, 1974.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда совет тузумининг кадрлар сиёсати бўйича яратилган илмий ва тарихий адабиётлар мафкуравий, мақсадли йўналишлари билан ажралиб туради. Асарлар совет ҳокимияти йиллари кадрлар сиёсатининг айрим жиҳатларига бағишланган бўлса-да, етарли маълумотларга эга ва кўп миқдордаги манбаларга таяниб ёзилганлигини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, Т.Мельникова, А.К.Валиев, Ш.Зиёмов, Х.Турсунов, Л.К.Шек, Т.Тошмуродов, Н.Аҳмедов, М.Пак асарларида<sup>1</sup> раҳбар ва маҳаллий кадрларга ҳукуматнинг муносабати, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари фаолияти, саноат тармоқларида мутахассис кадрлар таркиби, марказдан кадрлар жўнатиш сиёсати, республикалар ўртасидаги илмий-техникавий ва бошқа алоқаларни ривожлантиришдаги эришилган ютуқлар қайд этилади. Шу билан бирга, таҳлил этилаётган ишларнинг кўпчилиги КПСС тарихи йўналишида ёзилган бўлиб, кадрлар сиёсати бўйича йўл қўйилган хатоликлар ва уларнинг оқибатлари деярли кўрсатилмай, марксча-ленинча қарашлар асосида ёритилган.

Иккинчи гуруҳ адабиётларига мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг советлар давридаги маданий-маънавий ҳаётига бағишлаб ёзилган асарлар,

---

<sup>1</sup> Мельникова Т. Формирование промышленных кадров в Узбекистане. – Ташкент: Узгосиздат, 1956; Валиев А.К. Октябрь, культура, интеллигенция. – Ташкент, 1977; Ўша муаллиф. Ўзбекистон интеллигенцияси коммунизм учун курашда. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон, Правда Востока, Ўзбекистон-Сурх бирлашган нашриёти, 1962; Зиямов Ш. Кадровая политика КПСС в действии // Деятельность компартии Узбекистана по совершенствованию подбора, расстановке и воспитанию руководящих кадров в условиях развитого социализма. – Ташкент: Узбекистан, 1980; Турсунов Х., Шек Л.К. Ҳозирги босқичда меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш. – Тошкент: Ўзбекистон, 1980; Тошмуродов Т. Кадрлар тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланиш. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985; Аҳмедов Н., М. Пак. Қайта куриш шароитида партиянинг кадрлар сиёсати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1989; ва бошқалар..

амалга оширилган илмий изланиш ва тадқиқотлар киради. Мустақиллик йилларида ўзбек тарихшунослиги янги услубий тамойиллар ва янги сифат даражасига кўтарилган асарлар билан бойитиб берилди. Д.Алимова хотин-қизлар орасидан етишиб чиққан кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб, совет аёлларининг турмуш тарзи ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларига ўз фикрларини берган<sup>1</sup>.

Совет ҳокимиятининг маданий-маърифий сиёсати, унинг амалга ошириш жараёнидаги бир томонлама камситувчи ислохотлари, миллий маданий маданиятни йўқотишга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари Қ.Ражабов, С.Иноятовларнинг илмий тадқиқотларида тарихий манбалар билан асослаб берилган<sup>2</sup>.

Истиқлол йилларида бир қатор тарихчи олимлар Ўзбекистон жанубий вилоятларининг совет ҳокимияти йилларидаги маданий-маънавий ҳаёти бўйича тадқиқотлар олиб бордилар. Жумладан, С.Турсунов, Э.Қобилов, Т.Пардаев, Б.Муртазоев, И.Умаров ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида Сурхондарёнинг 1917–1941 йиллардаги маданий-маърифий ҳаётига оид бир қатор маълумотлар мавжуд<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения современные проблемы. – Ташкент: Фан, 1991; Ўша муаллиф. Женский вопрос Советской историографии Средней Азии (20-80 годы): Диссертация доктора исторических наук. –Ташкент, 1991; Ўша муаллиф. Ўзбекистон ижтимоий фанларида хотин-қизлар муаммоларининг ўрганилиши ва вазифалари // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. – Тошкент: Фан, 1999; Ўша муаллиф. Миллий тафаккур ва аёллар масаласи: ўтмиш тимсоллари // Ўзбекистон хотин-қизлари кеча ва бугун. – Тошкент, 2005.

<sup>2</sup> Ражабов Қ. Иноятов С. Файзулла Хўжаев – 100. –Тошкент: Фан, 1997.

<sup>3</sup> Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Тошкент: Шарқ, 2001; Турсунов С., Қобилов Э., Муртазоев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004; Турсунов С., Табиат, инсон, тафаккур. –Тошкент: Tafakkur, 2020. Умаров И., Рахмонов

Маданий-маърифий маданиятнинг илмий ўрганиш борасида республика миқёсида муҳим илмий тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, М.Тўраева, Ж.Абдурахмонова, М.Абдуллаев, М.Юлдашева, Н.Жўраева ва З.Даминоваларнинг илмий тадқиқотларда совет ҳокимиятнинг Ўзбекистонда амалга оширган таълим соҳасидаги қатағонлик сиёсати, маданий ҳаёт, “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожиали натижалари, миллий маданиятнинг ривожланиш йўналишлари, муаммолар, маданий ҳаётда хотин-қизларнинг ўрни, шаҳарлардаги миллий маданий маданиятни ҳолати ҳақида тарихий манбаларга таянган ҳолдаги маълумотлар тақдим қилинган. Бироқ диссертацияларда тақдим этилаётган ушбу мавзу ҳақида қисман тўхталиб ўтилган<sup>1</sup>. Шунингдек, О.Исаевнинг диссертациясида 1925 – 1941 йилларга оид.

Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлари тўғрисида илмий манбалар таҳ-

---

Х., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2014.

<sup>1</sup>Тўраева М. Ўзбекистонда маданий ҳаёт: муаммо ва оқибатлар (1920-1940 йй). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент, 2001; Абдурахмонова Ж. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги қатағонлик сиёсати (Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мисолида. 1925-1941 йй). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент, 2002; Абдуллаев М. Ўзбекистонда советларнинг “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари (1929-1945 йй). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент, 2002; Юлдашева М. Ўзбекистон миллий маданияти: ривожланиш йўналишлари ва муаммолари (XX асрнинг 20-йиллари). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент, 2004; Жўраева Н. “Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда хотин-қизларнинг ўрни (XX асрнинг 20-30 йиллари). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент, 2004; Даминова З. XIX аср охири-XX асрда Термиз шаҳри тарихи. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент, 2004.

лил этилган бўлсада, унинг маданий жараёнлар бо-  
бида умумлаштирилган манбалар тақдим этилган.  
Бу диссертациядан ушбу мавзу тубдан фарқ қилиб,  
маънавий тарихийлик ёритилмаган<sup>1</sup>.

**Монографиянинг таҳлил этиш жараёнида  
амалга оширилган илмий янгилиги қуйидаги-  
лардан иборат:**

воҳада мустабид тузумни ўрнатилиш даврида  
хур фикрли зиёлиларни йўқ қилиниши, миллий  
тил, маданият ва адабиёт давомийлигини тўхта-  
тиш, давлатчилик шовинизми, сўл экстремистик,  
“босмачиликка”, мачит, мадраса, эски мактабларини  
йўқотиш, “полвон”, “раис”, “оқсоқол”, “Битсин савод-  
сизлик”, “Хужум” ҳаракати, “Учлик”, “қизил гварди-  
яча хужум”, “худосизлар иттифоқи”, «Битсин савод-  
сизлик» каби манбалар тарихий таҳлил асосида  
исботланган;

воҳада дастлабки мактабларни ташкил этили-  
ши, бошланғич таълим тизимини жорий этилиш,  
маҳаллий мактабларни ёпилиши, қизлар мактабла-  
рини фаолияти, русча ўқиш-ёзишни ташкил этиш,  
мактаб ишларини “коммунистлаштириш”, 1921  
йилда Термизда биринчи совет мактаб, Термиз таъ-  
лим-тарбия (педагогика) техникуми очилиши, рус  
алифбоси асосида маҳаллий аҳолини саводли қи-  
лиш, 1930 йилга келиб Шерободдаги 38333 аҳоли-  
дан 216 эркак ва 2 та аёл рус алифбоси асосида тўлиқ  
маълумотли бўлганлиги каби маълумотлар илмий  
далилланган;

воҳада саводсизликни тугатиш шиори асосида  
1925 йилда Термизда 2 та, Шерободда 4 та, Деновда  
3 та, Сариосиёда 2 та қизил чойхонлар иш бошлаб,

---

<sup>1</sup> Исаев О.Сурхон воҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жа-  
раёнлар (1925-1941 йй). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертацияси. –Термиз, 2020.

1928 йили Сурхондарёда 18 та «қизил чойхона», 13 та «қизил клуб»лар фаолият олиб борганлиги, лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзуви, 1940 йилда кирилл ёзувига ўтилиши, “Муслимка” буғдойи, ТАКЭнинг 3 отряди, Зараутсой ғор музейи, Деновда илк газета лотин алифбосида «Қизил Денов» ва 1934 йилнинг 1 январидан бошлаб Термиз туманлараро давлат музейи фаолияти манбалар асосида ишотланган;

воҳада соғликни сақлаш муассасаларни ташкил этилиши, юқумли касалликлар, саратон, кучли жароҳатлар, жарроҳлик билан боғлиқ касалликларни даволашда маҳаллий табибларнинг малакаси ва имкониятлари етарли эмаслиги, вабо, куйдирги, чечак, қизамиқ, коклюш (кўкйўтал), кал (парша), шол, дифтерия, дизентерия, безгак, сил, гепатит, тиф сингари касалликлар аҳоли учун чинакам офат бўлганлиги, 1924 йили Термиз шаҳрида 25 ўрин ва амбулаторияга эга биринчи касалхона ташкил этилиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизимидаги сиёсатнинг туб мазмунида акс этган сохта шиорлар ва тадбирлар ишотланган.

**Монографиянинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Ўзбекистонда совет ҳукуматининг маданий-маънавий сиёсати ва унинг натижаларига оид маълумотлар илмий ёритилиб, ҳозирги давр ислохотлари асосида маданий-маърифий соҳалар учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Советларнинг маданий-маънавий соҳада амалга оширган сиёсати ўрганилган бўлиб, бу маълумотлар ёшларни миллий маданият ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши очиб берилган;

Ўзбекистон тарихига оид совет ҳукуматининг маданий-маънавий сиёсати ва унинг натижалари

архив ҳужжатлари, тарихий, матбуот ҳамда дала тақиқотлари асосида бойитилди ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Монография натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Монографиянинг илмий аҳамияти Ўзбекистонда совет ҳукуматининг маданий-маънавий сиёсати ва унинг натижалари (Сурхон воҳаси мисолида 1917 – 1941 йй.)ни аниқлашга хизмат қилувчи назарий-методологик хулосалардан кенг фойдаланилади.

Монография натижаларининг амалий аҳамияти эса тадқиқотда илгари сурилган назарий ва фактик материаллар ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида совет даври бўйича янги тадқиқотлар олиб бориш учун маълумотлар захираси бўлиб изоҳланади.

## **I БОБ. СУРХОН ВОҲАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ СИЁСАТИ АСОСЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

### **1.1. Сурхон воҳасида ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётнинг коммунистик мафкура манфаатларига мослаштириш жараёни**

Илмий тадқиқотлар натижаси асосида яратилган монографияда Совет ҳокимияти миллий камситиш, мустамлакачилик, талончилик ва зўравонлик сиёсатини давом эттириб, маҳаллий миллатларнинг урф-одатлари, қадриятлари ва маросимларини аста-секинлик билан йўқ қилиш асосида коммунистик мафкура дастурларини ҳаётга тадбиқ қилиб борди. Миллий эътиқодларни поймол этиш, ҳур фикрли зиёлиларни йўқ қилиш, миллий тил, маданият ва адабиёт давомийлигини тўхтатиш, ўзларига қарши чиққан ҳар қандай озодлик чиқишлари, ғоялар ва маданий-маънавий қарашларни таг-томири билан йўқ қилиш учун ҳамма усуллардан кенг фойдаланди.

Коммунистик мафкура чекка ўлкалардаги мазлум халқларни ўз ҳукмида сақлаш учун миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва маросимларни юксалиши ва давом этишига имконият бермасликка бор кучи билан ҳаракат қилди. Бунинг учун энг аввало, совет тузуми афзалликлари ва ютуқларини маҳаллий аҳолининг камбағал қисмига намойиш этиш, шу орқали саводсиз аҳоли қатламидан фойдаланишга киришди.

Бироқ совет мафкурасининг сохта чақириқ ва шиорларининг асоссиз эканлигини ҳатто рус зиёлиларининг илғор қатлами ҳам тезда тушуниб етди. Октябрь тўнтариши кунларида М.Горький “Новая жизнь” газетасида эълон қилган “Демократия борасида” номли мақоласида большевиклар тўғрисидаги даҳшатли ҳақиқатни кўрқмасдан, очиқчасига ёзган эди: “Ленин, Троцкий ва уларга эргашган кимсалар аллақачон ҳукмдорликнинг чиркин оғуси билан заҳарланганлар, сўз эркинлиги, шахс эркинлиги ва барча ҳуқуқлар тантанаси учун курашган демократияга нисбатан улардаги шармандаларча муносабат шундан шоҳидлик беради”, деб башорат қилган эди<sup>1</sup>.

Сўқир мутаассиблар ва виждонсиз авантюрачилар жонини жабборга бериб, гўёки “социал инқилоб” йўлидан югуриб ётгандек бўладилар, аслида эса бу бошбошдоқликка, йўқсуллар ҳалокатига олиб борувчи йўлдир. Бу йўлда Ленин ва унинг тарафдорлари Петербург остоналаридаги одам ўлдиришлик, Москвани харобага айлантириш, сўз эркинлигини йўқотиш, бемаъни қамоққа олишлар сингари Плеве ва Столипинлар қилган қабихликларга ўхшаш барча жиноятларни амалга оширишни ўзлари учун мумкин деб ҳисоблайдилар”, деб ёзган эди<sup>2</sup>.

Файласуф ва тарихчи олим Н.А.Бердяев “Рус коммунизмининг моҳияти ва манбалари” асарида пролетариат диктатураси ҳақида қуйидагича фикр юритади: “Пролетариат диктатураси, яъни коммунистик партия диктатураси буржуа давлатларига қараганда нисбатан кучли ва мустабид давлат ҳокимиятини ифодалайди. Марксча назарияга

---

<sup>1</sup> Горький М. Бемаврид мулоҳазалар. // Жаҳон адабиёти, 2000, № 6. –Б. 115.

<sup>2</sup> Горький М. Бемаврид мулоҳазалар. –Б. 115.


кўра, давлат доимо синфий ҳукмронлик ташкилотти, ҳукмрон синфларнинг эзилган ва эксплуатация қилинган синфлар устидаги диктатураси бўлган. Синфлар йўқолганидан сўнг давлат ўз-ўзидан ўлади ва ташкилотчи жамият билан алмашади. Синфлар ҳозирча бор экан, давлат ҳам мавжуд бўлади. Аммо синфларнинг бутунлай йўқолиши пролетариат инқилобидан кейин дарҳол юз бермайди. Ленин Россияда Октябр инқилобидан сўнг бирдан коммунистик жамият қурилишини умуман ўйламаган эди. Ҳали олдинда тайёргарлик жараёни ва қаттиқ курашлар турар эди. Мана шу тайёргарлик жараёнида, ҳали синфсиз жамиятга тўла ўтилмаган бир даврда, кучли марказлашган ҳокимиятга эга давлатга буржуа синфлари ва уларнинг қаршилигини бостириш учун пролетариат диктатураси зарур”<sup>1</sup>.

Совет коммунистик мафкурасининг маънавий қарашларда фақат рус миллати манфаатларни ҳимоя қилиш, улуғлаш марказидаги сиёсий бўҳронлар ўз навбатида Сурхондарёда ҳам акс-садо бера бошлади. 1917 йилнинг 13 мартида Термиз гарнизони зобит ва аскар депутатларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Термиз-Паттакесар кўмитаси тuzилганлиги эълон қилинди. Шаҳар бошқарувига биронта ҳам маҳаллий миллат вакили киритилмади<sup>2</sup>.

1917 йилнинг 15 мартида Термиз гарнизони зобит ва аскар депутатлари кенгашининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Термиз-Паттакесар ҳарбий кўмитасининг вазифалари белгилаб олинди. Кўмитанинг доимий иш жойи сифатида 546-Қозон дружинасининг биноси белгиланади. 1917 йилнинг 21 апрелида Термизда ишчи ва аскарларнинг бир-

<sup>1</sup> Бердяев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма. –Москва, 1990. –С. 103-104.

<sup>2</sup>Турсунов С., Қобулов Э., Муртозоев Б., Пардаев Б., Умаров И. Термиз тарихи. –Тошкент: YANGI NASHR, 2019. –Б. 238



лашган митинги бўлиб ўтади. 31-Амударё бригадаси ҳарбий қўмитаси ишчилар иттифоқи билан алоқа боғлайди ва 22 апрелда зобитлар уйида Ишчи-аскар депутатлари совети тузилганлиги эълон қилинади. Совет раислигига Преображенский (Тошкентда ўлдирилган 14 комиссарнинг бири), котиблигига эса К.Ф.Курликовский сайланади (у кейинчалик Термизда яшаб вафот этган). Ҳайъатнинг таркиби 10 кишидан иборат қилиб белгиланган бўлсада, маҳаллий миллатнинг зиёли вакилларидан вакил аъзоликга киритилмади<sup>1</sup>.

Термиз шаҳар аскар ва ишчи советлари таъсирида 30 апрел куни Паттакесар деҳқон депутатлари совети тузилади. 1917 йилнинг 7 майида Термиз шаҳар ишчи аскар ноиблари советига деҳқон депутатлари совети ҳам қўшилади ва Термиз-Паттакесар ишчи аскар ва деҳқон ноиблари совети ташкил топади. Ўша пайтда ушбу қўмита шаҳардаги энг нуфузли ташкилот эди. Бироқ ташкилот таркибида бирорта ҳам маҳаллий миллат вакиллари йўқ эди. Шу боис мусулмонлар Термиздаги ҳокимиятни ишчи ва солдат депутатлари советига берилишига қарши эканлигини алоҳида таъкидладилар<sup>2</sup>.

Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, 1917 йилнинг кузига келиб Сурхон воҳасида маҳаллий аҳолининг ҳокимиятни советларга берилишини талаб қилувчи фаол чиқишлари кузатилмаган. Аксинча, жойлардан келиб турган хабарлар ва телеграммаларда Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ҳақида гапирилар, большевиклар ва бошқа экстремистларнинг ҳокимиятни советларга бериш ҳақидаги талаблари фош этилар, мамлакат тақдирини ҳал

---

<sup>1</sup> Бердяев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма. –Москва, 1990. –С. 112.

<sup>2</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Термиз тарихи. –Б. 239.

қиладиган Таъсис мажлисини чақириш ғояси кўлаб-қувватланарди<sup>1</sup>. Аммо, Петрограддаги давлат тўнтариши ҳақидаги хабарлар Термизга ҳам етиб келгач, рус большевиклари ва уларга эргашган рус ишчилари 31 октябрдан 1 ноябрга ўтар кечаси (янги сана билан 13 – 14 ноябрь) Термиздаги Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Кўмитаси вакиллари қамоққа олдилар. Шаҳарнинг рус аҳолиси қисмида ҳокимият Преоблицкий бошчилигидаги советлар кўлига ўтади. 1917 йил 2 – 5 декабрида Термизда ишчи, солдат ва деҳқонлар съезди бўлиб ўтади ва унда ҳокимият Советлар кўлига ўтганлиги расман эълон қилинади<sup>2</sup>.

Бу ҳолни архивларда сақланиб қолган ўша даврга оид кўплаб расмий ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди. Туркистон республикасининг раҳбарларидан бири кейинчалик қуйидаги фикрни эътироф этишга мажбур бўлган эди: “Туркистон бир неча ўн йиллар мобайнида чоризм мустамлакаси бўлиб келди ва бу ҳол барча ижтимоий кайфият ва муносабатларда ўзининг ўчмас муҳрини қолдирди. Совет ҳукумати томонидан олиб борилган миллий камситишга асосланган маданий-маънавий сиёсати маҳаллий миллат зиёлларига нисбатан ўз таъсирини ўтказган эди. Туб аҳолидан эса маҳаллий ҳокимиятга алоқадор кишиларгина унда қатнашиши мумкин бўлиб, аҳолининг қолган қисми учун бу ғоялар бегона ва тушунарсиз эди”<sup>3</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Туркистондаги рус ишчилари ва крестьянларга чоризм даврида жуда қулай шароитлар яратиб берилган эди. Улар маҳаллий аҳолига қараганда бир неча марта ортиқ маош олар,

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Тошкент, 2000. –Б. 42-43.

<sup>2</sup> Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. –Термиз: Жайхун, 1993. –Б. 50.

<sup>3</sup> Ўз МА, 17-фонд, 1-рўйхат, 397-иш, 17-18 варақлар.

яшаш шароити уларникига нисбатан яхши эди. Ҳатто бу ҳолатни ўз даврида совет иқтисодчиси В. Лаврентьев қуйидагича эътироф этишга мажбур бўлган эди. “Ишчилар синфининг яхши ҳақ тўланадиган энг юқори қатламини, яъни Туркистондаги ишчилар аристократиясини рус ишчилари ташкил қиларди. Улар ишчилар синфининг 22,3 фоизини ташкил қилгани ҳолда ишчиларнинг юқори қатламини деярли эгаллаб олди. Маҳаллий ишчи келиб чиқиши боис бир хил вазифада ишловчи рус ишчисидан кам ҳақ олиши одатий ҳол эди”<sup>1</sup>.

Мустамлакачилик тузумини барқарор бўлишида таянч вазифасини ўтаган европалик унсурлар томонидан ғалаба қилган октябр тўнтариши маҳаллий аҳолининг манфаатларига мос келмаслиги равшан эди. Туркбюро таркибида Петрограддан Тошкентга келиб ишлаган машҳур “инқилобчи” Г.Сафаров 1917 йил октябрь воқеаларини, большевиклар партиясининг ўша пайтдаги мавқеини қуйидагича тасвирлаган эди: “Большевиклар партиyasi бу ерда воқеаларни бошқармади. Фақат айрим большевиклар инқилоб тўлқинининг устига чиқиб олдилар. Партия бўлса октябрь инқилобидан сўнг ташкил қилина бошланди. Мантиққа зид бўлишига қарамасдан, Туркистонда большевиклар партиyasi совет ҳокимиятини эмас, балки совет ҳокимияти ҳамда советлар ҳокимиятини ташкил қилиш зарурияти бу ерда большевиклар ва сўл эсерлар партиясини яратди. Бунинг оқибати шу бўлдики, большевиклар ва сўл эсерлар партиyasi дастлабки кунлардан бошлабоқ авантюристлар, амалпарастлар ва жиноятчи унсурларнинг бошпанасига айланди. Характерли томони шундаки, “большевиклар” ўзларини “большевиклар

---

<sup>1</sup> Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии). – Ленинград, 1930. –С. 139-140.

хукумат партияси” деган расмий ном билан атамадилар... Шунинг учун ҳам пролетариат диктатураси биринчи қадамдан бошлаб типик мустамлакачи кўринишида бўлди: рус ишчилари “Туркистон халқларини бошқариш”ни ўз кўлларига олдилар”<sup>1</sup>.

Ўша суронли йилларда Марказдан келиб Туркистонда ишлаган Д.И.Манжара ўзининг эсдаликларида ёзишича, “биринчи Туркистон Советлари хукумати”га маҳаллий миллат вакиллари киритилмаганлиги жуда ёмон бўлган. Бу ходиса маҳаллий халқ орасида комиссар лавозимига муносиб номзодлар йўқлигидан эмас, аксинча, руслар ҳокимлигини мустаҳкамлашдан иборат эди. “Бундай миллатчиликнинг асосий сабаби, – дея таъкидлаганди Манжара, – раҳбарликдаги большевик ўртоқлар онгида “улуғ давлатчилик шовинизми” руҳининг қаттиқ ўрнашиб қолганлиги оқибатида улар хукумат таркибига киритилмади”. Ҳатто, большевиклар “доҳийси” В.И.Ленин ўзининг “Великороссларнинг миллий ифтихори” асарида улуғ давлатчилик шовинизми рус халқига хос эканлигини тан олган эди<sup>2</sup>.

Хукуматнинг бундай зиддиятли таркиби ўлкада европали аҳоли ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Йўқотилиши интизорлик билан кутилган мустамлакачилик янгича асосда бошланиб кетди. “Туркистондаги мустамлакачилик ҳатто совет ҳокимияти тараққиётининг бутун бир йўналишини белгилаб берди”, деб ёзган эди Г.Сафаров. Бу ҳолатни Султонбек Хўжанов (1894–1938) ҳам кейинчалик шундай изоҳлайди: “Эскича қараш, мустамлакачилик таъсири бошқарув органларида ҳам бор эди”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). –Москва: Госиздат, 1921. –С. 71.

<sup>2</sup> Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей. –Ташкент, 1968. –С. 165.

<sup>3</sup> Ходжанов С. К 10-летию Туркестанской советской автономии Туркестана. –Ташкент, 1928. –С. 14.

Туркистондаги сўл экстремистик сиёсий гуруҳлардан тузилган ҳукумат, Россияда бўлгани сингари Туркистонда ҳам синфийлик тамойилларига амал қилди. Ишчилар ва қашшоқ деҳқонлар асосий инқилобий куч, мулкдорлар – реакцион, эксплуататор гуруҳлар, миллий кайфиятдаги зиёлилар ва жаидлар – буржуазия малайлари, руҳонийлар эса – реакцион куч сифатида эълон қилиниб, уларга қарши аёвсиз кураш бошлаб юборилди.

Шу ўринда большевиклар томонидан 1917 йил ноябрь ойида Петроградда қабул қилинган икки ҳужжат хусусида бир оз тўхталмоқчимиз. Россия Халқ Комиссарлари Советининг раиси В.Ульянов (Ленин) ва Миллатлар иши Халқ Комиссари Иосиф Жугашвили (Сталин) 2 ноябрда “Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси” ва 20 ноябрда “Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига” мурожаатномани имзолашди<sup>1</sup>. Унда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи расмий равишда тан олинган эди. Яна Россия халқларининг тенглиги ва суверенлиги; Россия халқларининг ўз тақдирларини ўзлари эркинлик билан белгилашлари, ҳаттоки ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқи; ҳамма ва ҳар қандай миллий имтиёз ва чеклашларни ва миллий-диний имтиёз ва чеклашларни бекор қилиш кўрсатиб ўтилган эди.

Декларацияга асосланиб қабул қилинган “махсус мурожаатнома”да эса қуйидаги баландпарвоз фикрлар бор эди: “Россия мусулмонлари, Волга бўйи ва Қрим татарлари, Сибир ва Туркистоннинг қирғиз ва сартлари, Закавказьенинг турк ва татарлари, Кавказнинг чечен ва тоғликлари... Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб

<sup>1</sup> <http://www.illuminats.ru/component/content/article/29-new/46--20-3-1917>.

эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан баҳузур туза берингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз... Ўз мамлакатингизга ўзингиз хўжайин бўлмоғингиз лозим! Ўз турмушингизни кўнглингиздагидай ва ўз хоҳишингизга мувофиқ қилиб ўзингиз тузмоғингиз лозим. Сиз шундай қилишга ҳақлисиз, чунки сизнинг тақдирингиз ўз кўлингизда...”<sup>1</sup>.

Ленин ва Сталин томонидан халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақида эълон қилинган ушбу дабдабали декларацияларда қанчалик баландпарвоз ваъдалар берилмасин, амалда бир парча қоғоздан иборат қуруқ ташвиқот бўлиб чиқди. Россияда инқилоб ғалаба қозонгач, бутун ҳокимият пролетариат диктатураси измига ўтди. Жамият турли-туман синфларга парчалаб ташланди. Жамиятда алдов, куч, кўрқинч устун бўлиб қолди.

Совет режимининг зўравонлик сиёсати маҳаллий аҳолини ўзига қарши қилиб қўйди. Бунинг устига большевикларнинг Термиздаги асосий таянчи бўлган рус гарнизони ҳам жиддий қийинчиликларга дуч келди. Сабаби 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин Термиздай чекка жойда рус аскар ва зобитларини ушлаб турадиган куч йўқолганлиги оқибатида ҳарбийларнинг кўпчилиги ўз ватанларига қайтиб кетади. Уларнинг изидан рус тилли аҳоли ҳам оммавий тарзда Россияга кўча бошлайди. Шаҳарда пахта заводи, транспорт идораси, “Шеробод” акционерлик жамияти ишчилари, ўтроқ бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар тарк этмадилар<sup>2</sup>.

Қайд этиш керакки, гарчи совет манбаларида Бухоро амирининг Термизга ҳужум қилиш хавфи ҳақи-

---

<sup>1</sup> <https://constitution.garant.ru/history/act1600-1918/5310/>.

<sup>2</sup> Холмирзаев А. Ҳаёт манзаралари. –Тошкент: “Санъат” журнали, 2008. –Б. 28.

да кўп бора айтилган бўлсада, амир шаҳарни тинч йўл билан эгалламоқчи бўлди. Негаки, Янги Термиз амирлик аҳолисининг фидокорона меҳнати ва халқнинг йиғиб берган маблағи ҳисобига қурилган, шу боис бу шаҳарни вайрон бўлишига йўл қўя олмас эди. Ана шуни ҳисобга олиб, амир олдин русларга ўз ихтиёрлари билан Термизни тарк этишлари учун имкон берди. Аммо большевиклар Термизни қўлдан чиқармаслик учун қўшин тузишга киришдилар. Термиз-Паттакесар шаҳар совети 1917 йил 28 ноябрда воҳада қизил гвардия бўлинмаларини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу бўлинмалар дастлабки аксилсовет чиқишларини бостиришда фаол иштирок этди. 1918 йилнинг 2 февралда Термиз шаҳрида Қизил армия қисмлари тузилди. Шу вақтнинг ўзида ташкил этилган Фавқулодда комиссия тузилмалари ва бошқа жазо органлари ўзгача фикрлайдиганларга қарши курашда муҳим қурол бўлди. Термизда большевикларнинг маҳаллий аҳоли билан тўқнашувлари тез-тез содир бўлиб турди<sup>1</sup>.

Зўравонликка жавобан Бухоро амири 1917 ноябридан 1918 йил мартигача Термиздаги совет ҳокимиятига қарши уч марта ялпи сафарбарлик ўтказди. Айниқса, 1918 йил 2 мартда Туркистон ХКС Раиси Ф.Колесовнинг Бухорога муваффақиятсиз юришидан кейин вазият ўзгарди. 1918 йил мартда амир Термиздаги совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш мақсадида Когондан Термизгача бўлган темир йўлларни буздириб ташлайди. Бухоро амири 1918 йилнинг ёзида шаҳарни қамал қилади. Шундан сўнг Термизнинг бошқа ҳудудлар билан алоқаси узилиб қолади. Озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж молларининг етишмаслиги, Бухоро амирининг ҳужум қилиш

---

<sup>1</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я.Раджапова. –Ташкент, 2000. – С. 66-67, 79-80.

эхтимолидан саросимага тушган кўплаб рус тилли аҳоли шаҳарни тарк этади. 1918 йил ёзида шаҳарда тахминан 300–400 оила қолган бўлиб, уларнинг умумий сони минг кишидан кўпроқ эди. Бу ҳам етмагандек, 1918 йилда Афғонистон подшоси Ҳабибуллохон Совет Россиясидан Термизни Афғонистон ихтиёрига беришни талаб қилади. Хуллас, Термиз шаҳри Бухоро амирлиги, Афғонистон ва Совет Россияси ўртасидаги талаш майдонига айланиб қолган эди<sup>1</sup>.

1917–1918 йилларда Термиздаги совет раҳбарияти маҳаллий аҳолини бошқарувга умуман яқин йўлатишмади. Негаки, уларнинг асосий қисми буюк рус шовинизми таъсирида бўлиб, туб аҳолини менсимас эди. Жумладан, Термиз Советида Константин Курликовский, Захар Черкасов, Антон Левичев, Борис Канаш, Антон Картунов, Иван Зайцев каби большевиклар фаолият кўрсатар, улар орасида бирорта ҳам туб аҳоли вакили йўқ эди<sup>2</sup>.

Аммо кўп ўтмай, Термиздаги совет раҳбарлари ўртасида ҳокимият учун кураш қизиб кетади. Чунончи, 1918 йил апрелида Самарқанддан ёрдам учун етиб келган қизил отряд бошлиғи Салтановский ва унинг жангчилари безорилик ва аёлларга тегажоғлик сингари жиноятларни содир қилишди. Иш шу даражагача бориб етдики, Салтановский ўз отряди кассири Карповни ҳам ўлдиради. Салтановский Термиз қалъасида исён кўтармоқчи бўлганида қўлга олинади. Унинг устидан очиқ суд уюштирилди. Термиз ҳарбий трибуналининг қарори билан Салтановский, Горбунов, Феоктистов ва яна бир киши отиб ташланади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Термиз тарихи. –Б. 240.

<sup>2</sup> Халияров Х., Бычков Д., Блинников А. Сурхандарьинская область. –Ташкент, 1974. –С.18.

<sup>3</sup> Холмирзаев А. Термиз тарихидан лавҳалар. –Тошкент: “Санъат” журнали, 2008. –Б. 104.

Термиз шаҳар Мусбюроси шаҳар партия қўмитаси қошида эди. Унга Ҳасан Амирхонов ва Ҳайбулла Алимбоевлар бошчилик қилдилар. Мусбюро Термиз шаҳридаги корхоналарда ишловчи мусулмонлар, асосан, фарғоналикларни бирлаштирди. Бухоро амирлигининг фуқаролари бу ташкилотга расман кирмасалар ҳам Янгиариқ қишлоғидан икки киши – Оллоёр Мўминов ва Ражаб Қулмўминовлар ҳар жума кунини шаҳар паркидаги бўладиган йиғилишда яширинча келишар эди. Бу ташкилотнинг ревизори Исмоил Табиев бўлган. Мусбюронинг хўжалик ҳисобидеги ўз чойхонаси бор эди. Мусбюронинг асосий вазифаси аҳоли ўртасида Совет ҳукуматининг мақсадини тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдан иборат бўлган. Уларнинг фаол иштироки билан маҳаллий аҳолининг кўпгина киши Қизил армия сафларига кўнгилли сифатида ёзилдилар<sup>1</sup>.

Маҳаллий ёшлар орасида коммунистик мафкурани тарғиб этиш ва уларни совет тузумига жалб этиш мақсадида 1919 йилнинг март ойида Термизда ёшлар қўмитаси тузилади. 1919 йилнинг кузида Термизда коммунистик ёшлар иттифоқи (комсомол-коммунистический союз молодёжи) ташкилий жиҳатдан шаклланади. Унинг ишида Василий Титарь, Борис Канаш, Андрей Жидких, Константин Кульбацкий, Василий КОРТУНОВ, Исмоил Табеев ва Мурод Тўрахўжаев фаол иштирок этди. Улардан фақат М.Тўрахўжаевгина туб аҳоли вакили эди. М.Тўрахўжаев кейинчалик 1923 йилда округ комсомол комитетининг биринчи котиби, 1929 йилда округ ижроия қўмитасининг раиси бўлди<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Холмирозев А. Ҳаёт манзаралари. –Б. 30.

<sup>2</sup> Халияров Х.,и др. Сурхандарьинская область. –С. 18.

1919 йилнинг 26–31 декабрида Тошкентда БКПнинг III съезди бўлиб ўтди. Съезд партия бўлимлари қошида инқилобий кўмиталар тузишни лозим топади. Шундай кўмита Термизда ҳам тузилади. Кўмитанинг асосий вазифаси оммани қуролли қўзғолонга тайёрлашдан иборат эди<sup>1</sup>.

1920 йил кузида Бухоро амирлиги ағдарилгач, Совет ҳукумати босиб олинган ерларда ўз тузумини мустаҳкамлаш учун энг аввало маъмурий-ҳудудий ислохотлар ўтказди. Сурхон воҳасида илгариги тўртта беклик ўрнига Бойсун, Шеробод ва Сариосиё вилоятлари ташкил этилди. Сариосиё вилояти Денов, Сарижўй ва Ҳисор беклигининг ғарбий қисмини, Шеробод вилояти собиқ Калиф ва Шеробод бекликлари ерларини, Бойсун вилояти эса олдинги беклик ўрнида тузилди. Вилоятлар туманларга, туманлар эса кентликларга бўлинди<sup>2</sup>.

Ҳар бир вилоят ва туманда ревкомлар тузилди. 1921 йил январида Бойсун ревкоми раиси лавозимига каркилик Ибодулла Ҳалимов тайинланади. 1922 йил февраль ойидан бойсунлик Мирзо Салим Дўстмуродов, 1922 йил баҳорида эса Оллоқул Сиддиқов раис бўлди. Ўша пайтда Бойсун фавқулодда комиссиясига Ҳасанов, махсус бўлимга Гейзер, ГПУга Олтибой Абдуллаев бошчилик қилди<sup>3</sup>. Вилоят ва туман ревкомлари Қизил Армия қисмларини озиқовқат, отларини ем-хашак билан таъминлаш, аҳоли ўртасида тартибни сақлаш, тарғибот-ташвиқот ишлари билан шуғулландилар. Уларнинг ҳар бир ҳаракати совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун хизмат қилди. Вилоятларда фавқулодда комиссия,

<sup>1</sup> Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. –Б. 51.

<sup>2</sup> Материалы по районированию Средней Азии. Книга 1. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 1, Бухара. –Ташкент, 1926. –С. 65-67, 100-103.

<sup>3</sup> Ҳайит Н., Усмон Т. Кураш йиллари. –Тошкент: Мехнат, 1992. –Б. 20.

ГПУ бўлимлари ташкил этилди. Большевиклар томонидан бу ишларга жалб қилинган туб аҳоли вакиллари саводсиз, ватан, халқ манфаатини тўлиқ тушуниб етмаган кишилар бўлиб, ўз ҳаракатлари билан халқ қисматини оғир аҳволга солиб қўяди<sup>1</sup>.

1922 йил 30 октябрда Шеробод вилоят партия кўмитасининг конференцияси бўлиб ўтди, асосий мақсад феодал бой ва мусулмон диний реакционерлар қаршилигини тугатиш, касаба уюшмаси ва комсомолга ёшларни кўпроқ жалб этиш, партия аъзоллигига иродаси мустаҳкам, ўткир кишиларни жалб қилиш масаласи муҳокама қилинди<sup>2</sup>. Ўз навбатида бу кўрсатма “босмачиликка”, маҳаллий бой-феодалларга қарши очиқ кураш бошлаш бўлиб, шу орқали мачит, мадраса, эски мактабларини йўқотиш, унинг илҳомчиларини қириб ташлаш режалаштирилган эди.

1923 йил 22 апрелда Бухоро Компартияси кўрсатмаси билан Шеробод вилояти умумий партия йиғилиши бўлди. Бунда “БКП нинг яқин кунларидаги вазифалари тўғрисида” ги кўрсатмасига биноан партия аъзолари ичида ниқобланган диндорларни, маҳаллий миллат маориф ходимларни, ва найрангбозларни йўқотиш масаласи муҳокама қилинди. Партия кўмитасини оммавий тозалаш сиёсатининг натижаси шу бўлдики, кўплаб виждонли, ўқимишли, ўз халқининг манфаатларини тўла ҳимоя қила олишга қодир бўлган маҳаллий миллатга оид кишилар йўқ қилинди. Айниқса мансабга қасос олишга интилган баъзи “инқилоб” тарафдорлари хоинлик йўлига ўтиб олиб, ундан усталик билан фойдаландилар. Бунинг натижаси ўлароқ, 1923

<sup>1</sup> Турсунов С., Қобулов Х., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарих кўзгусида. Тошкент: Шарқ, 2001. –Б. 133.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 18- варақ.

йили касаба уюшмасини тозалаш баҳонасида Шеробод вилоятидаги 5-касаба уюшманинг 996 аъзосидан 285 таси қамоққа олинди ва отиб ташланди. Бу эса халқ ўртасидаги норозиликни кучайтириб, маҳаллий халқнинг кўзини қўрқитиб қўйди, янги давлатнинг тартиб интизомини тан олдириш мажбурий олиб борилди<sup>1</sup>.

Большевиклар бу билан чекланиб қолишмади. Сурхондарё округидаги миллий раҳбарларга қарши тез-тез қатағон сиёсати ўтказиб турилган. Хусусан, 1927 йилнинг март ойида очилган 141/1-сонли жиноят иши бўйича Сурхондарё вилоятининг 20 нафар обрўли давлат ва жамоат арбоблари ҳамда мусулмон отрядлари бошлиқлари Кўчаров Мустафоқулбек қўрбоши билан алоқадорликда айбланиб қамоққа олинган. Сурхондарё округ прокурори Денисовнинг тан олишича, ушбу ишга катта сиёсий тус берилган. Суд жараёнида Имонқулов, Чори Қувватов, Мардонақул Хидиров, Очилди ноибга нисбатан қўйилган айбловлар тўлиқ тасдиқланган ва улар жинойий жавобгарликка тортилган<sup>2</sup>.

Қатағон қилинганлар орасида Норбоев Мирзо Турсун ҳам бор эди. Норбоев Мирзо Турсун – 1898 йилда Шеробод шаҳрида туғилган бўлиб, 1925–1926 йилларда Сурхондарё вилоят ер қўмитасининг мудирини, 1927 йилда Сурхондарё вилоят ижроия қўмитасининг Раиси, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси аъзосини, Сурхондарё округ бошқармасининг иқтисодий ва молиявий масалалари бўйича ўринбосарини эди. «Эл оқсоқоли» деган номга сазовор бўлган. 1927 йили миллий кучларга ёрдам берганликда айбланиб, қамоққа олинган. Аммо

<sup>1</sup> Турсунов С., Турсунов А., Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 229-230.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 132-иш, 74-79-варақлар.

айби исботланмай озод қилинган. 1931 йилда яна олдинги иши бўйича қамалган. Тергов вақтида вафот этган<sup>1</sup>.

Совет режими ана шундай йирик суд жараёнларини ўтказиш орқали миллий кадрларни қўрқитиш, уларни совет мафкурасига бўйсундириш, бош торганларни эса, аёвсиз йўқ қилишни мақсад қилиб қўйган эди. Кўрилган чора-тадбирлар ўз натижасини берди ҳам. Бундан кейинги йилларда ўтказилган сиёсий жараёнларда советлар маҳаллий кадрлар ёрдамида ўз мақсадларини амалга ошира бошлади.

Шунга қарамай, Сурхондарё округида совет режими ҳали унчалик мустаҳкам эмас эди. Негаки, маҳаллий аҳолининг асосий қисми бу ҳокимиятни норозилик билан кутиб олган, қолаверса, воҳада ҳали совет режимига қарши қуролли кураш ҳали тўхтамаган эди. Архив ҳужжатларини ўрганиш шуни кўрсатдики, унча катта бўлмаган гуруҳлар 1931 йилнинг охиригача, кичикроқ, тарқоқ гуруҳлар эса 1935 йилга қадар қаршилик кўрсатганлар<sup>2</sup>.

Бундай тўқнашувлар тез-тез содир бўлиб турар, миллий кучларни амир амалдорлари, руҳонийлар, йирик бойлар ва савдогарлар қўллаб-қувватлар эдилар. Шу боис озодлик ҳаракати иштирокчилари 1929 йилга қадар қўққисдан пайдо бўлиб қолар, қизил аскарлар уларни қўлга ололмай хуноби чиқар эди. Оқибатда халқ хўжалигини тиклаш ишлари анча сустлашди. Шунини ҳисобга олган совет ҳукумати меҳнат қуролига эга бўлмаган, ҳуқуқий тушунчаси йўқ, сиёсий билимлари етарли бўлмаган меҳнаткаш халққа текин ер-мулк ва бошқа ваъдалар бериб, уни ўз томонига оғдириб олишга ҳаракат қилди.

---

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 80-варак.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 124-иш, 5-7-вараклар.

Совет давлати озодлик ҳаракатининг иқтисодий илдизини қирқиш учун ер-сув ислоҳотлари ва жамоалаштириш сиёсатини ўтказишга киришди. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан 1928 йил 1 ноябрда 192-сонли «Йирик бойларнинг ердан меҳнатсиз фойдаланишини тугатиш тўғрисида»ги декрети қабул қилинади. Унга кўра, Сурхондарё округида йирик бойлар, амир амалдорлари ва руҳонийларнинг 20 гектардан ортиқ суғориладиган ерлари ва лалми ерларнинг 45 гектаридан ошиқчаси тортиб олинадиган бўлди<sup>1</sup>.

Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм округларида ердан меҳнатсиз фойдаланишни тугатиш тўғрисидаги декретни жорий этиш бўйича ишлаб чиқилган йўриқномада бутунлай тугатилиши лозим бўлган хўжаликлар аниқ белгилаб берилди.

Собиқ Бухоро амирлиги бўйича:

А) марказий маъмурият бўйича – кўшбеги, тўпчибоши, лашкарбоши, хазиначи, удайчи, девонбеги, мирипоян, закотчи, раис, миршаб, амлокдор, жамоа, қозикалон, бий, додҳо, тўқсабо, шайхулислом, муфти, аълам ва охун;

Б) вилоятлар маъмурияти бўйича – беклар, кўрғонбегилар, қози, раис, амлокдор, оғалик, ясовулбоши, қоровулбеги, мирохур, тўқсабо, бий, судур, садр, ўроқ, муфтий, аълам, мударрис, кўп муридларга эга эшонлар, туман марказларида яшовчи хатиблар.

Собиқ Хива бўйича: – маҳрам, ясовул, карвонбоши, қушбеги, девонбеги, қозикалон эшон, аълам эшон, муфтий эшон, қозиўрда эшон, исломхўжа ва канахўжа<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 790-иш, 12-варак.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 423-иш, 2-3-вараклар.

Юқоридагилардан келиб чиқилса, ислоҳотга сиёсий тус берилганлиги аён бўлади. Ер-сув ислоҳоти натижасида собиқ амир амалдорлари, руҳонийлар, савдогарлар ва йирик бойларнинг бутун мол-мулки мусодара қилинган. Уларнинг яшаши учун ҳеч қандай имконият қолдирилмаган. Натижада Сурхондарё округ Ер Комиссияси қароридан норози бўлиб шикоят қилувчилар сони кўпайиб борган. Улардан Шеробод туманидаги Зарабоғ қишлоғида яшовчи Менглиқул Ҳақназаровнинг Округ Ер Комиссиясига ёзган шикоятида айтилишича, туман Ер Комиссиясининг 1928 йил 14 декабрда қабул қилган қарори билан у амир амалдори сифатида тан олиниб, 22 таноб лалми ери, 51 таноб суғорма ери, 3 та хўкиз, 2 та отини мусодара қилинган. 14 кишидан иборат бўлган оиласини боқиш учун ҳеч нарса қолдирилмаган. Бунда қишлоқларда айрим кишиларни «полвон», «раис» деб чақирганларидек, уни ҳам «оқсоқол» деб аташганлигини, бирор киши уни амир хизматида бўлганлиги исботлаб беролмаслигини, шунга қарамай, амир амалдорлари тоифасига киритилганлигини афсус билан қайд қилиб, ёрдам беришни сўрайди<sup>1</sup>. Афсуски бу ариза бошқа кўпгина шунга ўхшаш шикоятлар қатори жавобсиз қолдирилган.

Амирлик даврида Термиз шаҳри ҳокими – бекча лавозимида ишлаган Холмурод Пирназаров ҳам қатағонга учради. Оила аъзолари сони 11 жондан иборат бўлишига қарамай, 1928 йилда амир амалдори сифатида хўжалиги тугатилган. Аксига олиб, уни фуқаролик ҳуқуқларидан ҳам маҳрум этишган. Сурхондарё округ ОГПУ бўлими томонидан Сурхондарё округ ижроия кўмитаси раиси номига 1930 йил 18 майда жўнатилган хатда ёзилишича, фуқаро Пирназаров 1921 йилдан бошлаб Совет давлати

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 412-иш, 43-46-варақлар.

томонида туриб, миллий кучларга қарши курашганлиги, унинг амир амалдори бўлмаганлигини кўплаб ҳужжатлар ва Паттакесар<sup>1</sup> шаҳри аҳолиси ҳам тасдиқлаши кўрсатилган. Пирназаровнинг айтишича, у ишлаган лавозим (бекча) қишлоқ оқсоқоли лавозимига тўғри келиб, ўзи 5–6 кишилиқ қайиқ эгасига ижарачи бўлган. Ана шундан келиб чиқиб, Сурхондарё ОГПУ раисининг ўринбосари Диментман округ раисидан Пирназаровнинг ҳуқуқлардан маҳрум этилиш сабабларини сўраган<sup>2</sup>. 1930 йил 23 майда Сурхондарё округ ижроия кўмитасидан келиб тушган махфий хатда ёзилишича, Пирназаров Холмурод илгари ҳақиқатдан ҳам амир амалдори бўлиб ишлаганлиги ва буни камбағаллар йиғини тасдиқлашини, шундан келиб чиқиб уни ҳуқуқлардан маҳрум этилганлар рўйхатида қолдирилишини маълум қилган<sup>3</sup>.

1928 йил 17 ноябрда Сарисий туман Хуфор қишлоқ кенгашида бўлиб ўтган район Ер комиссиясининг 3-сонли йиғилиш Баённомасида қабул қилинган қарор билан Мулла Ниёзов, Хол Тоипов, Шариф Орипов Сарисийнинг бошқа қишлоқларига сургун қилинган. Мулла Расул Шариповни бойларни қўлаб-қувватлагани учун жиной жавобгарликка тортилган<sup>4</sup>.

Ер-сув ислоҳотининг ўтказилиши натижасида ўлкадаги қаршилиқ ҳаракати тўлқини пасайди. Шу муносабат билан 1929 йил 15 январда Сурхондарё округ ижроия кўмитасининг катта Президиумининг йиғилишида помешчиклар, собиқ амир амалдорлари, олий руҳонийлар ва савдогарларнинг меҳнатсиз хўжаликларини тугатиш бўйича ЎзССР МИҚ нинг

<sup>1</sup> Термиз у даврда Паттакесар шаҳри деб аталган.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 18-фонд, 1-рўйхат, 507-иш, 195-варақ.

<sup>3</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 18-фонд, 1-рўйхат, 507-иш, 196-варақ.

<sup>4</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 781-иш, 67-69-варақлар.

192-сонли декретини амалга оширишда кўрсатган жонбозликлари учун 85 киши фахрий ёрликлар, от, тўн ва бошқа турли совғалар билан мукофотландилар<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, Совет давлати маданий-маънавий ислохотларни ўтказиш жараёнида маҳаллий зиёлларни ўз томонига оғдириб олиш, махфий маълумотларни тақдим қилиш, лавозимларга тайинлаш асосида мансаблар бериш кабилардан фойдаланди. “Битсин саводсизлик” шоири остида ўтказилган кампания даврида маҳаллий зиёлиларнинг энг илғор ва ўрта қатлами йўқ қилинди, ўз жонни сақлаб қолиш мақсадида ҳаракат қилган, миллат, миллий маданият, маърифат ва маънавиятни мансаб ҳисобига сотиш йўлига ўтиб олган хоинлар, хуфиячилар совет мафкурасининг қўғирчоқ қатламига айланиб борди.

Хулоса қилиб айтганда, монографияда Сурхон воҳасида большевиклар ҳокимияти ўрнатилгач, ғоявий-мафкуравий кураш кучайиб кетди. Миллий кучлар большевикларнинг ғайриинсоний сиёсатига қарши чиқдилар. Уларнинг кураши узоқ давом этди. Миллий-озодлик ҳаракатини бостириш учун совет режими жуда катта кучларни сафарбар этди. Ғарб олимларининг фикрига кўра, большевикларнинг Туркистондаги қўзғолонларни бостириши моҳиятан “мустамлакачилик уруши” эди. Миллий кучларга қарши урушда ОГПУ 10 йил давомида ўз махсус қўшинларининг каттагина қисмини жалб этишга мажбур бўлди. Унинг шарқ бўлими асосий идорага айланган эди. Ҳанузга қадар, бу уруш қурбонларининг сонини ҳатто тахминан айтиб бўлмайди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 158-иш, 18-19-варақлар.

<sup>2</sup> Куртуа С., Верт Н., Панне Ж., Пачковский А., Бартошек К., Марголен Ж. Черная книга коммунизма. Преступления, террор, репрессии. – Москва: Три века истории. 2001. –С. 150.

## 1.2. Совет режимининг миллий зиёлиларга қарши оммавий қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари

Совет режими Туркистон ўлкасида ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлар экан, биринчи навбатда маҳаллий аҳолини тарихан шаклланиб келган миллий ва диний қадриятлари, маънавияти ва миллий мафқурасидан маҳрум этишга ҳаракат қилди. Большевикларнинг миллий сиёсати ёки В.И.Ленин ибораси билан айтганда “шовинистик байналмилалчилик” миллий мафқурада ғаним қиёфасини кўрди. Шунинг учун ҳам у даврда миллий мафқура ҳақида очиқ гапириш, фикр-мулоҳазаларини баён этиш ўз жонига қасд қилиш билан баробар эди. Бу даврда амалга оширилган миллий сиёсат илмий асосланган миллий мафқура қадриятлари асосида ишлаб чиқилган сиёсат бўлмай, аксинча ҳар қандай миллийликда аксилинқилобий қиёфани кўрадиган марказлашган бюрократиянинг шовинистик сиёсати бўлиб чиқди. Шовинистик байналмилалчилик тарихий онгимизни ўчириб ташлаш мақсадида ўтмишни идеаллаштиришга қарши кураш очди. Ажабланарлиси, коммунистик назария шовинизм билан миллатчиликни моҳиятан бир ҳодиса деб тан олган ҳолда шовинистик мафқурани усталик билан кўллаб, фақат миллатчиликни тазйиқ остига олди<sup>1</sup>. Айни шу сабаб, Қизил салтанатда шовинистик қарашлар учун эмас балки миллий ғоялар учун отилганлар сон-саноксиз эди.

Коммунистик мафқура шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятни шакллантириш учун барча воситалардан фойдаланди. Лекин Сурхон воҳасида уни амалга ошириш қийин эди. Негаки, воҳада миллий ва диний қадриятлар жуда чуқур

<sup>1</sup> Пўлатов Х. Ўзбек мафқураси // “Мулоқот” журнали, 1991 йил, 6-сон. –Б. 3-5.

илдиз отган, халқ ўзи учун ёт бўлган ғояларни қабул қила олмас эди. Бундан ташқари, Сурхон воҳа-сида руҳонийларнинг мавқеи ниҳоят даражада кучли эди. Туркистондаги йирик совет арбобларидан бўлган И. Сольц Бухоро забт этилганидан икки кун ўтгач, совет ҳокимиятини бажариши лозим бўлган ишларни кўрсатиб ўтади. Улардан биринчиси, ерларни тортиб олиб мулкдорларнинг иқтисодий илдизларини қирқиб ташлаш, иккинчиси, муллаларнинг ғоявий таъсирига қарши курашиш эди. Ушбу вазифаларни большевиклар ғоят шафқатсизлик билан амалга оширдилар<sup>1</sup>.

1920 йилнинг сентябрида тузилган Умумбухоро Фавқулодда Комиссияси Марказ томонидан жўнатилган большевиклар томонидан шакллантирилиб, унга Ҳожи Ҳасан Аҳромий ўғли раис қилиб тайинланди. Олимжон Оқчурин эса инқилобий трибуналнинг раиси бўлди. 1920 йилнинг 20 сентябрида БХСРнинг махсус қарори билан Олий ҳарбий-инқилобий трибунал ташкил этилди. Архив ҳужжатларида ушбу орган кўпинча “Реввоентрибунал” номи билан тилга олинади.

ЧК ходимлари миллий-озодлик ҳаракатини шафқатсиз бостириш ва миллий зиёлиларни йўқ қилиш билан шуғулланди. Бунинг исботи ўлароқ, 1920 йил 6-9 сентябрда Умумбухоро Фавқулодда тергов комиссияси томонидан маданий-маънавий соҳа зиёлиларидан Қозикалон Мулла Бадриддин, Домла Фахриддин Қори Амин Исрофил ўғли, Мирза Сафарбий Шариф ўғли, Мирза Омон Бурхон ўғли, Аҳмадхўжа Азизхўжа ва бошқалар аксилинқилобий фаолиятда айбланиб отиб ташландилар. 1920 йил 18 октябрда Олий Реввоентрибунал ҳукми билан 29 нафар руҳоний қатл этилди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 96-фонд, 3-рўйхат, 12-иш, 10- варақ.

<sup>2</sup> Хошимов С., Иминов Ж., Тураходжаев С. Политические репрессии в Узбекистане в 20-30-х годах XX века // Наука и современность, 2016. –С. 101.

Рухонийлар ва йирик тадбиркорларни оммавий ва ошкора қирғин қилиш бошқа ҳудудларда ҳам амалга оширилди. Натижада халқнинг совет режимга бўлган муносабати ёмонлашди. Норозиликлар кучайган бир шароитда Бухорога Турккомиссия аъзоси Г.Сафаров келади. Бу ҳақда Мунаввар Қорининг эсдаликларида шундай дейилади: “Сафаров мендан бухороликлар инқилобга қандай муносабатда эканликлари ва Шарқий бухороликлар нима учун Амирни қўллаб-қувватлаётганликлари сабабларини ҳам сўради. Мен ҳеч нимани яширмай, бухороликлар мустақилликка интилаётганликлари ва улар ҳозирги аҳволдан норози эканликлари, шунинг учун улар “бу инқилобми ёки босиб олишми?” деган саволни ўртага ташлаётганликларини айтдим. Мен яна шуни ҳам таъкидладимки, Шарқий Бухорода Қизил Армия бўлинмалари отларини масжидларга боғлаб қўйиб, ўзлари эса уйма-уй юриб, талончилик билан шуғулланмоқда. Шундан сўнг Сафаров ревком мажлисини чақириб, ҳукумат вакилларини қаттиқ ҳақорат қилади”<sup>1</sup>.

1922 йилда Шарқий Бухорода вазият оғирлашгач, БХСР МИҚ қошида Шарқий Бухоро бўйича Фавқулодда Диктаторлик Комиссияси ташкил этилади. Комиссия таркибига Носир Ҳакимов (раис), Олимжон Оқчурин (раис ўринбосари) ва бошқалар кирди. Умумбухоро МИҚ йўриқномасига кўра, Шеробод, Ҳисор, Фарм ва Кўлоб вилоятлари советлари ўз фаолиятлари давомида тўлиқ Комиссияга бўйсунушлари шарт эди. Бундан кейин, босмачиларга алоқадорликда гумон қилинган ҳар қандай киши, ҳатто қишлоқ ҳам аёвсиз жазоланди. Қизил аскарлар Ғамхўр, Кишти, Термиз, Вангозе, Полонзе, Бахчигаза ҳудудларда миллий зиёлилар ва озодлик ҳа-

---

<sup>1</sup> Мунаввар Қори. Хотираларим // Турон тарихи. Оммабоп мажмуа. – Тошкент, 1992. –Б. 20.

ракати қатнашчиларига нисбатан оммавий қирғин уюштиришди. Расмий маълумотларга кўра, фақат 1923 йил ноябридан 1925 йил бошига қадар Бухоро Республикаси ҳудудида миллий ҳаракат қатнашчиларидан 4961 киши ўлдирилди, 3307 киши асирликка олинди<sup>1</sup>.

Большевиклар Шарқий Бухородаги озодлик ҳаракатини тўхтатиш учун нафақат қуролни, балки руҳонийларни ҳам ишга солди. 1924 йил 28–31 январда Олий Руҳониятнинг қурултойида ҳукумат тазйиқи остида “Босмачилар тўғрисида” резолюция қабул қилинади. Унда босмачилик қораланиб, аҳолига уларга ёрдам бермаслик сўралган эди<sup>2</sup>. Бундан ташқари, мустабид режим то вазият юмшагунча руҳонийларни ҳукумат ишларига жалб этишга мажбур бўлди. Улардан бойсунлик машҳур дин арбоби, нақшбандия тариқати пири Эшони Судур Ўроқхон Саййид Тожиддинхон 1923 йилда Бойсун шаҳар ревкомига, Оллоқул қоровулбеги Мамасиддиқ тўқсаба ўғли эса Бойсун вилоят ревкомига раис қилиб тайинландилар. Шарқий Бухорода совет режимининг қўли баланд келгач, Эшони Судур диктаторлик комиссияси томонидан Бухоро амирининг алоқачиси бўлгани учун суд қилиниб, халқ душмани сифатида отиб ташланади. Қатл 1924 йилнинг баҳорида О. Оқчурин томонидан ижро этилди. Эшони Судур қатлидан бир неча кун ўтгач, унинг укаси Бобохон эшонни ҳам уйида отиб кетишади<sup>3</sup>.

Сиддиқов Мулла Оллоқул – 1877 йилда Бойсуннинг Шаит қишлоғида, Мамасиддиқ тўқсабо

---

<sup>1</sup> Хошимов С., и др. Политические репрессии в Узбекистане в 20-30-х годах XX века. –С. 102, 104.

<sup>2</sup> Хошимов С., и др. Политические репрессии в Узбекистане в 20-30-х годах XX века. –С. 104.

<sup>3</sup> Ҳайит Н., Усмон Т. Қураш йиллари. –Б. 60-61; Термиз тазкираси // Мусанниф М. Кенжабек. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б. 293-295.

– Эшони Мамасиддиқ оиласида туғилган. Ёшлигида Бойсундаги Халосия мадрасасида таҳсил олган. Мадраса таълимини якунлагач, Бойсун беклигига сарбозликка қабул қилинган. Кўп ўтмай, унга «қоровулбеги» унвони берилган. Бу лавозимда ишлар экан, Бойсун беги Саид Аҳмадни ишончини қозонган. 1920–1921 йилларда Қизил Армия босқинига қарши кураш олиб борган. Қизил босқинчилар Бойсунни эгаллаб олганидан сўнг Амир Олимхон билан бирга Афғонистонда кетган ва у ерда 1923 йилга қадар яшаган.

Оллоқул қоровулбеги Бойсунга қайтгач, совет ҳукуматининг ҳийла-найрангларига ишониб, уларнинг томонига ўтди. 1923 йилда Бойсун вилояти ревкоми раиси лавозимига тайинланди. 1924 йилда Оллоқул қоровулбеги «жосусликда» айбланиб ишдан бўшатилади ва отувга ҳукм этилади. Лекин унинг уй-меҳмонхонасида яшаган рус миллатига мансуб Петренко исмли кишининг илтимоси билан омон қолди. Шунга қарамай, Оллоқул қоровулбеги совет ҳокимиятининг доимий «нишони»да бўлиб турди.

1928 йилда Сурхондарё округида бошланиб кетган ер-сув ислоҳоти уни ҳам четлаб ўтмади. Бойсун РЗКнинг<sup>1</sup> 1928 йил 27 ноябрда бўлиб ўтган йиғилишида қабул қилинган 7-сонли баённома қарори асосида амир амалдори бўлганлиги учун хўжалиги тугатилди<sup>2</sup>. Чунончи, 35 таноб ери, тегирмон ва 2 та мойжувози, 4 бош қўш хўкиси, 1 бош оти, 1000 бошга яқин қўй-эчкиси давлат томонидан мусодара қилинди. 1929 йили босмачиликка ёрдам берганликда айбланиб қамоққа олинди ва жазони ўташ учун Архангельскка жўнатилади. Юртига қайтиб келганида

<sup>1</sup> Районная земельная комиссия – туман ер комиссияси.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 766-иш, 105-106 варақлар.

уни Жаркўрғон туманидаги Сурхон совхозига сургун қилишди.

1937 йил 24 августда яна қамоққа олинган. ЎзССР НКВД<sup>1</sup>нинг Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6251-сонли иш бўйича – сургундан қочиб келганликда, ҳеч қаерда ишламаганликда, чайқовчилик билан шуғулланганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. 1937 йил 3 ноябрда ЎзССР НКВД қошидаги Учлик йиғилишининг 31-сонли баённомаси қарори билан 10 йил муддатга МТЛ<sup>2</sup> қамоғига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 24 августдан белгиланган<sup>3</sup>.

1927–1930 йилларда бутун Ўзбекистонда бўлгани сингари Сурхон воҳасида ҳам “Хужум” ҳаракати, маданий инқилоб ва оммавий жамоалаштириш сиёсатлари ўтказилди. 1929 йилда эса араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзуви лотин алифбосига алмаштирилади. Совет тузуми юритган сиёсатнинг асл моҳияти миллий ва диний қадриятлар ҳамда хусусий мулкчиликни йўқ қилиш, халқни тарихий ўтмишидан маҳрум қилиб, ўрнига коммунистик тузум қадриятлари – атеизм, пролетар маданияти, давлат ва жамоа мулкчилигини жорий этиш, Ўзбекистонда ўзига содиқ бўлган қатламни шакллантириш эди. Коммунистик сиёсатнинг асл мақсадини тушуниб етган миллий зиёлилар, айниқса, руҳонийлар бунга тиш-тирноғи билан қарши турдилар. Мустабид тузум миллий руҳдаги зиёлиларни коммунистик мафкура учун хавфли билиб, уларни йўқотиш йўли-

---

<sup>1</sup> Нарóдный комиссариат внúтренних дел – Ички ишлар халқ комиссарлиги, СССР да жинойтчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича давлат бошқармасининг марказий органи. 1934-1943 йилларда давлат хавфсизлигини ҳам таъминлаган.

<sup>2</sup> Мехнат тузатув лагери.

<sup>3</sup> Шамсуддинов Р. Қатагон қурбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябрь). Иккинчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 415.

ни тутди<sup>1</sup>. Натижада миллий зиёлиларга қарши қаратилган оммавий қатағонлар тўлқини бошланиб кетди. Бунда шаҳар ва қишлоқлардаги рухонийлар, эшонлар, имомлар, муллалар, миллий кайфиятдаги ўқитувчилар, уста-хунармандлар ва жадидлар “халқ душмани”, “аксилинқилобий исёнчи”, “қулоқ”, “босмачилар малайи”, “буржуазия хизматчилари” каби тамғалар билан қатағонга учрадилар<sup>2</sup>.

1931 йилнинг 1 январиди ОГПУ ходимлари Шеробод туманидаги Хўжанқон қишлоғига келиб, оғир бетоб бўлиб ётган, ёши 60 дан ошган мўйсафид домла Музроб охун Чориевни олиб кетишади. Домла узоқ йиллар давомида Бойсун ва Шерободнинг мактаб ва мадрасаларида халққа илм-маърифат тарқатган, эл фарзандларини ватанга ва миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбия қилган, юрт тарихини чуқур билган зукко одам эди. Музроб охун “босмачиларга ёрдам берган”ликда айбланди. Қаттиқ қийноқларга қарамай, Музроб охун мардонавор туриб, ўзига қўйилган бўҳтонларни тан олмайди. Лекин оғир қийноқлар ўз таъсирини кўрсатган эди. Кекса зиёли Термиз қамоқхонасида оламдан ўтади<sup>3</sup>.

1931 йилнинг ўзида Шеробод туманидаги Хўжанқон қишлоғи зиёлиларидан жами 17 киши “аксилинқилобий исёнчи”, “қулоқ”, “синфий душман” каби айблар билан Андижон вилоятидаги Савай ва Денов туманидаги Ҳазорбоғ совхозларига сургун қилинадилар. Улар орасида Музроб охуннинг укалари Нуриддин ва Шердонақул Чориевлар, Миён Сафиюллоҳ ўғли Миён Ғулум, Мирзакелди ўғли мулла

---

<sup>1</sup> Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2014. –Б. 104.

<sup>2</sup> Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Б. 125.

<sup>3</sup> Умаров И., ва бошқалар. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар. –Б. 104.

Қурбон ва бошқалар бор эди. Сургундан 1946 йилнинг мартада фақат 3 киши – ака-ука Нуриддин ва Шердонакул Чориевлар ҳамда миён Ғуломгина қайтиб келишди, холос. Қолганлари оғир меҳнат шароитлари туфайли вафот этишди<sup>1</sup>.

Миён Ғулом Хўжанқонда узоқ қолиб кетмади. Совет режимининг таъқибига учрамаслик учун Тожикистонга, Қабодиёнга кўчиб кетди ва ўша ерда вафот этди. Нуриддин Чориев уйига қайтиб келганидан сўнг 1946–1970 йилларда Хатак қишлоғидаги ўрта мактабда директорлик вазифасида ишлади. Ишдан ажралмаган ҳолда институтда сиртдан ўқиб олий маълумотли бўлди. Кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ўз умри давомида элнинг ҳурматини қозонишга улгурган, камтар, инсонларга меҳр-оқибатли, мурувватли, ҳалол, бағри кенг инсон сифатида танилди. Вақти-вақти билан шеър ёзиб турди. Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси унвонига сазовор бўлди<sup>2</sup>.

Кўпчилик зиёлилар вазият оғирлашувидан ташвишга тушиб, Афғонистонга кетиб қолишни афзал кўрди. Чунончи, ОГПУ ўзининг 1930 йил биринчи чорагида берган маълумотида феврал ойида Сурхондарё округининг Бойсун ва Паттакесар районларида оммавий равишда чорвани сотиб, Афғонистонга кетиб қолиш ҳаракатлари кузатилаётганлигидан огоҳлантиради<sup>3</sup>.

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи шаҳрида яшовчи фахрий Турдимурод Мардаевнинг эслашича,

<sup>1</sup> Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Хатак қишлоғи. 2019 йил август.

<sup>2</sup> Умаров И., Раҳмонов Х., Худойбердиев Э. Боғлидара одамлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2014. –Б. 48.

<sup>3</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Т. I-III. Сост.: Р. Шамсутдинов, Б. Расулов; Под ред. Д. А. Алимовой. Т. I. –Т.: «Шарк», 2006. –С. 78.

Амударё ёқасида жойлашган Паттакесар районидан кўплаб зиёли кишилар сургун қилинган. У даврда ҳозиргидек кема ва баржалар бўлмаган. Бечора қочоқлар Афғонистонга ўтиб кетишга ҳаракат қилганлар, омади юришганлари бир амаллаб ўтиб кетган, омади юришмаганлари дарёга чўкиб, оқиб кетганлар. Айрим ҳолатларда дарёдан ўтиб кетаётганларни чегарачилар, қизил аскарлар фаҳмлаб қолиб, улар устига ўқ узганлар. «Ўқ ёмғири»дан ёшу қарилар сувда жон берганлар. Отаси ўтиб олиб, бола-чақалари ўта олмай қолган ҳолатлар юз берган. Чегарада кўлга олинганлар «учлик»ларга берилган, улар бу қочоқларни узоқ юртларга сургун қилиб юборганлар<sup>1</sup>.

1932 йилги архив ҳужжатларидан бири Денов райони «Кенагас селсоветидаги совет аппаратининг булғаниши ҳақида қисқача маълумотнома» деб номланади. Унда халқ ичидан етишиб чиққан фидоий зиёлилардан қуйидагиларнинг тақдиридан ҳужжатлар асосида парчалар келтирамиз:

Саидов Абдурахмон – Яккабоғ районидан. Сафар эшоннинг куёви. Абдурахмоннинг отаси Саидхўжа 1931 йилда вафот этган. У ҳам Яккабоғдан. Ҳокимият таъқибидан яшириниш мақсадида қочиб юрган. Йирик эшон. Деновга келгач, яширинча эшонлик билан шуғулланган, муридларга эга бўлган. Абдурахмон ҳозирги кунда қулоқ Ҳасаннинг уйида яшаб юрибди. Уни колхоз завхозидан билан бирга яшириб турибди. Шу сабаб у ва яна бир ижтимоий ёт унсур, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилиб қулоқ қилиниши лозим бўлган Мулла Бўрон Аллабеков қулоқлар рўйхатига тушмаган. Абдурахмон қочиш олдидан Сафар эшонни олдига келиб, ҳукумат уни

---

<sup>1</sup> Турсунов С., Эшбоев Қ. Шўрчи тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2014. –Б. 105-106.

қулоқлаштирмоқчи эканлигини айтишга улгурган. Абдурахмон туфайли Сафар эшон колхоз аъзолигида турган ва уни эшон бўлганлиги учун ҳеч ким ишга мажбур қилмаган. Нормасини эса бошқа колхозчилар қатори тенг олган. Қулоқлаштириш вақтида қулоқлар мулкидан бир жуфт этикни ўзлаштириб олган<sup>1</sup>.

Чори Мисиров — амир амалдори, айти пайтда Кенагас қишлоқ кенгашидаги «Қизил Шарқ» колхозининг хўжалик мудирини. Бойсунлик, ўзбек. Амир даврида Денов беги этиб тайинланган Бойсун беги Эшонқул билан бирга Деновга кўчиб келган ва унинг қўлида ясовулбоши сифатида Бойсун билан Деновда хизмат қилган. Субҳонқулибек даврида инқилобга қадар ясовулбоши ва дарға лавозимида ишлаган. 20 ботмон ери, 2 от ва 4 хўкизи бўлган. Унинг укаси Жўрабой Мисиров айти пайтда Қорахон қишлоғида яшайди, колхоз ҳисобида турмайди, экинзори ва чорваси йўқ, ниманинг ҳисобидан яшаши маълум эмас. Субҳонқули даврида у ҳам 10 йил давомида ясовулбоши лавозимида ишлаган. Инқилоб вақтида Субҳонқули билан бирга Афғонистонга қочган. Аммо дарёдан ўтмай, ортига қайтган.

Чори ҳозирги кунда қулоқ Ҳасаннинг уйида яшайди ва Абдурахмон Саидов билан бирга уни яширишмоқда ҳамда қулоқлар рўйхатига тушишига йўл қўйишмаяпти. Чори ўтган йили мана шу қулоқ Ҳасаннинг қизига уйланган. Мулла Бўрон Аллабековга ўхшаган ижтимоий бегона шахсларни ҳимоя қилаяпти<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, совет режими 1929–1934 йиллардаги қирғин вақтида руҳонийларнинг халқ ўртасидаги таъсирини асосан синдириб бўлди. Бундан ташқари, ўзига қарши кураш олиб борган ва ке-

<sup>1</sup> Денов туман давлат архиви, 6-фонд, 1-рўйхат, 114-иш, 128-варак.

<sup>2</sup> Денов туман давлат архиви, 6-фонд, 1-рўйхат, 114-иш, 129-варак.

йинчалик умумий афв туфайли қуролни ташлаган собиқ истиқлолчиларнинг деярли ҳаммасини қамоққа олди. Уларнинг бир қисми “халқ душмани” ва “босмачилик”да айбланиб отиб ташланган, асосий қисми турли муддатларга қамалган ёки “қулоқ” сифатида Украина, Шимолий Кавказ, Сибирь, Қозоғистон ва бошқа жойларга сургун қилинган эди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов сўзи билан айтганда, ўша мустабид советлар тузуми «Қаттол замон» тақозоси билан ўз даврида бири «Қизил аскар», бири «Босмачи», бири «Қулоқ», бири «Комиссар», яна бири «Муштумзўр», яна бири «Йўқсил» деб гуруҳларга ажратиб ташланди. Бўлиб ташлаш, ҳукмронлик қилиш учун энг маккор усуллар ишга солиниб, бир миллат вакиллари бир-бирига қарши қайраш, адоват ва низо уруғини солиш амалга оширилди. «Шу боис, – деб таъкидлайди И. Каримов, – ота-боболаримизга ана шундай ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган давр моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим»<sup>1</sup>.

1937–1938 йилларда ўтказилган оммавий қирғин сиёсати тарихда “катта қирғин” (русча “большой террор”) номини олди. Унинг кўлами олдинги йилларда бўлиб ўтган қирғинлардан кўра катта эди. “Катта қирғин”га 1932 йилдан бошлаб тайёргарлик кўрила бошланди<sup>2</sup>. Сабаби, 1917–1934 йилларда большевиклар партияси синфий душманлари бўлган монархия тарафдорлари, буржуазия вакиллари, савдогарлар, банкирлар, йирик ер эгалари, қулоқлар, руҳонийлар, ўз сиёсатига қарши чиққан зиёлиларни тор-мор қилишга муваффақ бўлган эди.

<sup>1</sup> Каримов И. «Туркистон» газетаси, 1999 йил 2 феврал.

<sup>2</sup> Каримов Н. “Катта қирғин”нинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари. –Тошкент: Фан, 2013. –Б. 21.

Бундан кейин большевиклар партиясининг етакчилари, бир томондан И.Сталин ва унинг тарафдорлари, иккинчи томондан Л.Троцкий, Каменев, Зиновьев, М.Рютин, Н.Бухарин етакчилик қилган гуруҳ ўртасида жиддий кураш бошланиб кетди.

Мамлакатда оммавий қирғинга тайёргарлик кўриш учун 1934 йил 10 июлда СССР Марказий Ижроия Кўмитаси қарори билан Умумиттифоқ Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД) ташкил этилади. Шу қарорга асосан, ОГПУ Давлат хавфсизлиги Бош бошқармаси (ГУГБ)га айлантирилди ва НКВД таркибига киритилади. 1936 йил 26 сентябрда СССР Ички ишлар халқ комиссари лавозимида Н.Ежов тайинланади. Бу вазифада у 2 йил ишлади ва юз минглаб одамларни қирғин қилинишида қатнашди. Айнан Ежов бош бўлган даврда НКВД ялпи қирғин қуролига айланади.

Сиёсий бюронинг 1937 йил 2 июлдаги “Советларга қарши унсурлар тўғрисида”ги қарори кенг кўламли қатағон операцияси – “Катта террор”нинг бошланганлигини англатди. 1937–1938 йилларда амалга оширилган қирғин, Сталин давридаги репрессив сиёсатнинг чўққиси бўлди. Бунда дастлаб, 1920–30 йилларнинг бошларида ВЧК<sup>1</sup>–ГПУ–ОГПУ<sup>2</sup>–НКВД<sup>3</sup> органлари томонидан ҳибсга олинган, маълум муддатдан кейин бирор айби йўқлиги учун озод қилинган кишилар 1937–1938 йилларда қайта ҳибсга олинди ва қатағонга дучор қилинди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> ВЧК – Всероссийская Чрезвычайная комиссия – Бутунроссия фавкулудда комиссия. 1917-1923 йилларда фаолият кўрсатган жазо органи.

<sup>2</sup> ОГПУ – Объединенное Государственное политическое управление – Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси. 1923–1934 йилларда фаолият кўрсатган давлат хавфсизлигини кўриклаш хизмати.

<sup>3</sup> НКВД – Народный комиссариат внутренних дел – Ички ишлар халқ комиссарлиги.

<sup>4</sup> Ҳасанов Б. Катта қирғиннинг ҳуқуқий ҳужжатлар базаси. –Тошкент, 2014. –Б. 4.

Бу қирғинда машҳур партия ва давлат арбоблари, олий рутбали ҳарбийлар, хўжалик ходимлари, зиёлилар ва колхозчилар турли айблар билан қамоққа олиниб жиноий жавобгарликка тортилдилар.

1937 йил ёзида Москвада Н.Бухарин қамоққа олиниши билан у билан яқин алоқада бўлган кишилар ялпи қамоққа олина бошландилар. Улар орасида Ўзбекистоннинг таниқли давлат арбоблари – Ф.Хўжаев, А.Икромов, М.Шермуҳаммедов, А.Каримов ва бошқалар ҳам бор эди. Ўзбекистонда оммавий қатағонлар тўлқини авж олди. Жойларда собиқ давлат арбоблари билан бирга ишлаган, суҳбатда бўлган, маслаҳатини олган, ҳатто уларга хайрихоҳлик билдирган кишилар ҳам қамоққа олиндилар. Ана шундайлардан бири Малик Қаҳҳор эди.

Малик Қаҳҳорнинг 1931–1936 йилларда самарали меҳнат қилиб, вилоятнинг энг ёш раҳбарларидан бири сифатида танилди. 1937 йилда Сурхондарё округ партия қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланади. Ўз фаолияти давомида оддий халқни ҳимоя қилди. Одамларни келиб чиқишига қараб суриштирув ўтказилишига қарши чиқди. Оқибатда 1937 йил 2 ноябр кечаси у қамоққа олинди. 2 декабрга қадар давом этган оғир қийноқлардан сўнг Малик Қаҳҳор ўзини “ҳамма айбларимга иқрорман. Бойнинг ўғлиман. Миллионерман. Совет ҳокимиятини ағдармоқчи эдим” деган ҳужжатга имзо чекиб, 1937 йил 12 декабрида вафот этади<sup>1</sup>.

Сурхондарёлик яна бир давлат арбоби, зиёли, миллий манфаатларни ҳимоя қилган Йўлдош Ирисметовнинг тақдири ҳам қайғули кечди. Таниқли зиёли, халқ маорифи ривожига ҳисса қўшган Йўлдош Ирисметов 1897 йили Чимкент шаҳрида туғилган. Дастлаб темир йўл станциясида юк туши-

<sup>1</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Б. 145-146.

рувчи, кейинчалик Чимкент, Каттакўрғон, Қарши, Самарқанд партия ва совет ташкилотларида фаолият кўрсатди. 1929–1930 йилларда Республика Марказий Ижроия қўмитасининг котиби. 1937 йил 2 октябрда эса Сурхондарё вилоят партия қўмитасининг котиби бўлиб ишлаётганда қамоққа олинган. Унинг “Акмал Икромов ҳалол инсон”, деган сўзи НКВД ходимлари учун етарли бўлди. 1938 йил 25 июнида бўлиб ўтган Фарғона вилоят судининг махсус ҳайъати унга Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 63-моддаси (қўпоровчилик ҳаракати) ва 67-моддаси (давлатга қарши жиноятларга молик бўлган ташкилотчилик ҳаракати) билан айб қўйилиб, отувга ҳукм қилинди. Аммо орадан маълум вақт ўтар-ўтмас, СССР Олий судининг ҳарбий ҳайъати И.Ирисметовга нисбатан “мурувват” кўрсатиб, 1938 йил 9 октябрда олий жазони 25 йиллик қамоқ билан алмаштирган<sup>1</sup>.

Йўлдош Ирисметовнинг тақдири ҳақида кўп йиллар давомида оила аъзолари учун мавҳум бўлиб қолган эди. Ниҳоят, орадан 16 йил ўтгандан кейингина И.Ирисметовнинг вафоти тўғрисидаги хабар оила аъзоларига жўнатилади. 1955 йил 9 декабрь, Молотов вилояти Соликамс шаҳридан келган СССР Ички ишлар вазирлиги, АМ-244-сонли почта қутиси, 2969-сонли хатида шундай дейилади: “Шуни хабар қиламизки, Ирисметов Йўлдош 1939 йил 7 январда вафот этган. Шу хусусда маълумот олиш учун турар жойдаги фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлимига мурожаат этилсин”. Имзо. Таажжубли томони, вафот этганлиги хусусидаги гувоҳномаларда И.Ирисметовнинг юрак хуружидан бандаликни бажо келтиргани маълум этилган. Йўлдош Ирисметов 1958 йил 21 февралда оқланган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Турсунов С. Юракда қолган армонлар. Қатағон қурбонлари хотираси абадий. // Давр. Замон. Шахс. 2018 йил. –Б.5-6.

<sup>2</sup> Турсунов С. Юракда қолган армонлар. –Б.15-16.

Шерободлик маорифчи, зиёли, ҳуқуқий маданият тарғиботчиси Муродов Холмамат ва унинг ўғли Қурбонмурод 1929 йилда Тожикистонга, Ёвонга кетиб ўша ерда колхоз тузилишида иштирок этишди. Холмамат Ёвонда колхоз раиси, унинг ўғли Қурбонмурод кассир бўлиб ишлади. Муродов Холмамат ўз вақтида Файзулла Хўжаев билан учрашган, унинг маслаҳатларини олган эди. Шунинг ўзи НКВД ходимлари учун етарли бўлди. 1937 йилда Файзулло Хўжаевнинг одами сифатида ҳибсга олиниб, «совет тузумига қарши фаолият юритганлик»да айбланиб, «учлик» қарори билан судсиз отиб ташланди. Унинг ўғли Қурбонмурод ҳам «халқ душмани»нинг ўғли бўлганлиги учун жуда кўп азиятлар чекди<sup>1</sup>.

Бойсунлик таниқли давлат арбоби Рамазонов Ҳамронинг (1902–1938) ҳаёти ҳам фожиали якунланган. 1921–1922 йилларда Чоржўй милиция бошлиғи, округ комсомол комитетининг котиби, округ ижроқўм Президиуми аъзоси, кейин округ касба союз раиси вазифасида ишлаган. 1925 йилдан партия аъзоси, маълумоти олий, Сталин номидаги Москва саноат академиясини 1934 йилда битириб муҳандис ташкилотчи ва технолог мутахассислигини эгаллаган, инглиз, ўзбек, тожик, рус тилларини билган. Қамоққа олингунга қадар Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кенгаши Ўзбекистон текстил тўқув Бирлашмаси Бошқарувчиси ўринбосари бўлиб ишлаган. 1937 йил 20 мартда тўлғизилган шахсий варақасида зиёфат учун, режани бажармагани учун, ишлаб чиқаришда яроқсиз мол чиқаргани учун 1935 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси унга қатъий хайфсан эълон қилгани, партия тозаловидан ўтгани, оилалиги, яшаш

---

<sup>1</sup> Умаров И., ва бошқалар. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар. –Б. 104-105.

манзили Текстил комбинати, Социалистик кўчаси, 2-уй экани қайд этилган. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 14 октябрдаги йиғилиши Рамазонов Ҳамроқулни олий жазога ҳукм қилган. Ҳукм ўша куни ижро этилган. Сталин ўлимидан сўнг унга қўйилган барча айблар бекор қилинган ва оқланган<sup>1</sup>.

Бошланиб кетган йирик террорда сталинчилар ўзларига қарши бўлган кишиларни йўқ қилиш билан бирга қамоқдан чиқиб келган қулоқлар, руҳонийлар, собиқ оқ гвардиячилар, йирик бойлар ва бошқа сиёсий душманларидан ҳам қутулишни режалаштиришди. Шу мақсадда 1937 йил 30 июлда НКВД комиссари Н.Ежовнинг «Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа аксилсовет унсурларни репрессия қилиш бўйича операция тўғрисида»ги 00447-сонли мутлақо махфий оператив буйруғи чиқарилди. Унга кўра, 1937 йил 5 августидан бошлаб барча республикалар, ўлкалар ва вилоятларда собиқ қулоқлар, фаол аксилсовет унсурлар ва жиноятчиларни қатағон қилиш операцияси ўтказилиши буюрилди. Уларни қўлга олиш ишлари Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССРларда 10 августдан, Узоқ Шарқ ва Красноярск ўлкаси ҳамда Шарқий Сибирда 15 августдан бошлаш белгиланди<sup>2</sup>.

Қатағон қилинувчи кишилар икки категорияга бўлинди:

1) биринчи категорияга юқорида қайд этилган унсурларнинг энг ашаддийлари кириб, уларни тезлик билан қўлга олиш ва ишлари учлик томонидан кўрилган вақтда отувга ҳукм қилиш;

2) иккинчи категорияга нисбатан фаоллар мансуб бўлиб, уларни қамоққа олиб, 8–10 йил муддатга ла-

<sup>1</sup> Шамсуддинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (Биринчи китоб). – Тошкент: Шарқ, 2012. –Б. 221-223.

<sup>2</sup> <https://von-hoffmann.livejournal.com/346017.html>.

герга жўнатиш, улардан аламзадалари ва ижтимоий хавфли бўлганларни учлик қарори билан худди шу муддатларда қамоққа жўнатиш буюрилган эди<sup>1</sup>.

“Темир нарком” номини олган Николай Ежов томонидан чиқарилган 00447-сонли мутлақо махфий оператив буйруққа мувофиқ, 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича жами 10700 киши қамоққа олинган, улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2-тоифа бўйича 8–10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Бу қатағон қилинганларнинг яқин қариндошларига “халқ душмани”нинг ўғли, қизи, аҳли-аёли, акаси, укаси, қариндоши, дўсти, гумаштаси, думи каби тамғалар қўйилган, ҳар жиҳатдан камситилган, ҳуқуқлари топталган, маънавий хўрланган<sup>2</sup>.

НКВДнинг 00447-сонли директиваси ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар халқ комиссарлигининг Сурхондарё округ бўлими “жуда фаол” ишлади. Оқибатда, Сурхондарёнинг кўпгина асл ўғлонлари қирғин қилинди. Жумладан, 1937 йил 25 октябрда “Учлик”(Апресян– ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари, давлат хавфсизлик майори, Сегизбоев –Ўзбекистон ХКС Раиси, Шейндлин – ЎзССР прокурори, Яковлев – ЎзССР НКВДси Давлат хавфсизлик бошқармасининг 8-бўлим бошлиғи) томонидан НКВДнинг Сурхондарё округ бўлими томонидан тақдим этилган жиноий ишлар бўйича 26-сонли баённома тузилади. Унга кўра, 101 кишига ҳукм чиқарилган. Шундан 58 киши отиб ташланган, қолганлари 8–10 йилга қамаб юборилган. 1937 йилнинг 3 ноябрида “Учлик” томонидан қабул қилинган 31-сонли баённомага кўра, сурхондарёликлардан

<sup>1</sup> Россия. XX век. Документы. ГУЛАГ (Главное управление лагерей) 1917-1960. Составители: А.И.Кокурин и В.Н.Петров. Научный редактор В.Н.Шостановский. –Москва: Материк. 2000. –С. 96-98.

<sup>2</sup> Шамсуддинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябрь). Иккинчи китоб. –Б. 6

63 маҳбусга жазо тайинланди. Улардан 51 киши отувга, қолганлари 8–10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди<sup>1</sup>. Уларнинг асосий қисми руҳонийлар эди. Ачинарли томони, улар орасида оилавий (ота ва унинг ўғиллари, ака-укалар) отиб ташланганлари ҳам талайгина бўлган.

Иш шу даражага бориб етдики, ҳатто сургун ёки меҳнат лагерларида жазони ўтаётган кишилар ҳам ҳеч бир асосиз жазога тортилдилар. Чунончи, 1937 йилнинг 28 сентябрида Украина ССР НКВД сининг Каховка райони бўлими бошлиғи, давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Новиков томонидан Тоғаев Абдуалимнинг иши кўриб чиқилади. Тергов ҳужжатида қайд этилишича, Тоғаев Абдуалим 1865 йилда Ўзбекистон ССР, Жарқўрғон районида туғилган, мулла, йирик қулоқ. Украина ССР ЖК 54–10, 54–11 моддалари бўйича жиноят содир этган. Тоғаев Абдуалим аксилсовет кайфиятида бўлиб, аксилинқилобий миллатчи фашистик тўдани ташкил қилган, унинг раҳбарлиги остида аксилинқилобий ташвиқот олиб борилиб уруш тўғрисида, совет ҳокимиятининг мағлуб бўлганлиги ва фашизм ҳокимиятининг ўрнатилганлиги ҳақидаги ифвогарликдан иборат сохта хабарларни тарқатиш билан шуғулланган. Тоғаевнинг озодликда юриши тергов ишларига халақит бериши ва унинг қочиб кетишини ҳисобга олиб, УССР ЖК нинг 143, 145 и 156-моддаларига асосан Тоғаев Абдуалимни Херсон қамоқхонасига қамоқда ушлаб туришга қарор қилинган. Ушбу қарор Каховка район прокурорига жўнатилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Шамсуддинов Р. Қагагон курбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябрь). –Б. 243-259, 411-421.

<sup>2</sup> Репрессия. 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Составители: Шамсуддинов Р. Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. –Ташкент: Шарк, 2007. –С. 103.

1937 йилнинг 15 ноябрида НКВДнинг Николаев областидаги Учлик томонидан Тоғаев ва яна 12 нафар ўзбекистонлик руҳоний биринчи категория бўйича ўлим жазосига ҳукм қилиндилар. Уларнинг тўла оқланиши учун кўп йиллар керак бўлди. Ниҳоят, 1974 йил 24 июлда Украина ССР Херсон область судининг Президиуми қуйидаги таркибда: президиум Раиси – В.Ф. Греков президиум аъзолари – Ю.А. Рогценюк, М. Е. Янкова, прокурор В.У.Шутурминский иштирокида область прокурорининг НКВДнинг Николаев областидаги Учлик томонидан 1937 йил 15 ноябрдаги қарорига нисбатан протестни кўриб чиқди. Прокурор келтирган далил ва хулосаларга асосланиб, суд 1865 йилда Жарқўрғон районининг Жарқўрғон қишлоғида туғилган, Херсон области Каховка районидаги пахта совхозида яшовчи, миллати ўзбек, деҳқон-қулоқ, ўрта маълумотли, оилали, илгари судланмаган Тоғаев Абдуалимга нисбатан 1937 йил 15 ноябрда чиқарилган қарорни бекор қилди ва жиноят йўқлиги учун ишни тўхтатиш ҳақида У-33-49-сонли қарор қабул қилди. У билан бирга 1937 йил 15 ноябрда отувга ҳукм қилинган қолган 12 нафар ўзбекистонлик ҳам оқланади<sup>1</sup>.

Худди шундай қисмат Ҳакимов Мулла Воҳиднинг бошига тушган. У киши 1884 йили Сарисий тумани Киштут қишлоғида туғилган. Руҳоний ва имом бўлганлиги учун ва 1931 йилда махсус посёлкага сургун қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган. 1937 йил 19 сентябрда қамоққа олинган. Ўз ССР НКВДнинг Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 3639-сонли иш бўйича аксилинқилобий, миллатчи гуруҳ иштирокчиси бўлганликда, гуруҳнинг ноқонуний йиғинларида қатнашганликда,

---

<sup>1</sup> Репрессия. 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. –С. 196-198.

колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. 1937 йил 25 октябрда ЎзССР НКВД қошидаги Учлик йиғилишининг қарори билан отувга ҳукм қилинган<sup>1</sup>.

Мустабид тузумнинг яна бир қурбони Камолов Эгамбердидир. У 1892 йилда Наманган вилояти Чуст туманидаги Каркидон қишлоғида туғилган. Камолов Эгамберди руҳоний ва эшон бўлган. 1931 йилда қулоққа тортилган. Термиз тумани Пахтаобод қишлоқ кенгашидаги Сталин номли колхозда яшаган ва шу хўжаликда бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. 1937 йил 27 октябрда қамоққа олинган. ЎзССР НКВДнинг Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 12842-сонли иш бўйича колхозчилар ўртасида пахта йиғим теримини барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. 1937 йил 21 ноябрда ЎзССР НКВД қошидаги Учлик йиғилишининг қарори билан 10 йил муддатга МТЛ қамоғига ҳукм қилинган<sup>2</sup>.

Шерободдаги Зараутсой қишлоғидан бўлган Муҳаммадқул жаллоб ўғли домла Раҳмонқул амир даврида Шаҳрисабз мадрасасида ўқиган, беш қишлоқда беш йилча Шеробод бегининг закотчиси бўлиб хизмат қилган. Совет ҳукумати келганда уни колхознинг ҳисобчиси этиб тайинлашган эди. Шу ишда ўн йилдан кўпроқ ишлади. 1938 йилда қамоққа олиниб, роса бир йил Термиз ҳибсхонасида ётади. Аммо, бундай ётишдан кўра қамалганим яхши, деб колхознинг молини ўмардим, хўкизини едим, деган мазмундаги айбдорликни охири бўйнига олади ва олти йилга кесилади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Шамсуддинов Р. Катағон қурбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябрь). Иккинчи китоб. –Б. 244.

<sup>2</sup> Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 3. –С. 333.

<sup>3</sup> Холмирзаев А. Шўрчида Қурбон намози. “Бактрия” газетаси. 2010 йил, 8 октябрь. №19.

Қамалганларнинг баъзилари илгари миллий-озодлик ҳаракатида қатнашишган эди. Хусусан, Бойсуннинг Дарбанд қишлоғидан бўлган Ғафуров Чоршанби Амир Олимхон замонида қоровулбеги лавозимида ишлаган. 1921 йилда Афғонистонда бўлган. 1928 йилда амир амалдори бўлгани учун ер-мулклари мусодара қилинган. Қулоқ қилинган. 1931 йилда Иброҳимбек қўшинлари сафига қўшилгани учун 3 йилга қамалган. Қамокдан чиқиб Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги Қўтирбулоқ қишлоғида яшаган. 1937 йил 29 августида қамокқа олинган. ЎзССР НКВДнинг Қашқадарё округ бўлимининг 5832-сонли иши бўйича Ғоипов ва Дониёвлар билан бирга колхоз тузумини ағдариб ташлаш ва эмиграция хусусиятига оид ташвиқот олиб борганликда айбланган. 1937 йил 17 ноябрда ЎзССР НКВД қошидаги Учлик йиғилишининг қарори билан Ғафуров Чоршанби 10 йил муддатга МТЛ қамоғига ҳукм қилинган<sup>1</sup>.

Қаттол совет режими миллий санъатимиз – бахшичилик тараққиётига жиддий ғов бўлди. Кўпгина бахшиларимиз озодлик ҳаракати даврида ўз ижодлари билан халқни душманга қарши курашга чақиришган, айримлари эса, ҳатто миллий кучлар таркибида жангларда қатнашган эди. Жумладан, Бойсуннинг Паданг қишлоғидан бўлган йирик бахши Холиёр Абдукарим ўғли истиқлолчилар сафига қўшилади ва тўқсабо лавозимида фаолият кўрсатади. Анвар пошшонинг ўлимидан сўнг Холиёр бахши ўз жонини сақлаб қолиш мақсадида “Амир қочди” достонини яратган. Бу билан ўзини совет тузуми тарафдори этиб кўрсатишга уринган. Шунга қарамай, 1938 йилда отиб ташланган. Унинг шогирди Мулла

<sup>1</sup> Репрессия 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 3. –С. 232.

Эрмамат Бадалов йирик дostonчи эди. Устози қатл этилганидан сўнг мутлақо дoston айтмай қўйди. Миллий озодлик ҳаракати етакчиларини мақтаб дoston куйлаган шерободлик Умир баҳши Сафаров эса 1922 йилда қизил аскарлар қўлига тушиб қолади. Қизил аскарларга ўзини чўпон деб таништириб, дўмбираси билан уларни роса мақтаб қўшиқ куйлайди. Мақтовдан эриб қолган қизил командир уни қўйиб юборади<sup>1</sup>.

Катта қирғин Ўзбекистон халқига жуда катта мусибатлар келтирди. Биргина 1937–1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистонда 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Уларнинг 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди. Қатағон қилинганлар орасида партия, совет, хўжалик ходимлари, ҳарбийлар, зиёлилар ва колхозчилар жуда кўп эди<sup>2</sup>.

Академик А.Н.Яковлев большевизмнинг инсоният олдидаги жиноятларини умумлаштирар экан, 1917 йилги давлат тўнтариши ва унинг изидан бошланиб кетган қизил террор учун, мамлакатда бошланган фуқаролар уруши ва унинг оқибатида ўлдирилган, очлик ва касалликдан ҳалок бўлган ҳамда муҳожирликка кетган 13 миллиондан ортиқроқ одам учун, ... ленинча-сталинча репрессияда 20 миллиондан кўп киши ҳалок бўлгани учун большевизм жавобгарликдан қутила олмайди” деб ёзган эди<sup>3</sup>.

Хулоса қиладиган бўлсак, монографияда мустабид совет режими 1930 йилларнинг охирига келиб

---

<sup>1</sup> Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Иккинчи китоб. Қашқадарё талқини. –Тошкент: Меҳнат, 2000. –Б. 30, 70, 162, 171.

<sup>2</sup> “Ўзбекистон овози” газетаси, 1991 йил 15 сентябрь.

<sup>3</sup> Яковлев А.Н. Большевизм — социальная болезнь XX века // В кн: Куртуа С., и др. Черная книга коммунизма. Преступления, террор, репрессии. –Москва: Три века истории. 2001. –С. 11-12.

миллий кайфиятдаги зиёлилар, рухонийлар, ҳофизлар, бахшилар, санъат, адабиёт ходимлари, кўзга кўринган уста-ҳунармандлар, халқ таботати вакиллари ва юртпарвар кишиларни деярли йўқ қилишга муваффақ бўлди. Қадимги маданият ўрнига янги, пролетар маданияти, коммунистик мафкура ҳукмронлиги ўрнатилди. Одамлар эркин фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум этилдилар. Кимки большевиклар ўрнатган чизиқдан салгина ташқарига чиқадиган бўлса, шафқатсизларча жазога тортилди.

## Монографиянинг биринчи боб бўйича хулосалар

1917–1941 йилларда Сурхон воҳасида совет ҳокимиятининг маданий-маърифий сиёсати асосларининг юзага келиш жараёнларини таҳлил қилиш натижасида қуйидагича хулосаларга келинди:

Энг аввало, мамлакатда совет тоталитар режими ўрнатилди. Большевиклар партияси марказдан бошқариш учун қулай бўлган, шаклан федератив, мазмунан унитар давлат қуришга эришдилар.

Большевиклар бу билан чекланиб қолмадилар. Ўлкада минг йиллар давомида шаклланиб келган ижтимоий-маданий ҳаётни қисқа муддатда ўзгартиртириш ва коммунистик мафкура ҳукмронлигини ўрнатиш учун барча воситаларни ишга солишди. Бу борада куч ишлатиш усули кенг қўлланилди. Уларнинг зўравонлиги маҳаллий аҳолининг жиддий қаршилигига дуч келди. Ўлкада миллий-озодлик ҳаракати бошланиб кетди. Ватанпарварлар куч жиҳатидан тенг бўлмаган ёв билан 1931 йилга қадар ҳаёт-мамот курашини олиб бордилар. Кичик-кичик гуруҳлар 1935 йилгача қаршилик кўрсатишди. Большевиклар миллий-озодлик ҳаракати вакиллари “босмачилар”, “бандит тўдалари”, “халқаро империализм малайлари” каби номлар билан айблаб, халқни уларга қарши қўйишга интилди. Сурхон воҳаси аҳолиси “Амир Олимхонга ёрдам берган” деган махсус ниқобланган сиёсат қурбони бўлди.

Совет режими ўзини иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ўнглаб олгач, “маданий инқилоб”, “саводсизликни тугатиш”, “хужум”, “ялпи жамоалаштириш” сингари сиёсатларни ўтказди. Ўлканинг ижтимоий-маданий ва маънавий ҳаёти кескин тарзда ўзгар-

тиришга киришилди. Оқибатда, нодир қўлёмалар ва китоблар куйдирилиб кули кўкка совурилди. Миллий урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар, диний таълим, ахлоқий фикрлар муштабид тузум таъсирида йўқ қилинди. Масжид ва мадрасалар ёпилди. Атеизм зўр бериб тарғиб қилинди. Бу сиёсатга қўшилмаган барча кишилар совет режими томонидан йўқ қилинди. Муштабид тузум қурбонлари орасида рухонийлар, ўқитувчилар, фан ва маданият арбоблари, тадбиркорлар, миришкор деҳқонлар, уста-косиблар, хўжалик ходимлари, давлат ва жамоат арбоблари жуда кўпчиликини ташкил этар эди. Большевикларнинг оммавий террор сиёсати ўлка маънавий ҳаёти учун салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

## II БОБ. СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ИЛМ-ФАН ВА МАОРИФ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРГАН СИЁСАТИ

### 2.1. Ўлка маориф тизимининг советча асосда қурилиши ва унинг натижалари

Илмий тадқиқотлар асосида таҳлил этилган илмий монографияда XX аср 20–30 йилларида мамлакатимиз таълим тизими мураккаб ва зиддиятли даврни бошидан кечирди. Бу даврда совет ҳокимияти “шаклан миллий, мазмунан социалистик” маданият барпо этишга киришди. Совет давлати янги типдаги мактаблар очар экан, аввало ўзига содиқ бўлган кадрларни шакллантиришга ҳаракат қилди. Миллий ғоялар четга сурилиб, ўрнига коммунистик мафкура жорий қилинди. Совет мактабларида асосий эътибор ғоявий-мафкуравий тарбияга қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, совет ҳокимияти ўз таълим тизими афзалликларини кўрсатиш ҳамда маҳаллий аҳолини камситиш мақсадида, инқилобга қадар бутун мусулмон аҳолиси ёппасига саводсиз бўлган, деган фикрни кенг тарғиб қилди. Совет ҳокимиятни маорифга соҳасидаги сиёсатини таққослаш мақсадида совет даври адабиётларида қайд этилган 1897 йилда Ўзбекистон худудидаги саводли кишилар сони 3,6%, Туркманистонда 7,8%, Тожикистонда 2,3%, Қирғизистонда 3,1%, Қозоғистонда 8,1%, Россияда 29,6% бўлганлиги таъкидланади<sup>1</sup>. Бироқ, бундай талқин мафкура соҳасидаги афсонадан иборат

<sup>1</sup> Народное образование, наука и культура в СССР. Статистический сборник. –Москва: Статистика, 1971. –С. 21-22.

эди. Тадқиқотчи П.Г.Ким тарихий манбаларда келтирилган фактларга асосланиб, 1897 йили Россия, Белоруссия ва Туркистонда аҳолининг, мактабларнинг, улардаги ўқувчиларнинг сонларини кузатиб, бу ўлкалардаги саводхонликнинг даражасини кўрсатиб берди. Унга кўра, Россияда аҳолининг умумий сони — 126 368 800, мактаблар сони – 33 401, ўқувчилар сони – 2 318 100, аҳолининг умумий сонига нисбатан ўқувчилар – 1,8 фоизни ташкил этган ҳолда аҳолининг саводхонлиги – 21 фоиз; Белоруссияда аҳолининг умумий сони 6 492 857, мактаблар сони – 2263, ўқувчилар сони – 125 418, аҳолининг умумий сонига нисбатан ўқувчилар – 1,9 фоизни ташкил этган ҳолда, аҳолининг саводхонлиги – 24,7 фоиз; Туркистонда аҳолининг умумий сони – 3 792 774, мактаблар сони – 6027, ўқувчилар сони – 64 015, аҳолининг умумий сонига нисбатан ўқувчилар – 1,7 фоизни ташкил этган ҳолда аҳолининг саводхонлиги – 19,55 фоиз бўлган<sup>1</sup>. Саводхон аҳолини ҳисобга олиш даврида араб имлосини билса-да, русча ўқиш-ёзишни билмаганлиги учун маҳаллий миллат вакиллари саводсизлар сафига кўшиб юборилган эди.

Юқорида келтирилган маълумотлар бошқа тарихий манбалар билан ҳам тасдиқланади. Хусусан, 1880 йилда Бойсун беклигининг Дарбанд амлокдорлигида бўлган И.В.Мушкетов 400 хўжалик яшаши, шундан юздан ортиғи муллаларга тегишли эканлигини қайд қилади<sup>2</sup>. Бундан ташқари, XIX асрда Сурхон воҳаси қишлоқларида зиёлилар ва бадавлат кишилар томонидан кўплаб мактаблар ташкил этилганлиги тарихий манбаларда қайд эти-

<sup>1</sup> Ким П.Г. Уйдирма ва ҳақиқат. // “Фитна санъати”. 1-китоб. –Тошкент: Фан, 1993. –Б. 27.

<sup>2</sup> Мушкетов И.В.Туркестан. Геологические и орографические описание, по данным, собранным во время путешествий с 1874 по 1880 г., в двух частях. Том 1. –СПб.,1886. –С. 560.

лади. Жумладан, Бойсун беклигидаги Боғлидара қишлоғида Ҳамроқул оқсоқол бошчилигида ҳашар йўли билан мактаб қурилган. Биргина Хўжанқон қишлоғининг ўзида тўртта мактаб фаолият юри-тиб, уларга мулла Абдурахмон, мулла Раҳимқул, Чори ҳожи ва Ҳайдар миён асос солишган. Ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳолининг қишки кўниш вақтида фойдаланиш учун Нов қишлоғида мулла Ризо билан мулло Мирзо ташаббуси билан мактаб ташкил этилган. Юқорида исми қайд этилган Али-мардонбой Ёриқсой қишлоғида ҳам мактаб очган<sup>1</sup>.

Тарихий манбалардан аниқ кўриниб туришича, маҳаллий аҳоли мактаб ишига катта эътибор билан қараган. Деярли ҳар бир маҳаллада ёки масжидлар қошида мактаблар очилган бўлиб, уларда ўқувчи-лар мусулмон таълимоти асосларини эгаллашдан ташқари, арабча ёзиш ва ўқишни ўрганишган. Бу инқилобдан олдинги даврда воҳа аҳолисининг 0,24 % са-водли эди<sup>2</sup>, деган фикрнинг ҳақиқатга тўғри келмас-лигини кўрсатади. Аксинча, рус мустамлакачилари мактаб таълимига ҳеч қандай ғамхўрлик кўрсатиш-маган. Термиз шаҳрида рус мустамлака маъмурияти 30 йиллик бошқаруви даврида бор-йўғу битта мак-таб (1906 йил) очганлигининг ўзи бунга далилдир. Ваҳоланки, 1900 йили Термизда яшовчи рус аҳоли-си 8052 эркак ва 2069 аёлдан иборат эди<sup>3</sup>. Қолавер-са, чор ҳукумати халқнинг саводсиз қолишини ўзи учун фойдали деб билар, аҳоли маънавиятини ўси-шини катта хавф сифатида қабул қиларди. Шу боис ўқиш мажбурияти йўқ, мавжуд мактабларда ўқув адабиётлари етишмас эди. Олий ўқув юртларида

<sup>1</sup> Умаров И., ва бошқалар. Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этнома-даний жараёнлар. –Б. 125.

<sup>2</sup> Халияров Х., Бычков Д., Блинников А. Сурхандаьинская область. –С. 72.

<sup>3</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Термиз тарихи. –Б. 238.

ўқиш жуда қиммат бўлгани учун уларда фақат олий табақадагилар ва бойларнинг болалари ўқир эдилар. Камбағалларнинг болалари ўқиш имкониятига эга эмас эди.

Россия империясининг маориф соҳасидаги сиёсати Бухоро амирлиги мактабларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Бухоро амири қушбегиси ҳужжатларида ота-оналар ўз болаларининг ўқишлари учун 15–20 танга «мактаб пули» тўлаганликлари қайд этилган<sup>1</sup>. Бу эса, камбағал оилалар учун қийинчиликлар туғдирар эди. Аҳолининг 80% га яқини саводсиз бўлиш сабаби ҳам шунда эди.

Совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг 1918 йил 20 январда РСФСР Халқ Комиссарлари Совети “Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида” декрет қабул қилди. Орадан бироз вақт ўтгач, 1918 йил 20 ноябрда Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети ҳам шу мазмунда декрет қабул қилди. Янги совет мактабларини барпо этиш ва халқ маорифини бошқариш учун Маориф Халқ Комиссарлиги ва маҳаллий Советлар ҳузурида маориф бўлимлари ташкил этилди. Туркистон АССР Маориф Халқ Комиссарлиги буйруғи билан республиканинг ҳамма мактабларида бепул ўқитиш жорий этилди<sup>2</sup>. Мактабларга қабул қилишда табақавий тафовутларга барҳам берилиши эълон қилинди, ўғил ва қиз болалар бирга таълим олиши, мактаб ишларини “коммунистлаштириш” вазифалари ва асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, таълим соҳасида совет тузуми чоризмга нисбатан анча илгарилаб кетган эди. Агар

---

<sup>1</sup> Турсунов С., Пардаев Т., Маҳмадиёрова Н. Сурхондарё – этнографик макон. –Тошкент: Академнашр, 2012. –Б. 38.

<sup>2</sup> Народное образование, наука и культура в СССР. Статистический сборник. –Москва: Статистика, 1971. –С. 45.

чоризм даврида Туркистон ўлкасида ҳар йили ўрта ҳисобда 9 та мактаб очилган бўлса, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳар йили ўртача 674 тадан мактаб ташкил этилди<sup>1</sup>. Айниқса, ёши катталар ўртасидаги саводсизликни тугатишга алоҳида эътибор қаратилди. “Саводсиз киши сиёсатдан четда туради, – деган эди В.И.Ленин, – унга аввало алифбени ўргатмоқ керак. Бусиз сиёсат бўлиши мумкин эмас, бусиз фақат миш-миш гаплар, ғийбат, чўпчаклар, хурофий гапларгина бўлиши мумкин, лекин сиёсат эмас”<sup>2</sup>.

Саводсизликни тугатиш тармоғи тобора кенгайиб борди. 1920 йилда “РСФСР да ягона меҳнат мактаби тўғрисида”ги Низом жорий этилиб, у мактаб ёшидаги болаларга бепул таълим беришни кўзда тутар эди. Ўша йили саводсизликни тугатиш бўйича Бутунроссия фавқулодда комиссияси тузилди. 16–50 ёшдаги кишилар учун давлат таълим тизимини тузиш ишлари фаоллаштирилди<sup>3</sup>. Ўнлаб миллат болалари илк мартоба ўз она тилларида ўқув дарсликларини олишга эришдилар. Шаҳарларда мактаб-интернатлар очилди.

ТАССР Маориф халқ комиссарлиги ва унинг маҳаллий советлар ҳузуридаги бўлимлари ҳам ўлкадаги мактаб ишларини авж олдириш юзасидан инқилобий қайта қуришга киришди. Эски усулдаги мактаблар ўрнига ягона совет меҳнат мактаби жорий қилинди. У икки босқичга бўлиниб, биринчи босқичи – 8 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар учун (беш йиллик курс), иккинчи босқичи 13 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўсмирлар учун (тўрт йиллик курс) мўлжалланган эди<sup>4</sup>. Унинг мафкуравий мақсади

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. –Тошкент: Фан, 1971. –Б. 247.

<sup>2</sup> Ленин В.И. Полное собрание сочинений. Том 44. –Москва: Издательство политической литературы. 1970. –С. 174.

<sup>3</sup> Турсунов С. Юракда колган армонлар. Катагон қурбонлари хотираси абадий. // Давр. Замон. Шахс. 2018 йил. –Б.18.

<sup>4</sup> Известия ВЦИК. 1918, 16 октябрь.

РКП (б) VIII съезди қабул қилган партия Дастурида (1919 йил март) ифодалаб берилди. Янги совет мактаби “жамиятни коммунистик қайта қуриш қуроли” деб эълон қилинди. Бу мактаб “коммунистик жамиятнинг ҳар томонлама ривожланган аъзоларини” тайёрлаши лозим эди. Бошқача қилиб айтганда, совет ҳокимияти дастлабки йилларданоқ таълим-тарбия жараёнига ҳаддан ортиқ сиёсий тус беришга қаратган эди.

Туркистон республикасида саводсизликни тугатиш бўйича 1700 та мактаб бўлиб, уларда 50 минг киши савод чиқарган<sup>1</sup>. Савод ўрганиш мактаблари учун ташкил этилган курсларда 2 минг нафар ўқувчи тайёрланди. Саводсизликни тугатиш мактаблари ва курсларни битириб чиққанларнинг 70 фоизи маҳаллий миллат вакиллари эди<sup>2</sup>.

Большевикларнинг таълимга бунчалик катта эътибор беришининг ўзига яраша сабаблари бор эди. Аҳолининг саводини чиқариш орқали большевиклар совет тузумининг афзаллигини кўрсатиш, халқни коммунистик мафкура асосида тарбиялаш, тарғибот-ташвиқот ишларини мумкин қадар кенг табақаларга етказиш, кичик миллатларнинг эътиборини қозонишни мўлжаллашган эди. Шубҳасиз, бу каби тадбирлар советларнинг халқ ўртасидаги обрўйини кўтариб, уларнинг ҳокимиятини мустаҳкамлар, коммунистик ақидаларнинг кучайшига хизмат қилар эди. Натижада, чоризм даврида Туркистоннинг туб аҳолиси ўртасида ўқиш-ёзишни билмайдиганлар сони ўртача 80% ни ташкил қилган бўлса, 1930 йилларнинг бошларига келиб саводли бўлганлар сони 80% га яқинлашди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўз МА, 25-фонд, 1-рўйхат, 14, 8-йиғма жилд, 182-203 варақлар.

<sup>2</sup> Набиев Ф.Х. Социалистическое строительства в Узбекистане в годы гражданской войны (1918-1920 гг.). –Ташкент, 1988. –С.82.

<sup>3</sup> Ўз МА, 50-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 35-варақ.

Сурхон воҳасида совет мактабларини ташкил этиш оғир шароитларда кечди. Негаки, Бухоро амирлиги Қизил Армия томонидан забт этилгач, мамлакатда қаршилик ҳаракати кучайиб кетди. Уруш натижасида кўпгина қишлоқлар вайрон бўлди. Кўпгина мударрислар ва домлалар ҳалок бўлишди. Мактаб, таълим-тарбия ишлари орқага кета бошлади. Шунга қарамай, зиёлиларнинг фидойилиги билан таълим тизими аста-секинлик билан ўз изига туша бошлади.

1921 йилда Термизда биринчи совет мактаби очилади. Мазкур мактабда таълим рус тилида олиб борилиб, олти синф, 213 ўқувчи ва олти ўқитувчидан иборат эди. 1923 йилда маҳаллий миллат болалари учун Маҳмудхўжа Беҳбудий номидаги биринчи ўзбек мактаби очилади. Бу ҳозирги 2-сонли умумий ўрта таълим мактаби эди. Мактабда 56 ўқувчи ва уч нафар ўқитувчи бўлган. Бироқ, ушбу мактаб шаҳарнинг ўқиш ёшидаги барча аҳолисини қамрай олмаган. Шу боис 1924 йилда 150 ўқувчига мўлжалланган 3-сонли мактаб очилади<sup>1</sup>.

Шаҳарда маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиққан саводхон инсонлар ва маърифат жонкуярлари ҳаракатлари натижасида етим болалар ва кам таъминланган оилаларнинг болалари учун махсус интернат мактаб очилади. Натижада Термиз шаҳридаги мактаблар сони 4 тага етди. 1926-27 ўқув йилига келиб, шаҳарда 1 та деҳқон ёшлар мактаби ташкил этилади<sup>2</sup>.

1924 йилда Шеробод шаҳрида дастлабки совет мактаби ташкил этилди. Ушбу мактабга шаҳар марказидан ташқари Хўжаги, Оққўрғон, Ғамбур, Чўянчи, Қўштегирмон, Тароқли ва Қуллуқшо қишлоқлари-

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 15-варак.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 18-варак.

даги болалар ҳам ўқишга жалб этилди. 1924 йил 1 январь ҳолати бўйича, Сурхондарё вилояти худудида 733 ўқувчиси бўлган жами 13 та биринчи босқич мактаби фаолият юритган. Шундан 11 та мактаб 630 нафар ўқувчиси билан шаҳарларда, қолганлари қишлоқ жойларида иш олиб борар эди<sup>1</sup>. Термиз шаҳрида мактаблар сони 1925 йилда 2 тага етди<sup>2</sup>. Бу мактаблар асосан шаҳардаги рус ва русийзабон аҳоли фарзандлари учун ташкил этилиб, 1925 йилда Сурхондарё округида бошланғич мактаблар сони 13 та бўлиб, сифхоналарда 733 ўқувчига таълим берилди. Ташкил этилган мактабларни 11 таси шаҳар ва район марказларида, 2 таси қишлоқларда фаолият кўрсатган эди. 1926-1927 ўқув йилларида Термиз шаҳрида 4 та мактаб иш бошлади<sup>3</sup>.

Кумкўрғонда илк совет мактаби 1924 йилда ташкил этилиб, унга 185 нафар ўқувчи жалб қилинди. Лекин мактаб учун яроқли бинолар, ўқув қўлланмалари ва ўқитувчилар етишмасди. Қатъий ўқув режалари ва дастурлари бўлмаганлиги сабабли мактаб ўқитувчилари ўзлари ўқиган педагогик курсларда тузилган кўчирмалардан фойдаланганлар. 1925 йил февраль ойида Ўзбекистон Компартиясининг 1-съездида совет мактаблари сонини ошириш, катта ёшли аҳоли учун эса саводсизликни тугатиш мактабларини кенгайтириш борасида чора-тадбирлар кўриб чиқилди. Масалан, 1924 – 1925 ўқув йилида маориф тизими учун Сурхондарё вилоятига 89.092 сўм ажратилди<sup>4</sup>

1925 йилда Ўзбекистонда биринчи босқич мактабларига тортилган болалар сони 55291 нафарга етган, бу эса 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган жами 967

<sup>1</sup> Халияров Х., и др. Сурхандаьинская область. –С. 75.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 241- варақ.

<sup>3</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 26- варақ.

<sup>4</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 28-варақ.

минг нафар боланинг умумий сонига нисбатан 5,7 фоизни ташкил этар эди. Эътиборли томони, сиёсий маориф муассасаларининг сони 31,5 фоиз кўпайган эди<sup>1</sup>.

Термиз шаҳрида ташкил этилаётган совет мактабларига ўқувчи ёшларни жалб қилишда қатор қийинчиликларга дуч келинди. Кўпгина ёшлар совет мактабида ўқишдан кўра анъанавий эски усул мактабларида ўқишни афзал билар эдилар. Воҳада 1924 – 1925 йилларда 205 та, Термизда эса 1926 йилгача 6 та анъанавий эски усул мактаблари фаолият юритган. Ўша даврда вилоятда 10 та совет мактаблари ишлаб турди. Уларда 32 нафар ўқитувчи таълим берди<sup>2</sup>.

1925 йил 1 сентябрдаги маълумотга кўра, Ўзбекистонда 876 та совет меҳнат мактаблари, 2403 та диний мактаблар мавжуд бўлган. Совет мактабларининг нуфузини ошириш мақсадида 1927 йилдан бошлаб фаолиятда бўлган эски усул-диний мактабларга қарши кураш бошланди. Бу мактабларга буржуа жаҳид мактаблари, зиёли ва диндорларга синфий душман каби ёрлиқлар ёпиштирилди. Натижада, 1920 йиллар охирига келиб жаҳид ва эски усул мактаблари ўз фаолиятини бутунлай тўхташига мажбур бўлди<sup>3</sup>.

Совет мактабларида ўғил ва қиз болаларни бирга ўқитиш жорий қилинган бўлиб, бу ҳолат маҳаллий миллат қизлари учун ёт ҳолат эди. Шу сабабдан

<sup>1</sup> Мустафаева Н. Файзулла Хўжаев: миллий маданият қайғуси // “Ўзбекистонда совет давлатининг қагағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожиали оқибатлари”. Илмий мақолалар тўплами. -Тошкент, 2012. –Б. 141.

<sup>2</sup> Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской области Узбекистана советского периода (1917-1932 гг). Ответственный редактор К.З.Житов. – Ташкент: Фан, 1968. – С. 203.

<sup>3</sup> Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб. –Тошкент: O'zbekiston, 2019. –Б. 218-219.

хам ўқиш ёшидаги қизларни мактабга жалб қилиш қийинчилик билан амалга оширилди. 1925 йил 21 ноябрда Термиз уезди халқ маорифи коллегияси “Термиз шаҳрида ўзбек қизлари учун биринчи мактабни очиш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди<sup>1</sup>. Натижада маҳаллий қизларни совет мактабларига тортиш жараёни бошланиб кетади. Сурхондарё округида оғир фуқаролар уруши шароитида мактаблар ташкил этилиб, мажбурий зўравонлик усулида олиб борилиб, синфий ёндошув асосида амалга оширилди. Дастлабки йилларда ўғил ва қиз болаларни бирга ўқитиш жорий этилиб, 1926 йилда Термизда биринчи босқичли қизлар мактаби ташкил этилиб, 32 та қизлар ўқишга жалб этилди. 1927 йилда ташкил этилган Туркман қишлоғидаги қизлар мактабига 14 нафар ўқувчи жалб этилди<sup>2</sup>. Сурхондарё вилоятида мактабларни ташкил этиш ва бошқарув тизимни назорат қилиш мақсадида 1927 йилда округ халқ таълим бошқармаси ташкил этилди. 1926 йилда округнинг Термиз шаҳрида 6 та, Бойсунда 3 та, Шерободда 3 та, Деновда 3 та, Шўрчида 2 та, Сарийосиёда 2 та анъанавий мактаблар ташкил қилинди<sup>3</sup>.

1925/1926 ўқув йилида Сурхондарё вилоятида 90 та мактаб мавжуд бўлиб, уларда 2683 нафар ўқувчиси бўлган. Бунда қишлоқда 58 та мактаб фаолият кўрсатган. Яъни бир йил ичида қишлоқда 56 та мактаб очилишигп эришилган. Қишлоқ мактаблари ўқувчилари сони 1924 йилга нисбатан 15 баравар кўпайган. Воҳада саводсизликни тугатиш мактабла-

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 68-фонд, 2-рўйхат, 8-иш, 241-варақ.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 21-иш, 9-варақ.

<sup>3</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 134-иш, 16-варақ.

ри ҳам кўпайди. Агар 1924/1925 ўқув йилида 272 ўқувчига эга бўлган 8 та саводсизликни тугатиш мактаби ишлаган бўлса, 1927/1928 ўқув йилига келиб 63 та саводсизликни тугатиш ва деҳқон ёшлари мактабларида 1700 киши билим олар эди<sup>1</sup>.

1926 йилда Жарқўрғон туманида биринчи совет мактаби очилиб, унда дастлаб 12 киши ўқий бошлади. Уларни Ёқубжон Солижонов деган ўқитувчи ўз сабоқларини берди<sup>2</sup>. 1925-1928 йилларда Шеробод туманидаги Хатак, Эгарчи, Лайлагон, Зарабоғ, Қорабоғ, Ғўрин, Сеплон, Ғамбур, Хўжанқон, Чўмичли, Тангидевон, Пошхурт, Қишлоқбозор қишлоқларида 13 ойлик савод чиқарувчи мактаблар ташкил этилди<sup>3</sup>. 1928 йилга келиб эса бир йиллик саводхонлик мактаблари очилади.

1926 йилги бутуниттифоқ аҳоли рўйхати натижаларига кўра, Сурхондарё худудида 202 минг аҳоли яшар, шундан 10285 киши, яъни жами аҳолининг 5% саводли бўлганлиги қайд этилади. Қишлоқ жойларида саводлилик даражаси 0,9%, шулардан ўзбеклар орасида 0,7% ташкил этди. Аёллар ўртасидаги саводсизлик 0,5% ни ташкил қилди<sup>4</sup>. Таъкидлаш жоизки, рўйхат вақтида саводли деганда айнан совет мактабида ўқиганлар назарда тутилган бўлиши керак. Чунки, воҳада ўша йилларда 500 га яқин масжид ва 205 та анъанавий мактаб ишлаб тургани ҳисобга олинса, маҳаллий аҳолининг саводсизлиги тўғрисидаги маълумот бўрттириб кўрсатилганлиги ўз-ўзидан маълум бўлади<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Халияров Х., и др. Сурхандарьинская область. –С. 75.

<sup>2</sup> “Сурхон тонги” газетаси, 1993 йил 31 июль.

<sup>3</sup> Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т., Шарқ, 2001. –Б. 382.

<sup>4</sup> Халияров Х., и др. Сурхандарьинская область. –С. 76.

<sup>5</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 23-иш, 17-ва-  
рак.

1926 йил августида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Сурхондарё округ ижроия қўмитасининг “Мактаб таълимининг ривожлантирилиши ва округ аҳолиси ўртасида саводсизликни тугатиш ишлари тўғрисида”ги ҳисоботини эшитди ва бу соҳада йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб берди. Сурхондарё округ кенгашининг 1927 йилда бўлиб ўтган II съезди ва 1928 йилги III съездида округ аҳолисининг аксарияти ўқишга тортилмай қолаётганлиги қайд қилинди. Шу даврда округда мактаб ёшидаги болаларнинг 9,8 фоизи мактабга жалб қилинган эди, холос<sup>1</sup>.

1925-1930 йилларда Ўзбекистон мактабларининг муаллимлар билан таъминланиш даражаси қониқарсиз эди. 1926 йилда таълим тизимидаги вазият ҳақида ЎзССР ХКС Раиси Ф.Хўжаев ачиниш билан: “Областларимизда аҳолининг кўпчилиги мактабларга бориб ўқишни сира истамаётир, иккинчидан, педагог ходимлар йўқ. Мактаблар очиш мумкин-у, аммо муаллимларни топиб бўлмайди. Учинчидан, дарсликлар йўқлиги ҳам жуда ёмон таъсир қилмоқда. Муаллимларни ҳам, дарсликларни ҳам тайёрламоқ учун бу ишга анча вақт керак. Тўртинчидан, шуниси қизиқки, мана шу халқ маорифи ишига жон-жаҳди билан кириша оладиган ходимлар шу вақтгача йўқ. Сиёсатчилар қанча десангиз топилади. Олий ўқув юртларини ва коммунистик университетларни битириб чиқаётганларнинг ҳаммаси сиёсатчи бўлиб кетмоқдалар”, деб тўғриси айтган эди<sup>2</sup>.

Таълим тизимидаги оғир вазият маҳаллий советларни зудлик билан чора кўришни талаб қилар эди.

---

<sup>1</sup> Турсунов С., Тўхтаев А., Аннаева З. Жаркўрғон тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Yangi nashr, 2019. –Б. 73.

<sup>2</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар. Том 2. –Тошкент, 1978. –Б. 477.

Шу мақсадда 1925 йилнинг 24 ноябрида Термиз шаҳрида бўлиб ўтган биринчи босқич ўқувчиларининг биринчи кенгашида мактабларнинг иккинчи босқичга ўтилиши ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу қарорга кўра, шаҳарда уч ойлик педагогик курслар ташкил қилинадиган бўлди, улар 1926/1927 ўқув йилидан бошлаб 9 ойлик курсларга айлантирилди. 50 нафар тингловчидан 43 нафари ўқишни муваффақиятли тугаллаб, қишлоқ жойларига ишга жўнаб кетишди. 1928/1929 ўқув йилидан бошлаб Сурхондарёда биринчи ўрта махсус билим юрти – Термиз таълим-тарбия (педагогика) техникуми очилди. Билим юртида ўқув муддати 6 ой этиб белгиланди<sup>1</sup>.

1925 йилда Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссарлиги олий педагогик таълимни ривожлантириш масаласини кўриб чиқди. Маълум тайёргарликдан сўнг 1927 йил апрелда Ўзбекистон ХКК «Ўзбекистон олий педагогик институтиқоидаси ҳақида»ги ҳужжатни қабул қилди<sup>2</sup>. Натижада, 1927 йил январда Самарқандда олий педагогика институти очилади. Унинг олий маълумотли педагогик кадрлар тайёрлаш, халқ таълимини услубий жиҳатдан таъминлаш, мактабларга илмий педагогик ёрдам бериш вазибалари белгиланди.

Қишлоқ мактабларини ўқитувчилар билан таъминлаш мақсадида уларнинг иш ҳақи қайта кўриб чиқилди. 1927 йилда мактаб ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақиға ўзгартиришлар киритилди. Унга асосан, қишлоқ мактаби ўқитувчисининг иш ҳақи шаҳарда ишлайдиган ўқитувчидан кўра анча баланд қилиб белгиланди<sup>3</sup>.

Сурхондарё округида ўқитувчилар тайёрлаш

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 26-варак.

<sup>2</sup> Ўз МА, 71-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 9-варак.

<sup>3</sup> Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3807-иш, 206-варак.

билан бирга уларнинг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 1928 йилнинг 12 июнидан бошлаб округдаги физика-математика, табиатшунослик, ижтимоий фанлар, рус тили ва адабиёти ўқитувчилари 3 ҳафта мобайнида Тошкент шаҳрида ўз малакаларини ошириб қайтдилар<sup>1</sup>.

Совет ҳокимиятининг таълим тизимидаги сиёсати, энг аввало, рус аҳолисига имконият яратди. Жумладан, 1925/1926 ўқув йилида Термизда 2 та саводсизликни тугатиш мактаби ташкил этилди<sup>2</sup>. Бу мактаблар аҳолини кирилл, яъни рус алифбоси асосида саводли қилиш устида иш олиб борди. 1925-1926 йилларга оид статистик маълумотларда кўрсатилишича, Термиз мактабларида ўқиётган ўғил болаларнинг 75,7% ни руслар, 2,9% ни тожиклар, 1,6% ўзбеклар ташкил этган. Ўқувчи қизларнинг 54,2% руслар, 0,1% ўзбеклар, 0,1% тожиклардан иборат бўлган<sup>3</sup>.

Термиз шаҳри ва Паттакесарда 1928-1929 ўқув йилида 8 та саводсизликни тугатиш мактаби фаолият юритган бўлса, шундан атиги биргина мактаб маҳаллий миллат вакилларига мўлжалланган эди. Қолган 7 та мактаб эса рус тилли аҳолининг саводини чиқариш учун ташкил қилинган эди<sup>4</sup>. Ваҳоланки, бу даврда шаҳар маорифи эҳтиёжлари учун ажратилаётган маблағларнинг 40% и саводсизликни тугатиш ишларига сарф қилинаётган эди<sup>5</sup>. Бундан қуриб турибдики, совет ҳукумати асосий эътиборни

---

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 26-варақ.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 68-фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 28-варақ.

<sup>3</sup> Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3088-иш, 153-варақ.

<sup>4</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 68-фонд, 2-рўйхат, 8-иш, 22-варақ.

<sup>5</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 2-рўйхат, 11-иш, 26-варақ.

рус тилли аҳолининг саводини чиқаришга қаратган. Маҳаллий миллат вакилларидан ўқитувчи тайёрлаш ишига иккинчи даражали вазифа сифатида қаралган. Бунинг оқибатида эса шаҳарда истиқомат қилаётган ўқиш ёшидаги аҳолининг бир қисми мактабларга жалб этилмади.

1926-1929 йилларда Сурхондарёга халқ маорифини ривожлантириш учун Республика ва Россия Федерацияси шаҳарларидан юзлаб ўқитувчилар жўнатилади. Масалан, Денов районидаги Юрчи селсоветида фаолият юритган ўқитувчилар орасида Иброҳим Юсуфий, Норбўта Назаровлар билан бирга М.Галиулин ҳам ишлаган<sup>1</sup>. Бундан ташқари, совет режими томонидан синфий душман сифатида воҳага кўчирилганлар орасида ўқитувчилик қилганлар ҳам кам эмас эди. Шундай инсонлардан бири Барот Каримовдир. У 1907 йилда узоқ Татаристон Республикасининг Қозон шаҳрида туғилган. 1926 йилдан ўқитувчилик фаолиятини бошлаган. Совет режими ижтимоий келиб чиқишига қараб уни 1929 йилда оила аъзолари билан биргаликда Бойсунга бадарға қилди. У тўғридан-тўғри Хўжабўлғон қишлоғидаги 36 сонли мактабга ўқитувчи этиб юборилди. Барот Каримов самарали меҳнатлари эвазига 1943 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” унвони билан тақдирланган<sup>2</sup>.

Сурхондарё округ ижроия қўмитасининг 1928 йилги йиғилишида саводсизликни тугатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Йиғилишда қайд қилинишича, 1927 йилда округда 22 та саводсизликни тугатиш мактаблари бўлса, 1928 йилда уларнинг сони 42 тага етди. Қишлоқлардаги аҳвол муҳокама қилиниб, мактаб очилмаган ҳудудларда саводсиз-

<sup>1</sup> Бўтасва М. Деновнинг доврукли мактаби. – Денов, 2010. – Б. 16.

<sup>2</sup> Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Тошкент, 2011. –Б. 123.

ликни тугатиш мактабларини ташкил этиш зарур деб топилди. Бундан ташқари, хотин-қизлар мактаблари фаолиятига ҳам тўхталиб, бу борадаги аҳвол анча яхшиланганлиги маълум қилинди<sup>1</sup>.

1929/1930 ўқув йилига келиб Сурхондарё маорифи учун ажратилган маблағлар ҳажми 4 млн. 602 минг сўмни ташкил қилди<sup>2</sup>. Натижада ушбу маблағлар эвазига ташкил этилган мактаблар сони ортиб борди. Фақат 1927-1930 йилларда 30 та янги мактаб қурилди, 27 та бино мактаб учун мослаштирилди<sup>3</sup>. Бунёд қилинган маориф тизими, «саводсизлик»ни тугатиш мактаблари коммунистик партия мафкураси асосида фаолият юритиши лозим эди. Таълим тизими тўлиқ ҳукмрон мафкура исканжасида иш юритди.

Таълим тизимини жорий қилиш, «саводсизлик»ни тугатиш каби ислохотлар оғир шароитда зўравонлик билан амалга оширилди. Гарчи, таълим тизими учун маблағлар миқдори йил сайин ошириб борилган бўлса-да, ушбу соҳада талайгина муаммолар мавжуд эди. Мавжуд бўлган мактаблар ўқиш ёшидаги болаларни тўлиқ қамраб олиш учун етарли эмас эди. Совет мактабларидан эски усул мактабларига ўтиб ўқишни истаётган болалар ҳам бор эди.

1929 йил мартида бўлиб ўтган Сурхондарё округ Советларининг IV съездида “Округнинг маданий қурилиши тўғрисида”ги масалани муҳокама қилди. Қарорда таъкидланишича, халқ таълимига маблағ ажратиш 1928 йилга нисбатан 2 баравар кўпайган, мактаб тармоғи 40% ошган. Съезд маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига бошланғич мактаблар ривожига ғамхўрлик қилиш, эски усул мактабла-

<sup>1</sup> Денов туман давлат архиви, 6-фонд, 1-руйхат, 8-иш, 9-варақ.

<sup>2</sup> Ўз МА, 837-фонд, 2-руйхат, 251-иш, 27-варақ.

<sup>3</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 2-руйхат, 15-иш, 24-варақ.

рига қарши қатъийлик билан кураш олиб боришни юклади<sup>1</sup>.

1920-йиллар охирида ўзбек ёзувини араб алифбосидан ўтказиш сиёсати халқнинг соғлом маънавий ҳаётига катта зарар келтирди. Шунини таъкидлаш лозимки, коммунистик мафкура саводхонликни бартараф этиш ниқоби остида саводсиз маҳаллий аҳолига дастлаб эски ўзбек тилида ўқитишни жорий этиб, кейинчалик бу ёзувни ўзлаштириш қийинлиги, ҳарфларда белгиларнинг ҳаддан ташқари кўплигини рукач қилиб, уни ёзиш учун қулай лотин алифбоси билан алмаштиришни тарғиб этиб борди.

Лотин алифбосининг жорий этилиши билан эски ўзбек ёзувини билган муаллимларни “мулла”, “босмачи”, “қулоқ”, “аксилинқилобий исёнчи”, “амир малайи” каби номлар билан таъқиб қилиш авж олди. Айрим зиёлилар кўшни давлатларга кетишга мажбур бўлдилар. Эски ўзбек алифбосида битилган китоблар оммавий равишда йўқ қилинди. Миллий зиёлиларимизга қарши қаратилган оммавий террор ўлка маданияти ва маориф тизимига жуда катта зарба берди. 1929 йилда араб имлосидан лотин ёзувига ўтилиши муносабати билан янги ёзувни ўргатувчи бир қанча курслар ташкил этилади. Худди шундай курслардан 12 таси Термиз шаҳрида ташкил этилган бўлиб, ушбу курсларга жами 318 нафар киши жалб қилинди<sup>2</sup>.

1930 йилда ВКП (б) XVI съездида маданий инқилобнинг ҳал қилувчи зарур шартларидан бири “саводсизликни битириш, умумий мажбурий бошланғич таълимни жорий этиш, шунингдек, мактабларни ислоҳ қилиш ва сиёсий маориф ишини

---

<sup>1</sup> Халияров Х., и др. Сурхандарьинская область. —С. 76.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 37-ва-рак.

амалга оширишдан иборатдир” деб йўл-йўриқ берди. ВКП (б) Марказий Кўмитасининг 1930 йил 25 июлда қабул қилган қарорига мувофиқ, 1930/1931 ўқув йилидан бошлаб мамлакатда 8-10 ёшдаги болалар учун умумий мажбурий бошланғич таълим жорий этилди. Кейинчалик бу 11 ёшли болаларга ҳам татбиқ этилди. Мамлакатда умумтаълим мактабларининг учта типи ўрнатилди: бошланғич (1-4 синфлар), тўлиқсиз ўрта (5-7 синфлар) ва ўрта (8-10 синфлар)<sup>1</sup>.

Бутун Совет Иттифоқида саводсизлар аҳолининг 38% ни ташкил этиб турган бир вазиятда ушбу вазифани бажариш осон эмас эди. Бунда маблағ, ўқитувчи кадрлар ва бинолар етишмовчилигига дуч келинди. 1930 йили 7 синф маълумотига эга бўлган ҳар бир киши 3 ҳафтадан то 6 ойгача бўлган қисқа муддатли ўқитувчиларни тайёрловчи ва қайта тайёрловчи курсларни тугаллаб ўқитувчи бўлиши мумкин эди. Бунақанги ҳолат узоқ чўзилиши муқаррар бўлиб қолди. Гарчи таълим тизимига пул ажратиш кўпайиб борган бўлсада, у етарли бўлмаган, негаки маблағнинг асосий қисми оғир саноатга йўналтирилаётган эди<sup>2</sup>.

Шундай оғир шароитда Ўзбекистон ҳукумати халқ маорифини ривожлантириш учун катта маблағлар топа олди. Биринчи беш йиллик даврида (1928-1932) республика бюджетидан шу мақсад учун 395,5 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди<sup>3</sup>.

1930 йилда мажбурий таълим жорий этилиши билан Термиздаги 2 та мактаб умумий етти йиллик

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. –Б. 577.

<sup>2</sup> Боффа Дж. История Советского Союза. В двух томах. Том 1. От революции до второй мировой войны. Ленин и Сталин. 1917-1941. Пер. на русский И.Б.Левина. –Москва: Международные отношения, 1990. –С. 381.

<sup>3</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. –Б. 577.

мактабга айлантирилади. Бошланғич мактаблардаги синфхоналар сони ҳам бир мунча кўпайтирилди. Натижада шаҳарда яшаётган 8 ёшдан то 15 ёшгача бўлган барча болаларни ўқишга жалб қилиш имконияти юзага келди. Бу эса яна ўқитувчи кадрларга бўлган эҳтиёжни бирмунча ошиб боришига сабаб бўлди. 1934-35 ўқув йилида шаҳар мактабларида фаолият юритаётган 82 нафар ўқитувчининг бор-йўғи 16 нафари олий маълумотли эди. Олий маълумотли ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни инobatга олган ҳолда, кўплаб ёшлар Самарқанд, Тошкент ва Бухородаги педагогика институтларига ўқишга юборилди<sup>1</sup>.

Сурхондарё округида ўқитувчилар етишмаслиги туфайли 1930/1931 ўқув йилида Термиз шаҳридаги мактаб ўқитувчиларини қишлоқ мактабларига ишга боришга мажбур қилиш ҳолатлари кузатилди<sup>2</sup>. Бу ҳолат ўша йилларда вилоят таълим тизимидаги оғир аҳволдан далолат беради.

1929-1933 йилларда оммавий жамоалаштириш ўтказилиши билан Республика ва вилоятнинг кўплаб жойларидан қулоқ қилинган аҳоли Сурхондарё округининг Ҳазорбоғ, Қумқўрғон, Сурхон ва Шўрчида ташкил этилган совхозларга кўчириб келтирилади. Бундан ташқари, 1930-1932 йилларда пахтачиликни ривожлантириш мақсадида Фарғона водийси ва Шерободнинг тоғли ҳудудларидан Термиз ва Денов туманларига аҳоли кўчириб келинади. Бу эса, маҳаллий ҳокимият органлари олдида кўчириб келтирилганларнинг болалари учун мактаблар ташкил этиш муаммосини юзага келтиради. Муаммони ҳал этиш учун Ҳазорбоғ, Шўрчи, Қумқўрғон,

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 5-рўйхат, 56-иш, 42-варак.

<sup>2</sup> Ўз МА, Р-94-фонд, 5-рўйхат, 655-иш, 14-варак.

Сурхон ва Термиз туманидаги Намуна колхози ҳудудида янги мактаблар ташкил этилади. Сургун қилинганлар орасидан ўқитувчилар бўлган тақдирда уларни муаллимликка тайин қилиш ҳолатлари ҳам кўп бўлган.

Жумладан, 1930 йили Жарқўрғон туманидаги Сурхон совхозиди маориф жонкуяри Аҳмаджонов ташаббуси билан ҳашар йўли билан бошланғич мактаб қурилади. 1937 йилга келганда эса 7 йиллик мактабга айлантирилади. Мактабда 154 нафар ўқувчи билим олган. Унда турли хил миллат вакиллари бўлганлиги боис ўзбек ва рус синфлари ташкил қилинади. Мактабнинг биринчи директори Новикова, илк ўқитувчилари Бўриев ва Я.Фозилов бўлган<sup>1</sup>.

1930 йилга келиб Шерободдаги 38333 аҳолидан 216 эркак ва 2 та аёл тўлиқ маълумотли эди. Совет ҳукумати саводсизликни тугатиш шиори асосида 1933-1937 йилларда Шерободда 2 та кутубхона, 4 та қизил чойхона, 3 та кечки ёшлар мактаби, 30 бошланғич мактаблар ташкил этди. Натижада мактабларда таълим олаётган маҳаллий ўқувчилар сони 2110 тага етди. 1937 йил Шерободда биринчи болалар боғчаси очилиб, хотин-қизларнинг ишлаши учун имконият яратиб берилади<sup>2</sup>.

Округда янги колхозлар тузилиб, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб бораётган бир шароитда колхозчиларнинг ўсмир ёшдаги болаларини таълимга жалб этиш ҳар қачонгидан ҳам кўра долзарб вазифага айланди. Сабаби, қишлоқларда янги МТСлар ташкил топиб, тракторлар ва бошқа техникалар билан ишлаш тобора оммалашаётган вақтда ўсмирларнинг саводсиз бўлиб қолиши қишлоқ хў-

<sup>1</sup> Норматов Н. Сурхонда бир мактаб бор. –Тошкент: Санъат, 2007. –Б. 17.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 17-ҳужжат, 5-варақ.

жалигини зарур бўлган мутахассислар билан таъминлашда муайян қийинчиликлар келтириб чиқарар эди. Қишлоқ хўжалик техникасини биладиган мутахассисларнинг етишмовчилиги кўп жиҳатдан давлат режаларини бажаришга йўл қўймас эди. Шунини ҳисобга олиб, ҳар бир туманда ўсмирлар учун мактаблар ташкил этишга киришилди.

Бойсунда ўқитувчи-мутахассислар тайёрлаш бўйича 1932 йилда 6-ойлик таълим-тарбия курси очилиб, 105 нафар ўқитувчи тайёрланди. 1933 йилда 70 киши, 1934 йилда 20 киши муаллимликни битирди. Бундан ташқари, ёзги таътил вақтида бу муаллимлар педагогика техникум ва институтларда малака оширишга юборилди. 1930 йилларда тожик миллатига мансуб болалар учун 15 та ўқув хонаси, 15 та болалар майдончасида тожик тили ўқув курслари ташкил этилиб, адабиётлар ва муаллимлар билан таъминланди. 1934 йилда 243 бола мактабларга жалб этилиб, шундан 231 таси колхоз аъзоларини болалари ва 12 таси якка хўжаликларни болаларидан иборат эди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон советларининг 1935 йил январиди бўлиб ўтган бешинчи съезди Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Советига 8 ёшдан то 15 ёшгача бўлган ҳамма болаларни мажбурий етти йиллик таълимга тортиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларига янги мактаб биноларини қуриш дастури ишлаб чиқиш тўғрисида кўрсатма берди. Ушбу масала Сурхондарё округ ижроия қўмитасининг 1936 йил 17 декабридаги сессиясида муҳокама қилинди ва тегишли тadbирлар ишлаб чиқилди<sup>2</sup>. Натижада округ шаҳар ва қишлоқлари мактаблари учун янги бинолар қуриш бошланди. 1937 йилда Термиз шаҳридаги "Правда"

<sup>1</sup> Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Б. 166-167.

<sup>2</sup> Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Б. 131.

газетаси номли 2-сонли ўрта мактабга янги ўқув биноси қуриб берилди. Бу Сурхондарёда қурилган илк икки қаватли мактаб биноси эди. Ўша йили Жарқўрғон тумани Какайдиди қишлоқ кенгашидаги “Правда” газетаси номли мактаб қарамоғида Чангоёқ қишлоғида (ҳозирги Қаҳрамон маҳалласи) иккита бошланғич синф иш бошлади. Бу синфларнинг ҳар бирида 24 нафардан ўқувчи ўқиди. Уларга Пўлат Дўланов ва Ҳасан Турсунқуловлар сабоқ беришди. 1930 йилларда “Меҳнат-роҳат” колхозида бешта бошланғич мактаблар бўлиб, уларда 1926-1940 йилларда 630 нафар киши таълим олди<sup>1</sup>.

Лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувини тўлиқ жорий қилиб улгурмасдан, 1940 йилда кирилл ёзувига ўтилиши мавжуд жараённи янада мушкуллаштирди. Аҳолининг саводхонлик даражаси яна пасайди. Термизда тезлик билан ташкил этилган 8 та қисқа муддатли курслар аҳолига янги алифбони ўргатиш билан шуғулланди<sup>2</sup>.

1940/1941 ўқув йилига келиб Шерободдаги ўрта мактабларда 268 та синф хонаси бўлиб, уларда 8172 ўқувчи таълим олган. Мутахассисларга бўлган талабни ҳисобга олиб, Термиз шаҳрига 35 киши механизаторлар тайёрлаш мактабига жўнатилди<sup>3</sup>. Сурхондарё округида халқ таълими ходимларни тайёрлаш масқадида 1940-1941 ўқув йилида 2 та ўрта махсус ўқув юрти фаолият кўрсатиб, 500 ўрта махсус ходимларни тайёрлаб берди. Округда институт ва техникумларни битириб чиқувчиларнинг сони бир неча барабар кўпайди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Жарқўрғон тарихидан лавҳалар. –Б. 74.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 18-фонд, 1-рўйхат, 96-иш, 103-ва-рак.

<sup>3</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 17-иш, 5-ва-рак.

<sup>4</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 241-иш, 72-ва-

Янги ерларни ўзлаштириш, суғориш тизимини қуриш учун зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш мақсадида 1938 йил Термиз шаҳрида, 1939 йилда эса «Ҳазарбоғ» совхозида механизация билим юртлари ташкил этилади. 1938 йилда эса Деновда мотор-ремонт заводи қурилиб ишга туширилади<sup>1</sup>.

1920-30 йилларда Сурхондарё округида янги темир йўл ва нефть-газ тармоқларининг ишга туширилиши уларда ишлайдиган ишчи кадрларга эҳтиёжни вужудга келтирди. Шу мақсадда 1940 йили Какайдида битта ФЗУ (Фабрика-завод билим юрти) очилди<sup>2</sup>. Бу билим юрти воҳа нефть корхоналари учун кўплаб кадрлар етказиб бера бошлади.

Темир йўлларни мутахассис кадрлар билан таъминлаш учун ЎзССР Халқ Комиссарлар Совети ва Ўз КП Марказий Комитетининг 1941 йил 5-10 майдаги 500-сонли Қарори билан 1941 йил 5 июндан 20 июнга қадар Республиканинг шаҳар, колхоз ва бошқа қишлоқ ёшлари жумласидан фабрика-завод таълими мактабларида 16-17 ёшдаги эркаклардан 6400 киши, 1941 йил 5-20 августда ҳунар мактаблари ва темир йўл мактабларига 14-15 ёшдаги эркаклардан 2950 киши сафарбар қилиниши кўзда тутилди. Шу жумладан, Сурхондарё вилоятидан фабрика-завод таълими мактабларига 150 киши, Бухоро областига Қарши темир йўл мактабида 75 киши (25 та шаҳардан, 50 та қишлоқдан) ўқиш учун жўнатилиши белгиланди<sup>3</sup>. Аммо, иккинчи жаҳон уруши фабрика-завод таълимига ўз таъсирини кўрсатди. Ўқувчи ва ўқитувчилар етишмовчилиги боис Какайдидаги

---

рақ.

<sup>1</sup> «Ленин байроғи» газетаси. 1970 йил, 8 апрель.

<sup>2</sup> Ишчи кадрлар ўчоғи (Какайди 6-ҳунар-техника билим юрти 25 ёшда). –Жарқўрғон, 1992. –Б. 4.

<sup>3</sup> Шеробод туман давлат архиви, С 42-фонд, 1-рўйхат, 369-иш, 31-33-варақлар.

билим юрти ёпилади. Темир йўл соҳасидаги ФЗУлар ҳам жиддий қийинчиликларга учрайди.<sup>1</sup>

1940/1941 ўқув йилида Сурхондарё вилоятида 303 барча турдаги мактаб фаолият кўрсатган бўлиб, уларда 71 минг нафар ўқувчи ўқиган<sup>2</sup>. Улардан 21 минг нафари саводсиз ва чаласавод, шу жумладан, 12 минг хотин-қиз 871 та синфда ўқир эди. 1941 йил 1 январь ҳолатига кўра, вилоят аҳолисининг 89,9% саводли эди. Мактаб ёшидаги болаларнинг деярли ҳаммаси совет таълимига тортилган эди<sup>3</sup>.

Республика бўйича 1940-41 ўқув йилида 4931 та мактаб бўлиб, улардан 2722 таси бошланғич, 1702 таси тўлиқсиз ўрта, 798 таси ўрта мактаблар ташкил этган. Мактабларда 1281 минг ўқувчи ўқиган. Шундан бошланғич мактабларда 364 минг, тўлиқсиз ўрта мактабларда 572 минг, ўрта мактабларда 323 минг, ақлий ва жисмоний нуқсони бор болалар мактабларида 22 минг ўқувчи бўлган. Уларга 36 минг ўқитувчи таълим берган. Ишчилар, қишлоқ ёшлари ва катта ёшлиларга мўлжалланган мактаблар сони 573 бўлиб, уларда 44 минг киши ўқиган. Шундан 1-4 синфларда 10 минг, 5-8 синфларда 30,7 минг, 9-10 синфларда 3 минг киши ўқир эди. Иттифоқ бўйича бу кўрсаткич 7276 та мактаб ва 768 минг ўқувчи; улардан 1-4 синфларда 107 минг, 5-8 синфларда 551 минг, 9-10 синфларда 110 минг киши ўқир эди<sup>4</sup>.

Тан олиш керакки, 1920-1941 йилларда Сурхон воҳасида советҳокимияти маориф соҳасида кўпгина ютуқларни қўлга киритди. Бепул таълимнинг жорий этилиши, янги мактаблар ва ўқитувчилар

<sup>1</sup> Ёриев Б. Қора олтин ижодкорлари. –Термиз, 1999. –Б. 38.

<sup>2</sup> Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. –Ташкент: Узбекистан, 1964. –С. 317.

<sup>3</sup> Халияров Х., и др. Сурхандарьинская область. –С. 77.

<sup>4</sup> Народное образование, наука и культура в СССР. Статистический сборник. –С. 54-55, 121-122

тайёрловчи билим юртларининг ташкил этилиши, саводсизликка қарши кураш, техник кадрларни тайёрловчи фабрика- завод ўқув юртларининг очилиши шубҳасиз, шу даврнинг энг муҳим натижаларидандир. Маориф соҳасида эришилган ютуқларни инкор этмаган ҳолда қуйидаги салбий ҳолатларкўзга ташланади. Булар қуйидагилардан иборатдир.

1. Совет таълими мамлакатда бошқа мактабларнинг бўлишига йўл қўймади. Мамлакатда фақатгина давлат мактабларининг мавжуд бўлиши таълимда рақобат муҳитининг йўқолиши ва таълим сифатининг тушишига олиб келди. Қолаверса, совет мактаби реал ҳаёт ва ишлаб чиқариш билан боғланмаган эди. Совет мактабларидаги мана шундай камчиликларни кўрган ота-оналар ўз болаларини эски мактабларда ўқитишни афзал кўрдилар. Бунга жавобан мустабид режим совет мактаби билан рақобат қилиши мумкин бўлган барча жаид ва эски анъанавий мактабларниёпиб ташлади. Уларда дарс берувчи домлалар 1920-1930 йиллардаги оммавий қатағонларда йўқ қилиндилар. Совет мактабларида хурфикрлик таъқиқлаб қўйилди. Ўзгача фикрлаганлик учун жиноий жазога тортиш авж олди.

2. Совет таълим тизими ҳаддан ортиқ мафкура-лаштирилди. Бунда болаларга чуқур билим беришдан кўра коммунистик ғоялар билан тарбиялаш муҳимроқ деб ҳисобланди. Ўқувчиларнинг билими ўқиш-ёзишни билиши, колхоз даражасида зарур бўлган техник тушунчаларга эга бўлиши, сиёсий дунёқараши эса коммунистик мафкура ва атеизм руҳида тарбия топганлиги билан белгиланар эди.

3. Монографияда маориф соҳасига маҳаллий ва давлат бюджетларидан катта маблағ ажратилишига қарамай, саводсизликни тўлиқ тугатишнинг иложи бўлмади. Шаҳар ва қишлоқ мактаблари мослашти-

рилган бинолар, олий ва ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар билан таъминланмади. Вилоятда олий маълумотли ўқитувчилар ниҳоят даражада кам эди. Агар 1941 йилда Сурхондарё вилояти мактабларида жами 1760 нафар ўқитувчи ишлаган бўлса, шундан 36 таси олий маълумотли эди, холос. 1538 таси ёки 87,4 фоизи ҳатто ўрта маълумотга ҳам эга эмас эди. Бунинг ечими ҳудудда олий таълим муассасасини ташкил этиш бўлган. Афсуски, Марказни бундай муаммолар қизиқтирмаган. Унинг мақсади ўлка ер ости ва ер усти бойликларини кўпроқ ташиб кетиш бўлган. Шу мақсаддан келиб чиқиб, Сурхондарё таълим тизимини арзон хом ашёни ташиб кетишга мослаштиришга ҳаракат қилди. Ҳудудда олий ўқув юртини очиш ёки туб аҳоли вакилларини республика институт ва университетларида ўқитиш ўрнига кўпроқ Россиядан тайёр кадрларни жўнатиш билан шуғулланди. Айнан кадрлар тайёрлаш масаласида совет ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати яққол кўзга ташланади.

4. Ўзбекистон қишлоқларидаги мактаб ўқувчи ва ўқитувчиларининг оммавий ва мажбурий равишда дала ишларига жалб қилиниши маориф ривожига ғов бўлди. Натижада таълим сифати талаб даражасида бўлмади.

Совет режимининг маориф соҳасидаги сиёсати салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Сурхондарё округидаги билимли ўқитувчиларнинг ўз касбини ташлаб, хўжалик ишларига ўтиб кетиш ҳолатлари кўпайди. Бу тизимда ўз ихтиёри билан ишловчилар сони кескин камайди. Фақат округ партия қўмитасининг 14-16 ёшли комсомолларни маориф ишига мажбуран жалб этиш орқалигина вазиятни маълум даражада ушлаб туришга муваффақ бўлинди. Улар ҳам вояга етиб, имкон бўлди дегунча бошқа ишга ўтишга ҳаракат қилишар эди.

Шундай оғир дамларда халқ маорифини кўтаришда шерободлик биринчи олий маълумотли ўқитувчи Омонов Чори, Шеробод туман халқ маорифи бўлими мудирини Жумаев Мамат, бойсунлик илк олий маълумотли ўқитувчи Сафар Соҳибов ва Бойсун туман халқ маорифи бўлими мудирини Тўқсон Тоғаев каби инсонларнинг хизматлари катта бўлди. Умар Холмуродов совет режимидан кўн жабр кўришига қарамай, Шеробод ва Сарисийё туманларида кўплаб қишлоқ мактабларини ташкил этиб, уларга мудирлик ва ўқитувчилик қилди, мазкур туманларда халқ маорифи бўлимларини бошқарди. Ана шундай маориф фидойиларининг хизматларини хурмат билан эсга олиш мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, монографияда Сурхон воҳаси зиёлилари 1920-1941 йилларда жуда оғир шароитларда меҳнат қилдилар. Бир томондан, ўқув бинолари, ўқув қуролларининг етишмовчилиги ва иқтисодий қийинчиликлар бўлса, иккинчи томондан, коммунистик партиянинг зўравонлиги, миллий зиёлиларга қарши оммавий қатағонликлар, улуғ давлатчилик шовинизми ва мустамлакачилик зулми остида фаолият юритдилар. Шундай бўлсада, миллий зиёлилар саводсизликни тугатиш, эл фарзандларига билим беришда жонбозлик кўрсатдилар. Уларнинг кўпчилиги ўз касбига содиқ бўлганликлари учун эл хурматиغا сазовор бўлдилар.

## **2.2. 1917-1941 йилларда Сурхон воҳасида ўтказилган илмий тадқиқотлар ва уларнинг аҳамияти**

Маълумки, монографияда Сурхон воҳаси жуда катта табиий бойликларга эга бўлиб, уларни тадқиқ

этиш ва ўзлаштириш масаласи ҳали чоризм давридаёқ бошланган эди. Айниқса, воҳанинг унумдор тупроғи, иссиқ иқлими, йирик ва серсув дарёларнинг мавжудлиги ҳудудда пахтачиликни ривожлантириш истиқболларини кўрсатар эди. Шу мақсадда 1913-1917 йилларда Шеробод концессияси томонидан воҳада суғориш иншоотларини қуриш ва янги ерларни ўзлаштириш бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Муҳандислар гуруҳига «Шеробод» акционерлик жамиятининг ижрочи-директори С.П.Максимов бошчилик қилди<sup>1</sup>

Монографияда Сурхон ва Шеробод дарёларининг имкониятларини ўрганишди. Изланишлар шуни кўрсатдики, Сурхон дарёсининг юқори ҳавзасидаги Денов беклигида сув кўплигидан ғалла, кунжут, зиғир, беда кабиэкинлар экилиши, агар канал қазилиб янги ерлар ўзлаштирилса, пахта ва ғалладан жуда кўп ҳосил олиш мумкинлиги исботлаб берилди. Деновдан Термизга қадар транспорт алоқалари яхшиланса, пахтачиликдан жуда катта даромад олиниши кўрсатиб берилди.

Шеробод воҳасида ер кўп. Аммо ноқулай томони сув кам. Лалми ерларнинг кўплиги ҳудудда ғаллачиликни ривожлантиришга имкон беради. Фақат пахтачиликни эмас. Шу боис 1916 йилда Шеробод беклиги ерларининг 13,6 фоизида пахта экилган. Шеробод воҳасига ариқ қазиб сувлаш мумкин, лекин Шеробод чўлида сувнинг йўқотилиши 70% гача бўлиши мумкин. Ҳатто энг яхши ирригация тизимида ҳам 30% гача сув йўқотилади. Шундан келиб чиқиб, инженер С.К.Кондрашев Сурхон воҳасида тажриба тариқасидаги илк йирик суғориш каналларини айнан Денов беклигида қуриш, Шерободда эса

---

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 19-иш, 24-варак.

мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, эски ариқларни қайта таъмирлаш йўли билан далаларни сувлашни таклиф этади. Унинг бундай дейишига Сурхон дарёсининг юқори қисмида навбатсиз суғориш туфайли ортиқча сув тўпланганлиги, оқава сув эса ўз навбатида Сурхон дарёсига бориб қуйилиб, ўз йўлидаги каттагина майдонларни ботқоқликка айлантираётганлиги асос бўлган эди.<sup>1</sup>

Айтиш керакки, бу тадқиқот фақат рус мустамлакачилиги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди. Ундан кўзланган мақсад ўлкада пахта хом ашёсини етиштириш, унга бирламчи ишлов бериш, тайёр хом ашёни Россияга қулай ва арзон нархларда ташиб кетиш эди.

Россияда октябрь тўнтаришидан кейин ушбу лойиҳа ишлари тўхтаб қолди. Унинг муҳандислари кетиб қолишди. Аммо тўрт йил давомида олиб борилган тадқиқот натижалари унутилмади. Воҳадаги дастлабки йирик каналлар Денов туманида қурилди. Жумладан, 1929 йили узунлиги 49 км бўлган Ҳазорбоғ канали қазилди. 1928-1929 йилларда Дайтўлак канали ҳашар йўли билан қазилиб ишга туширилди. Канал Денов туманидаги Сурхон дарёсидан бошланиб, Шўрчи туман маркази орқали то Ойнакўл қишлоғигача сув етказиб берган. 1930-1932 йилларда Қумқўрғон канали барпо этилди. Унинг қурилишига А.Я.Жимский, Т.Қувватов ва Алиаҳмедов сингари муҳандислар бошчилик қилган. Узунлиги 76 километр бўлган бу канал Денов туманидан бошланиб то Жарқўрғон шаҳри яқинига қадар чўзилди. Юқорида қайд этилган каналлар

<sup>1</sup> Кондрашев С.К. Водопользование Ширабадской и Сурханской долин Бухарского ханства с 7 чертежами // Материалы работ гидромодульной части Отдела Земельных улучшений. Выпуск 14. –Москва. 1918. –С. 19-25-28.

Сурхон дарёси бўйида ташкил этилган совхозларни сув билан таъминлади<sup>1</sup>.

1920-1930 йилларда Сурхон воҳасида жадаллик билан олиб борилган жамоалаштириш сиёсати, маданий инқилоб, янги темир йўлларнинг қурилиши, дарё флотилиясининг тараққий этиши, қишлоқ хўжалиги ишларида тракторлардан фойдаланиш, юк ташишда автомобиль транспортининг ишлатилиши электр энергияси, кўмир ва нефтга бўлган талабни кескин ошириб юборди. Натижада вилоятда геологик тадқиқотларни амалга ошириш учун зарурат юзага келди.

Сурхон воҳасида дастлабки нефть ва газ конларини қидириш 1912 йилда рус аёл-геологи Михайловская томонидан олиб борилди. Шерободнинг тоғли ҳудудлари ва Жарқўрғон амлоқдорлигида олиб борилган қидирув натижаларига кўра, воҳанинг Ҳовдак, Какайди, Оқтош, Қўшчекка ва Дасман майдонларида ер ости майдонларининг катта захираси мавжудлиги аниқланди. Бироқ 1917-1926 йиллардаги нотинчликлар воҳада геологик қидирув ишларининг тўхтаб қолишига сабаб бўлди<sup>2</sup>.

1926 йилда муҳандислар В.Вольний ва Карвицкийлар воҳада фойдали қазилмаларни аниқлаш борасида изланишлар олиб бордилар. Қидирув натижасида Кўҳитанг тоғининг шарқида ош тузи ва калий тузининг йирик конлари аниқланади. 1927-1928 йилларда Юрчи-Денов ботқоқликлари ўрғаниб чиқилади. 1930-1931 йилларда геолог Н.П.Туев Сурхондарёда нефть конларини аниқлаш мақсадида текширув ишларини олиб борадига унинг изланишлари ўз тасдиғини топади. Унинг тадқиқотлари

<sup>1</sup> Истомин М.С. Сельское хозяйство области за годы советской власти. Материалы к 50 летию Советской власти. Термез. 1967.—С. 9.

<sup>2</sup> Ишчи кадрлар ўчоғи (Какайди 6-хунар-техника билим юрти 25 ёшда). —Жарқўрғон, 1992. —Б. 4.

академик И.М.Губкин томонидан қўллаб-қувватланади<sup>1</sup>.

1933 йилда геолог Н.П.Туев тавсиясига кўра, Ховдак майдонида илк маротоба разведка мақсадида қазиб ишлари бошлаб юборилди. 1934 йилнинг 6 февралда 158 метр чуқурликдан нефть отилиб чиқди ва бу кудуқдан суткасига 100 тоннагача нефть қазиб олиш йўлга қўйилди. Ўша йили яна тўртта нефть кудуқлари қазилиб, ҳар бир кудуқдан суткасига 75-100 тоннагача нефть қазиб олишга эришилди<sup>2</sup>.

1934 йилнинг 14 сентябрда академик И.М.Губкин Сурхондарё округи газетасида “Ўрта Осиё нефти учун” номли мақоласида шундай деб ёзган эди: “Ховдак фақат нефть чиққанлиги учун машҳур бўлиб қолмасдан, балки у Ўрта Осиё нефти тарихида янги саҳифа очади ва у биз учун бундан кейин бошқа жойларда ҳам нефть маконларини излаш ва очиш учун хизмат қилади”. Ховдак нефть конидан кейин Учқизил, Какайди, Лалмикор, Жайронхона ва бошқа жойларда ҳам янги нефть конлари топилди. Нефть конларида ишларни йўлга қўйиш мақсадида 1936 йили “Ворошиловнефть” трести ташкил этилди. 1939 йили Какайдидаги иккита кудуқдан нефть топилди ва 1940 йилдан бу ерда ҳам саноат усулида нефть қазиб олиш бошланди<sup>3</sup>.

1935-1936 йилларда Ховдак нефть конларида 1200, Учқизил конларида 1200 киловатга эга электростанциялар қурилиб ишга туширилди. Натижада воҳанинг электр энергияси билан таъминланиши нисбатан яхшиланди. Ховдак ва Учқизил нефть конларининг ишга туширилиши эски конлардан чиқариладиган нефтнинг таннархини пасайтириш-

---

<sup>1</sup> Ишчи кадрлар ўчоғи. –Б. 4.

<sup>2</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Жарқўрғон тарихидан лавҳалар. –Б. 70.

<sup>3</sup> Ёриев Б. Қора олтин ижодкорлари. –Б. 51-52.

га ва Ўзбекистонга нефть келтиришни анча камай-тиришга имкон берди. Нефть қазиб чиқаришга янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш 1932 йилга нисбатан меҳнат унумини 3 марта ва 1913 йилга нисбатан 27 марта оширишга имкон берди<sup>1</sup>.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида вилоят нефтчилари барча соҳа ишчилари қаторида уруш талаблари асосида тинмай меҳнат қилдилар. Ишлаб чиқаришда «стахановчилик» ва ихтирочилик таклифларининг сони ортиб борди. Биргина «Ворошиловнефть» трестининг ўзида уруш бошланган даврдан 1942 йил охиригача бўлган вақт мобайнида олтмишдан ортиқ ихтирочилик таклифлари амалга оширилди<sup>2</sup>.

Сурхондарё ҳудудида нефть конларидан ташқари, бошқа фойдали қазилмалар, айниқса, тошкўмир конларини излаш бўйича изланишлар олиб борилди. Негаки, шу даврда ишлатилаётган паровоз ва пароходлар тошкўмир билан ҳаракатланар, қолаверса, саноат учун қимматбаҳо ёқилғи эди. Воҳада тошкўмир конларининг топилиши Россия ва Украинадан кўмир келтиришни камайтириб, бу борадаги харажатларини қисқартиришга имкон берарди.

Воҳада тошкўмир конларини қидириш 1934 йилдан бошланди. Геологларнинг диққати Шарғун дарёси бўйида Тоқчиён қишлоғига қаратилди. Қадимда Тоқчиёнда машҳур уста-зарбчилар яшашган. 19 аср хариталарида Тўпаланг дарёси ҳавзасида мис конлари бўлганлиги кўрсатилган. Агар ҳудуддан мис қазиб олинган бўлса, демак кўмир конлари ҳам бўлиши керак эди. Аммо улар фақат битта қатламни аниқлай олишди, холос. Саноат миқёсидаги кўмирни фақат 1939 йилда аёл-геолог Е.А.Репман-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи китоб. –Б. 614.

<sup>2</sup> «Илғор Сурхон учун» газетаси, 1943 йил 1 январь сони.

гина аниқлай олди. Маълум бўлишича, у калориялиги жиҳатидан Ўрта Осиёда энг сифатлиси экан. Шарғундан кейин Кўхитанг ва Бойсун тоғларида ҳам кўмир конлари топилиб, ишга туширилди. 1940 йилнинг ўзида воҳада 3,2 минг тонна кўмир қазиб олишга эришилди<sup>1</sup>.

1941 йил кузида немис-фашистлари мамлакатнинг асосий кўмир базаси бўлган Донбассни ишғол этиши кўмир тақчиллигини келтириб чиқарди. Ўзбекистонга кўчирилган йирик саноат корхоналари ва темир йўлларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш учун кўплаб миқдорда кўмир зарур эди. Шу боис янги аниқланган кўмир конидаги ишлар жадаллик билан олиб борилди. Ниҳоят, 1943 йилнинг охирида Шарғун кўмир кони ишга туширилди, бу эса республикада кўмир қазиб чиқаришнинг бирмунча ортишига олиб келди. Мисол учун республикада 1940 йилда 3.4 минг тонна кўмир қазиб олинган бўлса, 1945 йилга келиб бу кўрсаткич 103 минг тоннага етди. Шарғун кончилар шаҳрига айланди<sup>2</sup>.

Воҳада олиб борилаётган геологик тадқиқотларда Сурхондарё округ ўлкашунослик музейи ходимлари ҳам иштирок этишди. Ўлкашунос И.Ф.Ломаев бир қанча ўнлаб қимматли фойдали қазилмалар бор жойларни аниқлашга эришади. Қидирувлар натижасида вилоят ҳудудидан ҳар хил фойдали қазилмалар: кўрғошин, боксит, темир, аччиқтош, ош ва калий тузи, тошкўмир, торф, тоғ сланци, нефть, гранит, мрамор, минерал бўёқлар, қурилиш материалларига оид оҳак, алебастр, ўтга чидамли, кулолчилик тупроқлари топилади<sup>3</sup>.

Сурхон воҳаси халқ хўжалигининг асоси аграр соҳа бўлганлиги боис илмий тадқиқотларнинг кат-

<sup>1</sup> Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. —С. 62.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 23-варак.

<sup>3</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. —Б. 152-153.

та қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келди. Илмий изланишлар асосан пахтачилик, ғаллачилик ва қисман чорвачилик соҳаларида олиб борилди. 1930 йилларда Сурхон воҳасида илм-фан ютуқлари жорий этила бошланди. Бу ишларни амалга ошириш учун 1930 йили ҳозирги Шўрчи туманида Култепа агроучасткаси ташкил этилди. Унга Куйбишев шаҳридан келган агроном Т.Д.Акимов бошчилик қилди. Агроучастканинг асосий вазифаси: колхоз ва совхозларни уруғлик чигит ва дон билан таъминлаш, техника хизмат кўрсатиш, ғўза ва бошқа экинлар парвариши бўйича малакали маслаҳат беришдан иборат эди<sup>1</sup>.

Сурхон воҳаси иқлими ингичка толали пахта етиштириш учун жуда қулай эди. Шунинг ҳисобига олган М.С.Истомин воҳада ингичка толали пахтани экиш тўғрисидаги таклиф билан чиқди. Ингичка толали ғўза навлари кеч пишганлиги сабаб фақат иссиқ ўлкаларда етиштирилар, халқ томонидан «ипак пахта» деб аталар эди. Ингичка толали пахта Ўзбекистонда илк марта 1929 йили Термиз тажриба станциясида, 5 гектарлик майдонда синов учун экилган эди. Бу пахта нави Мисрдан олиб келинган бўлиб, уни маҳаллийлаштириш билан шахсан М.С.Истомин шуғулланди. Орадан бир йил ўтгач Сурхондарё округида 120 гектар майдонга ипак пахта экилди. Аммо ҳосил чўғи паст бўлди, гектарига 2 центнердан ҳосил олинди<sup>2</sup>.

Ингичка толали пахта экиш бўйича тажриба Ўзбекистоннинг Тошкент, Пискент, Янгийўл, Мирзачўл районларида, Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилди. Республика бўйича 1932 йилда 5,490 гектар майдонга ингичка толали пахта экилди. Бу рақам 1933 йили

<sup>1</sup> Турсунов С., Эшбоев Қ. Шўрчи тарихидан лавҳалар. –Б. 131.

<sup>2</sup> Моложавенко В. Жаркое солнце Сурхана. –Москва: Мысль, 1982. –С. 73.

9,075 гектарга етказилди. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон Республикаларини бирга қўшганда 1933 йили 76,344 гектар майдонга ингичка толали пахта чигити қадалди<sup>1</sup>.

Ингичка толали пахта экиш СССРда 1928 йилдаёқ бошланган эди. 1933 йилда Туркменистон ва Тожикистоннинг барча туманларида, Озарбайжоннинг Нахичеван ўлкасида ҳам чет эллардан келтирилган ингичка толали пахтанинг турли навлари: Пима, Сакель, Ашмуни, Рамселлер, Аффифи, Маарад экилган, аммо уларнинг ҳаммаси кечпишар бўлиб, ўсиш даври 150-170 кун бўлган. СССР миқёсида тажрибанинг бундай кенг кўламда ўтказилиши ингичка толали пахтадан энг самарали навларни аниқлаш имконини берди. Пахтачилик соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ўз мевасини бера бошлади. Ҳосилдорлик йилдан йилга ўсиб борди. 1928 йилда СССРда 22 минг, 1929 йили 121 минг тонна ингичка толали пахта етиштирилди. 1933 йилга келиб Ўзбекистонда бундан ҳам кўп ингичка толали пахта тайёрланди. Бунда ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили ўртача 4,8 центнерни ташкил этди<sup>2</sup>.

1932 йили Сурхондарё округидаги Шеробод, Термиз ва Жарқўрғон туманларихўжаликларида 409 гектар майдонга ингичка толали пахта экилиб, 91 тонна ҳосил олинди. 1933 йили бу ерда 3,5 минг гектар ердан 2 минг тоннадан зиёд ингичка толали пахта етиштирилди. 1934 йилнинг баҳорида мазкур туманларнинг барча майдонларга икки нав: Пима ва Маарад навлари экилди. Маарад нави бу жойларнинг шароитига мослашиб анча юқори ҳосил

---

<sup>1</sup> Истомин М.С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. Т.: Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1969. –Б. 5.

<sup>2</sup> Истомин М.С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. –Б. 6.

ва сифатли тола берди. 1934 йилнинг кўкламидан бошлаб бу туманларда фақат ингичка толали пахта экила бошлади<sup>1</sup>.

М.С.Истомин бошчилигидаги олимлар томонидан олиб борилган кўпдан-кўп тажрибалар натижасида воҳа иқлими учун мос бўлган навлар яратила бошланди. 1934 йилнинг баҳорида Шеробод туманидаги Чўянчи қишлоғида жойлашган Киров номли колхозда ингичка толали пахта учун элита уруғчилик хўжалиги ташкил этилади. Бу хўжалик Сурхондарё, Бухоро ва Фарғона водийсидаги хўжаликларни уруғлик чигит билан таъминлади. 1938 йилдан бошлаб ингичка толали пахта Шўрчи туманида ҳам экила бошланди. 1941 йили вилоятда 40 минг гектар пахта майдонининг 19600 гектарига ингичка толали пахта экилди. Ҳар гектар ердан ўртача 12,2 центнердан ҳосил олинди. Ялпи ҳосил 24 минг тоннани ташкил этди<sup>2</sup>.

Қишлоқ хўжалигида янги навларни яратиш, четдан олиб келинган сабзавотларни ҳудуд шароитига мослаштириб, амалиётга жорий этишда маҳаллий селекционерларнинг хизматларини ҳам эътироф этиш лозим. Негаки, айнан уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик соҳаларида кўпгина янгиликлар киритилган ва халқ хўжалигининг равнақида муҳим аҳамият касб этган эди.

1933-1934 йиллардаги очарчилик бутун советлар мамлакатини қамраб олди. Миллионлаб одамлар очликдан ҳалок бўлишди. Очарчилик Сурхон воҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Россия ва Украинадан Ўзбекистонга ғалла келтирилиши

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 13-варақ.

<sup>2</sup> Халияров Х., и др. Сурхандарьинская область. –С. 63.

қисқарди. Шундай вазиятда аҳолини ғалла билан таъминлаш, серҳосил ғалла навларини яратиш ҳар қачонгидан кўра долзарб масалага айланди.

1934 йилда Бойсун тумани Мачай қишлоғидаги «Қаҳрамон» колхози аъзоси Муслима Бегимова ва унинг умр йўлдоши Соатқул Худойқулов колхоз дасидан уч бошоқ биринчи сорт буғдой навини топиб олишди. Унинг бошоқлари бошқа бошоқлардан анча фарқ қилар эди. Уни экиб, парваришлаб кўпайтиришди. 1937 йилда ана шу нав буғдой уруғини ўз томорқасига экиб, чорак гектар ердан 60 пуд<sup>1</sup> (960 кг) ҳосил олинди. Бойсун райкомининг қарори билан Муслиманинг буғдойи ҳақидаги хабар Тошкентга юборилади. Бир боғ буғдой пойтахтга жўнатилди. Ҳукумат комиссияси тузилиб, бу нав текширишдан ўтказилди. Муслиманинг буғдойи аъло сифатли янги буғдой нави деб топилди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон ҳукумати маҳаллий селекционер Муслима Бегимованинг хизматларини юксак баҳолади. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг 1937 йил 1 сентябрдаги қарорига асосан унга «Ғалла устаси» деган фахрий унвон берди ва 3 минг сўм пул билан мукофотланди. Янги буғдой нави «Муслимка» номи билан аталди. Унинг умр йўлдоши Соатқул Худойқуловга 1000 сўм пул мукофоти берилди<sup>3</sup>.

1938-1940 йилларда Бойсун туманидаги “Беш йиллик режа”, “Ғайрат”, “Илдам” колхозлари “Муслимка” буғдойи етиштирадиган махсус уруғчилик хўжаликлари сифатида катта иш олиб бордилар ва ҳар гектаридан 35-40 центнердан ҳосил етишти-

<sup>1</sup> 1 пуд – 16 кг.

<sup>2</sup> Ҳайит Н., Усмон Т. Кураш йиллари. –Б. 92.

<sup>3</sup> Турсунов С. Рашидов Қ. Бойсун. –Б. 126.

ришга муваффақ бўлдилар<sup>1</sup>.

Совет давлати Муслима Бегимованинг ғалла селекцияси ишидаги меҳнатларини муносиб баҳолаб, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади. Бу халқимизнинг шундай оғир шароитларда ҳам ўз ижодкорлигини, меҳнаткашлигини, эртанги кунга бўлган ишончини йўқотмаганлигидан далолат беради.

Муслима Бегимовага бағишлаб Ўзбекистоннинг таниқли шоирлари шеърлар битишган. Чунончи, Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғуломва сурхондарёлик ижодкор Болтажон Содиқовнинг ижодларида машҳур халқ селекционерига бағишланган шеърлар ўрин олган<sup>2</sup>.

Маҳаллий селекционерларнинг саъй-ҳаракатлари билан воҳа учун янгилик бўлган бир қатор саб-завотларни экиш, уларни маҳаллийлаштириш йўлга қўйилди. Чунончи, 1930 йилда қулоқ сифатида мол-мулки мусодара қилиниб, Шерободдаги Бедак қишлоғидан Термиз туманидаги Намуна колхозига бадарға қилинган Сўхман Бойманов хўжалик далаларида ғалла ва пахтадан юқори ҳосил олиш усулларини ўргатади. Олинган ҳосилни пунктга олиб келиш бўйича бир қатор ихтироларни амалга оширади. Колхозда Россиядан олиб келинган помидор уруғини экиб уни маҳаллийлаштиради ва аҳолига помидор экишни ўргатади. 1934 йили уни туғилган қишлоғига жўнатишганда ўзи билан маҳаллий шароитларда етиштирилган помидор уруғини ҳам олиб кетади. Адирда жойлашган Бедак қишлоғида синов тариқасида помидор экиб кўради. Натижа кутилганидан ҳам кўра яхши бўлди<sup>3</sup>. Бу тажриба тез

<sup>1</sup> Ҳайит Н., Усмон Т. Кураш йиллари. –Б. 93.

<sup>2</sup> Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Б. 136

<sup>3</sup> Умаров И., ва бошқалар. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар. –Б. 131.

орада Шеробод туманининг барча тоғли қишлоқларида оммалаштирилиб, помидорчилик тармоғи ривожлантирила бошланди. Бедакдаги “Қизил карвон” колхози эса тумандаги энг намунали хўжалик сифатида эътироф этилди<sup>1</sup>.

Сурхон воҳасида боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, маҳаллий шароитларга мос келувчи янги навларни яратиш мақсадида 1935 йили таянч марказ сифатида Денов шаҳрида Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг Жанубий Ўзбекистон мевачилик-узумчилик селекцияси ташкил этилган. Илмий марказ вазифаси мева ва узумнинг янги навларини яратишдан тортиб, экинлар парвариши, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси, фан ютуқларини тарғибот қилиш ва вилоят хўжаликларида жорий этишгача бўлган кўплаб ишларни амалга оширди. Бундан ташқари, марказ ходимлари вилоят колхоз ва совхозларида боғроғлар барпо этиш, мевазор ва узумзорлари кўпайтиришга амалий ёрдам берди.

Селекция ишлари йилқичилик соҳасида ҳам амалга оширилган. Таъкидлаш керакки, Кўҳитанг тоғининг Шўробдан то Хомкон, Тангидевон ҳамда Қизилолмагача бўлган қисмида зотдор қорабайир отлари етиштирилган ва чопағонлик юксак даражада тараққий этган эди. Кўҳитанг тоғида етиштирилган отларнинг довруғи қадимдан машҳур бўлган. Хусусан, қадимги юнон тарихчиси Аррианнинг ёзишича, Александр Македонский мил.ав. 329- йилда Окс дарёси (Амударё) дан ўтиб Сўғдиёнага йўл олганида, ўз суворийларига маҳаллий отлардан олиб берган. Сўнгра Марокандани забт этган<sup>2</sup>. Агар

<sup>1</sup> Шеробод туман давлат архиви, С 42-фонд, 1-рўйхат, 364-иш, 251-варак.

<sup>2</sup> Арриан. Поход Александра. Пер. с латинского М.Е. Сергеевко, преди-

Александр Оксдан илк бор Келиф ёки Шўроб кечуви ёнидан ўтганлиги ҳисобга олинса, Кўхитанг тоғида етиштирилган отларни олганлиги ўз-ўзидан маълум бўлади<sup>1</sup>.

1404 йилнинг 25 августида Темир дарвозада бўлган испан элчиси Рью Гонзалес де Клавихога Соҳибқирон Амир Темур топшириғи билан тулпор от ҳадя қилинган. Элчининг қайд қилишича, бу ҳудудда етиштирилган отлар ўз чидамлилиги билан донг таратганлар<sup>2</sup>.

Бухоро амири Саййид Олимхоннинг эсдаликларида «Бухоро отлари, хусусан, қорабайир нави 1914 йилги урушда аҳамият қозониб, яхшилигини исботлади. Бухоро амири қанчадан-қанча минг бош отни Русия давлатига берди», деб ёзилади<sup>3</sup>.

Бухоро отлари деганда Амир Олимхон ўзининг мамлакатада етиштириладиган отларни назарда тутганлигини унутмаслик лозим. Унинг ҳукмронлиги даврида асосий йилқиччилик маскани Кўхитанг тоғи эди. Бу ерда етиштирилган тулпор отлар бутун амирлик ва Россия империясига етказиб берилган<sup>4</sup>.

1920-1931 йилларда Сурхон воҳасидаги миллий озодлик ҳаракати иштирокчилари қорабайир отлари билан ўз душманларини кўп маротоба доғда қолдирган эдилар. Россиядан олиб келинган отлар воҳанинг тоғли ҳудудларида унчалик иш бермаслигини ҳисобга олган совет ҳукумати ўз аскарларини

---

словие О.О. Крюгера. Москва, 1993, книга 3, 30, 6.

<sup>1</sup> Умаров И. Вопросы связанные с конной игрой купкари в горных кишлаках Байсуна и Кухитанга // Сурхондарёда илм ва фан. –Термиз, 2021. №1. – С. 51.

<sup>2</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). Перевод И. С. Мироковой. Москва: Наука, 1990. –С.101.

<sup>3</sup> Амир Саййид Олимхон. Бухоро халкининг хасрати тарихи. Тошкент, 1991. –Б. 27.

<sup>4</sup> Умаров И. Бадаш: тарих ва анъана. –Б. 75.

маҳаллий отлар билан таъминлашга ўтди. Бунинг учун Бойсундаги Шўроб қишлоғида от заводи ташкил қилинди. Жамоалаштириш бошланган вақтда Кўхитанг тоғидаги барча зотдор отлар Шўробдаги от корхонасига юборилади. Шўроб шу даврда Дарбанд совхозини таркибига кирганлиги учун Дарбанд от заводи деб аталган. Бу ерда маҳаллий селекционерлар томонидан етиштирилган отлар Қизил Армия қисмлари, чегарачилар ва спортчиларга етказиб берилган<sup>1</sup>.

Заводнинг шуҳрати тез орада бутун дунёга ёйилди. Негаки, узоққа югуриш бўйича уюштирилган мусобақаларда уларга етиб бўлмас эди. 1930 йилларнинг охирига келиб Дарбанд от заводи ҳар йили халқаро аукционларга ўз қорабайирларини жўнатар, бу отларга эҳтиёж юқориликдан жаҳон бозоридаги нархи 15-20 минг долларга қадар етган эди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида бутун мамлакатга Терек лақабли от шуҳрат қозонди. От спорти мусобақаларида у 75 километрни 3 соат-у, 32 минутда босиб ўтган (3 соат-у, 2 минут йўлга, 30 минут дам олишга сарфлаган). 200 км ни 17 соатда югуриб ўтган. Республикада ўтказилган Тошкент – Фарғона – Тошкент от югуришида Терек 647 км ни етти ярим суткада босиб ўтди. Америкалик от корхонаси бошлиғи Кейл шу от учун 150 минг доллар таклиф этган<sup>2</sup>.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида казак генерали С.И.Горшков қўмондонлиги остидаги гвардиячи кавалерия корпуси Россиядаги Дон дарёси қирғоқларидан то Австриянинг Вена шаҳригача бўлган масофани айнан Дарбанд совхозидан жўнатилган қорабайир отларига миниб босиб ўтишган. Ҳатто

<sup>1</sup> Умаров И. Вопросы связанные с конной игрой купкари в горных кишлаках Байсуна и Кухитанга. – С. 51..

<sup>2</sup> Моложавенко В. Жаркое солнце Сурхана. –С.38-39.

машхур совет кўмондони С.М.Будённий ҳам узоқ Дарбанд совхозидаги от заводи ишчиларига Қизил Армияга кўрсатилган ёрдамлари учун ўз миннатдорчилигини изҳор этган эди<sup>1</sup>.

Совет давлати 1920-30 йилларда социализм қуришга киришар экан, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ғарб давлатларидан ўзиб кетишга ҳаракат қилди. Шу билан бирга, янги тузумнинг капиталистик жамиятдан устунлигини кўрсатиш ва аҳолини ички муаммолардан чалғитиш мақсадида илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш тармоқларида эришилган ютуқлар кенг кўламда тарғиб қилинди. Коммунистик тарғибот механизмида тарих фанлари, айниқса, археологиянинг аҳамияти жуда катта бўлди. Сабаби, бутун XIX аср давомида ҳамда XX аср бошларида инглиз, француз, немис ва бошқа давлатларнинг археологлари Шарқ мамлакатларида қазилма ишларини олиб бориб, оламшумул топилмаларга дуч келишган эди. Аммо археологик изланишлар масаласида чор Россияси Ғарбий Европа давлатларига нисбатан анча орқада қолган эди. Археологиянинг ташвиқот ишларидаги аҳамиятини тўғри тушунган совет ҳукумати Ўрта Осиё республикаларида кенг кўламда қазилма ишларини молиялаштириб турди. Сурхон воҳасида амалга оширилган археологик тадқиқотлар ҳам ана шу жараённинг таркибий қисми эди. Олиб борилган қазилмалар, бир томондан ўлка тарихининг ҳали номаълум саҳифаларини ўрганишга имкон берган бўлса, иккинчи томондан, қазилма жойлардан топилган ноёб буюмлар Москва, Ленинград каби шаҳарларнинг музей коллекцияларини бойитишга хизмат қилди.

Сурхон воҳасининг қадимги шаҳарлари ва обидалари тўғрисидаги маълумотлар XIX асрдан бо-

<sup>1</sup> Моложавенко В. Жаркое солнце Сурхана. –С. 39.

шлаб тўплана бошланган эди. Г.Мейендорф, Н.Маев, И.Мушкетов, Генри Юль, И.Яворский, Н.Карамзин, Г.Бонвало, Е.Каль, И.Гейер, А.Ананьев, Д.Логофет, Б.Кастальский, А.Семёнов сингари рус, инглиз, француз олимлари воҳасининг қадимги шаҳарлари, тарихий обидалари тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтиришади. Лекин, чор Россияси даврида воҳада том маънодаги археологик экспедициялар ташкил этилмади. Аксинча, Термиз шаҳрига келган рус ҳарбийлари ва сайёҳлари бу ердаги ёдгорликларнинг тарихий аҳамиятга эга бўлган бойликларини Россияга ташиб кета бошладилар. Аҳвол шу даражага етдики, келгиндилар томонидан мусулмон оламида ягона бўлган Ал-Ҳаким Термизий қабртошининг бир бўлагини синдириб олиб кетилади. Россияликларнинг бундай талончилик ҳаракатидан норози бўлган Шеробод беги Мирза Салимбек тарихий ёдгорликларни талон-тарож қилишига ва бузиб ташланишига қарши чиқиб, келгиндиларни зудлик билан жазоланишини хат орқали Бухоро амиридан сўрайди. Натижада унинг олиб борган қатъий ҳаракатлари туфайли Ал-Ҳаким Термизий мақбараси ва шунга ўхшаш муқаддас обидалар ва зиёратгоҳлар сақланиб қолинди<sup>1</sup>.

Сурхон воҳасида совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг Эски Термиз харобаларига бир қанча экспедициялар ташкил этилди. Масалан, 1922 йилда бу ерга олим М.Г.Вечеслав келган эди. У Афғонистон худудига ўтиб, у ерда бир қанча археологик қазиш ишларини бажарди. Олим ўзининг “Афғонистоннинг археологик ёдгорликлари” сарлавҳали мақоласида Эски Термиз харобалари, Қирққиз, Султон

---

<sup>1</sup>Турсунов С., Пардаев Т., Пайгамов А., Нарзуллаева Н. Сурхон воҳасида моддий маданият тарихи. Тошкент, 2013. –Б. 193.

Саодат ёдгорликлари ҳақида тўхталган эди<sup>1</sup>. Шунингдек, 1925-1927 йилларда Ўрта Осиё Комстариси Москвадаги Шарқ маданияти музейи билан ҳамкорликда Термизшоҳлар саройи харобаларида археологик қазилар ишларини олиб борди. Экспедицияга профессор Б.Л.Денике бошчилик қилди. 1927 йилнинг 25 сентябрида профессор-археолог В.А.Вяткин архитектор Б.Н.Засипкин билан шу мажмуанинг шарқий қисмини кўздан кечириш вақтида биринчи бинонинг алебастрли сувоқ қилинганлигини қайд этди. 1928 йили юқоридаги ташкилотлар ҳамкорликда экспедиция ташкил этилди. Унинг таркибига В.П.Денике (раҳбар), В.А.Вяткин, П.Е.Корнилов, Р.С.Стрелков, В.Ч.Чепелов, В.В.Веймарлар киришган эди. Экспедиция аъзоси А.Стрелков қадимий Термиз атрофини кўздан кечириш мақсадида Қоратепада тадқиқот олиб борди. У кўчма қумлар кўмиб юборган ғорларни текшириб чиқиб, улар ичида бир замонлар будда ибодатхоналари бўлган деб тахмин қилади<sup>2</sup>.

Таъкидлаш жоизки, бу экспедицияларнинг археологик қазилмалари тизимли эмас, балки текширув-аниқлов хусусиятига эга эди. Шундай бўлсада, келажакдаги қазилмалар учун муҳим аҳамият касб этди. 1932 йил октябрида «Октябрёнок» катери Амударё бўйлаб Термиздан 17 км шарқдаги Айритом постига рейс қилаётганида старшина И.Ряслов катер қирғоққа яқинлашганда, сувда тош плита борлигини кўради. Матрослар плитани олиб Термизга, ундан Тошкентга жўнатадилар. Плитани ўрганган М.Е.Массон дарҳол уни буддизм билан боғлади. Бу ҳақиқий янгилик эди.

<sup>1</sup> Парфёнов Г.В. История исследования Старого Термеза (Материалы к археологической карте Сурхандарьинской области). Ташкент, 1941. –С. 2.

<sup>2</sup> Аннаев Т. Кўҳна Термизда будда ёдгорликлари // «Фан ва турмуш» журнали, 1977, №1. –Б. 24.

1935 йилда Термиз шаҳрининг Октябрь кўчасида, Термиз тумани ижроия кўмитаси биноси қанотидан иккита тош колонна таг курсиси топилди. Улар оҳакдан тайёрланган бўлиб, бинонинг собиқ эгаси, савдогар Минибаев томонидан Хўжа Гулсувардаги Бургут уя деган жойдан олиб келинган экан. Таг-курсилар тоғдаги қадимий қабристондан олинган бўлиб, юнон-будда маданиятига тегишли эди. 1905 йилда Хўжа Гулсувардаги оҳак қазилар натижасида пайдо бўлган ғордан Канишка даврига оид олтин танга ҳам топилиб, Б.Н.Кастальский коллекциясига қўшилган ва Ленинград Эрмитажига жўнатилганди. Бу топилдиқлар округ ўлкани ўрганиш музейи ходимлари Г.Н.Максимов, Н.Д.Таланин ва С.Ю.Ҳасановларни Бургут уяга бориш ва у ерда бир қанча археологик қазилар, тадқиқот ишлари олиб боришга ундади<sup>1</sup>.

Изланишлар давомида С.Ю.Ҳасанов Хотинрабат шаҳарчасидан кафанга ўралиб ётган қора танли қулнинг лой ҳайкалчасини топди<sup>2</sup>. 1935 йилда музей ходимлари Боботоғ тоғларига ва Денов шаҳрига ҳам экспедиция ташкил этишди. Ўша йилнинг кузиде эса Г.В.Парфёнов ва Г.Н.Максимовлар Шеробод ва Термиз туманларида жойлашган тош даврига мансуб тарихий ёдгорликларни ўргандилар. Шу тариқа, Эски Термизни доимий равишда илмий жиҳатдан ўрганиш ишлари йўлга қўйилди. Олиб борилган изланишлар натижасида Г.В.Парфёнов “Эски Термиз тадқиқоти тарихи” деб номланган китоб ҳам яратди. Асар милоддан аввалги I ва милодий I асарларга мансуб, мергелий оҳактошидан тайёрланган кўплаб терракот ҳайкалчалар ва меъморий иншоотлар парчаларидан иборат коллекция – экспонат яратиш

<sup>1</sup> Термиз Археология музейи фонди, № 250. –Б. 30.

<sup>2</sup> Термиз Археология музейи фонди, № 250. –Б. 13.

ишлари ҳақида эди. Бу қўлёзма Термиз Археология музейи фондида сақланмоқда<sup>1</sup>.

1936-1938 йиллар мобайнида таниқли археолог олим М.Е.Массон раҳбарлигида Термиз археологик комплекс экспедицияси (ТАКЭ) Термиз шаҳри тарихини ўрганиш бўйича катта ҳажмдаги ишларни олиб борди. Шу жараёнда округ ўлкани ўрганиш музейи жамоаси ҳам илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш режасини ишлаб чиқди. Бу етти йўналишда эди:

1. Учқизил аҳоли манзилгоҳидан нефтчилар трассаси бўйлаб ўтган сув қувурлари йўналишида археологик қазув ишларини олиб бориш.

2. Ал Ҳаким Термизий мақбараси атрофида Термизкомстарис (ТАКЭ) томонидан ўтказилган археологик қазув ишларини кузатиш ва унда фаол иштирок этиш.

3. Амударё бўйидаги тарихий обидалар атрофида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва моддий ашёлар тўплаш.

4. Қоратепа буддавийлик ибодатхонасида илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш.

5. Термизшоҳлар саройининг биринчи биноси ҳудудида қазув ишларини амалга ошириш.

6. Музейнинг зоология бўлимини янада тўлдириш мақсадида экскурсиялар ўтказиш.

7. Машҳур археолог В.А.Вяткиннинг шахсий архиви ҳужжатларини музейга олиб келиш<sup>2</sup>.

Кўриниб турибдики, музей режасидан сув қувури ўтказилиши ҳамда ТАКЭ томонидан ўтказиладиган археологик қазиш ишлари билан боғлиқ бўлган ишлар ўрин олган. Йил мобайнида режалар бирин-кетин амалга оша бошлади. Биринчи режа

<sup>1</sup> Парфёнов Г.В. История исследования Старого Термеза (Материалы к археологической карте Сурхандарьинской области). Ташкент, 1941. –С. 2.

<sup>2</sup> Фаёзов Р.Ф. Козловский В.А. Краткое описание Сурхандарьинского областного краеведческого музея. Дело № 294. Термиз Археология музейи илмий архиви фонди.

бўйича иш олиб борган музей ходими С.Ҳасанов Эски Термиз ҳудудида сув қувури ўтказилаётган умумий узунлиги 2195 метр бўлган масофадаги тарихий обидалар ўрин олган жойлар стратиграфиясини 1x 20 масштабда тушириб чиқди. Эътиборли жиҳати шундаки, Эски Термиз ҳудудидаги Қоратепа, Чингизтепа, Термиз қўрғони археологик ёдгорликларида ўтказилган стратиграфик ишлар чоғида кўплаб ашёвий буюмлар тўпланди<sup>1</sup>.

Термизшоҳлар саройида ўтказилган археологик қазишмаларда музей ходимлари ТАКЭнинг 3-отряди сифатида Е.М.Массон раҳбарлиги остида фаол иштирок этдилар. Бу ерда қазув ишлари 1936 йилнинг 25 июнидан 13 июлигача ўтказилди. Ана шу 13 кун мобайнида Термизшоҳлар саройи бўлакларидан 102 та кошин музей фондини тўлдирди. 1936 йилда музейга таниқли ўлкашунос ва овчи И.Ф.Ломаев ишга олинди. Музей томонидан унга воҳанинг геологик ва археологик материалларини тўплаб, музейга топшириш, муҳим тарихий ва археологик ёдгорликлар ҳақида ахборот йиғиш вазифалари юкланди. У қизғин фаолиятни бошлаб юборди<sup>2</sup>.

1936 йилнинг сентябрь ойида ТАКЭ раҳбари, профессор М.Е.Массон, археологлар В.А.Шишкин, В.Д.Жуков, музей директори Г.В.Парфёновлар Амударё ўртасидаги Пайғамбар оролида жойлашган Зул-Кифл мақбарасига бир кунлик сафар уюштирдилар. Бу экспедиция пайтида мақбара тарихи қоғозга туширилди, меъморий ўлчовлари амалга оширилди, мажмуанинг девор қисмидаги ёзувлар ўқилди. Хуллас, Зул-Кифл XII асрга оид тарихий обида эканлиги

<sup>1</sup> Фаёзов Р.Ф. Козловский В.А. Краткое описание Сурхандарьинского областного краеведческого музея. Дело № 294.

<sup>2</sup> Парфёнов Г.А. Краткая история Сурхандарьинского областного краеведческого музея (1933- 1943гг.). Архивное дело № 520. Термиз Археология музейи илмий архиви фонди.

аниқланди<sup>1</sup>.

1936-1938 йиллар мобайнида Термиз археологик комплекс экспедицияси Термиз шаҳри тарихини ўрганиш бўйича катта ҳажмдаги ишларни олиб борди, кўплаб топилдиқлар аниқланди. Ана шу қазишларда округ ўлкашунослик музейи жамоаси ҳам фаол иштирок этиб, экспонатларини бойитиб борди. 1937 йили ТАКЭ Тошкентда ўз кўргазмасини ташкил этганида, округ музейи ҳам унда ўз экспонатлари билан иштирок этди. Умуман, кўргазма экспонатларининг 50 фоизидан ортиғи округ музейига тегишли эди<sup>2</sup>.

Амударё қирғоғида жойлашган Айритомда тадқиқот ишлари давом этди. Археолог олим М.И.Вязьмитина раҳбар бўлган экспедиция таркибида И.А.Сухарев, у кетгандан сўнг А.С.Қаҳҳоров бор эди. Экспедиция юнонлар ва юнон-бақтрия даврига оид бир қанча қадимий буюмлар, ҳайкаллар қолдиқлари, ёзувларини топди. Умуман, ўлкани ўрганиш музейи ходимлари бу археологик қазиш ишларида ҳам, Эски Термиз, Қоратепада олиб борилган тадқиқотларда ҳам фаол иштирок этишди. Ана шу даврда музей бир қанча муҳим топилдиқлар билан бойиди<sup>3</sup>.

Шу ишлар баробарида экспедиция режасига мувофиқ ҳаракат қилиб, Хомкон, Хатак, Панжоб, Қизиллма, Кампиртепа қишлоқлари атрофидаги 11 та ғорни, қадимий конларни, Сеплон қишлоғи ёнидаги металл шлакларни, Хатак қишлоғи ёнидаги қалъа

---

<sup>1</sup> Турсунов., Умаров И. ва бошқалар. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи. –Термиз: Сурхон-нашр, 2017. – Б. 149.

<sup>2</sup> Парфёнов Г.А. Краткая история Сурхандарьинского областного краеведческого музея (1933-1943гг.) Архивное дело № 252. –С. 1-4. Термиз Археология музейи илмий архиви фонди.

<sup>3</sup> Парфёнов Г.А. Краткая история Сурхандарьинского областного краеведческого музея (1933-1943гг.). Архивное дело № 520.

харобаларини тадқиқ қилдилар. Ниҳоят, 1939 йилнинг 29 июлида зараутсойлик Ваҳоб Давлатов билан биргаликда Зараутсой ғор ва камарларига чизилган суратлар ҳамда кейинги асрларга тегишли арабча битикларни кўздан кечирдилар. Г.В.Парфёнов гарчи Тошкентда яшаб, ишласада, унинг асосий вақти Сурхондарёда – ўзи қизиққан, меҳр қўйган ишларни давом эттиришга кетарди. У Зараутсой суратларининг энг қадимийсини бундан бир неча ўн минг йиллар олдинги юқори палеолит даврига оид деб белгилади. Энг сўнгги намуналар эса милодгача ўтган темир даврига тўғри келади. Зараутсойдаги араб ёзувлари эса тахминан X асрга мансублиги аниқланган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон санъат тарихи музейи Сурхондарё ва Тожикистоннинг Панжакент тумани ўлкашунослик музейи билан ҳамкорликда 1940 йилда Зараутсой қоятош ранг тасвирларини ўрганиш бўйича дастлабки махсус экспедиция ташкил қилди. Табиийки, бу экспедицияга Г.В.Парфёнов раҳбарлик қилди. У Зараутсой қоя суратларини ўрганиш, тарғиб қилиш бўйича жуда катта меҳнат қилди, чинакам фидойилик кўрсатди. Зараутсой экспедицияси пайтида тўпланган материаллар ҳар томонлама ўрганилиб, унинг натижалари бўйича Г.В.Парфёнов томонидан тайёрланган “Зараутсойнинг қадимги фреска рангтасвири” илмий ҳисоботи 1941 йилнинг 18 январ куни бўлиб ўтган Ўзбекистон санъати тарихи музейининг илмий кенгашида эшитилди, суратларнинг мазмуни ва санаси ҳақидаги дастлабки хулосалар маъқулланди ва Зараутсой тадқиқотларини давом эттиришга қарор қилинди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Парфёнов Г.А. Краткая история Сурхандарьинского областного краеведческого музея (1933-1943 гг.). Дело № 252. –С. 1-4.

<sup>2</sup> Парфёнов Г.В. Сведения о музеях Узбекской ССР на 20 августа 1946 г. Дело № 263.

1940 йилда ҳам бир қанча ишлар бажарилди. Аммо тажрибали ходимларнинг етишмаслиги туфайли янги экспозициялар ташкил этиш, бўлимларнинг барча хоналарини ишлатиш қийин эди. Бунинг устига, шу йилга келиб, музейни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига таъминлашда муаммолар пайдо бўлди. Йиллик сметада 82450 сўм ажратиш назарда тутилган бўлса- да, амалда унинг ярми ҳам берилмади. Бор- йўғи 32624 сўм ажратилди, холос. Бу эса қўшимча маблағ топишга мажбур қилди<sup>1</sup>

Уруш бошланган вақтда музей раҳбарлигига қайтган Г.В.Парфёнов тош даври, биринчи навбатда, Зараутсой қоя суратларини ўрганиш бўйича экспедицияларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди. 1942 йилнинг охири ва 1943 йил бошларида Зараутсой қоя суратларини ўрганишни давом эттириш, улардан нусха олишни ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилди. Аммо фақат куз ойи ўрталаридагина вилоят ўлкани ўрганиш музейи (1941 йил 6 мартда Сурхондарё вилояти ташкил этилган эди) экспедицияси йўлга чиқа олди. Унинг таркибида музей директори Г.В.Парфёнов (экспедиция раҳбари), рассомлар А.Ю.Рогинская, А.С. Кириллов, овчи-ўлкашунос И.Ф.Ломаев, музейнинг илмий-техник ходимлари А.П.Иванова, В.К.Сандул ва Термизкомстарис вакили Шариф Исмоиловлар бор эдилар. Г.В.Парфёнов Сурхондарё вилоят театрига 1942 йили Москва шаҳридан ишга келган рассомлар А.Ю.Рогинская ва А.С.Кирилловларни махсус Зараутсой экспедицияси ишига жалб этганди. Зараутсой экспедицияси бир ярим ой ичида топилган барча суратлардан нусха кўчириб улгурди. Экспедиция Зараутсойдан кетгандан кейин ҳам Г.В.Парфёнов бу

---

<sup>1</sup> Иноятова С. Сурхондарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи – мозий кўзгуси. Термиз: “Сурхон-нашр”, 2019. –Б. 64.

ерда бир ўзи қолиб, уч ҳафта ишлади. 48 та сурати бор янада иккита камар топди<sup>1</sup>.

Умуман, вилоят ўлкашунослик музейининг 1933-1943 йиллардаги фаолиятига назар ташланадиган бўлса, ўтган 10 йил давомида 9 марта мустақил экспедиция ташкил этилган, 23 марта узоқ муддатли сафарлар уюштирилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, монографияда 1920-1941 йилларда Сурхон воҳасида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Айниқса, пахтачилик, геология ва археология соҳаларида каттагина ютуқлар қўлга киритилди. Лекин тарихий таҳлил шуни кўрсатдики, воҳадаги илмий тадқиқотлардан асосан коммунистик мафкура тарғиботи учун фойдаланилган эди.

---

<sup>1</sup> Иноятова С. Сурхондарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи – мозий кўзгуси. –Б. 66

## Монографиянинг иккинчи боб бўйича хулосалар

Совет давлатининг воҳада маориф ва илм-фан соҳасида амалга оширган сиёсатини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди.

Ўзбекистонда совет даврида маданий-маънавий соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасида ўқитувчи кадрларни шакллантириш, илмий муассасаларни ривожлантириш, таълим инфратузилмасини кенгайтиришда муайян муваффақиятларни қўлга киритилганлигини инкор этиб бўлмайди. Лекин коммунистик мафкуранинг энг катта камчилиги ва унинг ҳалокатига сабаб бўлган иши – маҳаллий аҳолининг миллий урф-одатлари, қадриятлари ва маросимларини миллий жиҳатдан камситувчи сиёсат олиб борганидир. Воҳада таълим тизимига ажратилган сарф-харажатлар етарли даражага эга бўлмай қолди. Мактабларда ўқитувчилар етишмовчилиги бартараф этилмади. Воҳада олий маълумотли ўқитувчиларни тайёрловчи олий ўқув юртлири очилмади. Колхоз ишларида болалар меҳнатидан кенг фойдаланилиши уларнинг таълим олишига халақит берди. Шунингдек, мактабларнинг аҳоли яшаш жойларидан узоқда жойлашганлиги, болаларда кийим-кечакларнинг етишмаслиги, тўйиб овқат емаслик, дала ишларига жалб қилиниши, қизларнинг эрта турмушга берилиши ўқув ишлари самарадорлигига салбий таъсир кўрсатди.

Монографияда воҳада илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилди. Жумладан, пахтачилик, ирригация ва геология соҳаларида маълум ишлар қилинди. Лекин бу тадқиқотлар асосан бир томонлама бўлиб, кўпроқ пахтачиликни ривожлантиришга қаратилди. Халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида илмий

тадқиқотлар олиб бориш учун маблағ ажратилмади. Маҳаллий селекционерларнинг сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик соҳаларида олиб борган ишлари ўз вақтида қўллаб-қувватланмади. Бунга Марказ томонидан олиб борилган пахта монополияси сабаб бўлди. Воҳада маҳаллий аҳолидан илмий ходимлар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилмади. Буларнинг барчаси илмий тадқиқотларнинг секинлашувига ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда салбий ҳолатлар кучайишига олиб келди.

## **III БОБ. СУРХОН ВОҲАСИДА ИЖТИМОИЙ- МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР**

### **3.1. 1917-1941 йилларда Сурхон воҳасида ижтимоий-маданий жараёнлар**

Тарихий манбалар асосида илмий таҳлил этилган монографияда 1920-1930 йилларда совет давлати маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Бу воқеилик тарихга “маданий инқилоб” номи билан кирди. Маданий инқилоб – бу мамлакат маданий ва мафкуравий ҳаётини тубдан қайта қуриш учун ўтказилган тадбирлар мажмуаси бўлиб, унда саводсизликни тугатиш, социалистик реализм тамойилларига мос келувчи маданиятни вужудга келтириш ва ишчи-деҳқонлар орасидан янги зиёлилар қатламини шакллантириш мақсад қилиб қўйилган эди. Бу вазифаларни бажариш учун ўтмиш маданий меросдан воз кечиш ҳамда социализм тамойиллари асосида маданиятни мафкуралаштириш кўзда тутилди. 1923 йилда В.И.Ленин “Кооперация тўғрисида”ги мақоласида бу ҳақда шундай дейди: “Маданий инқилоб – бу...тўлиқ тўнтариш, бутун халқ оммаси маданий тараққиётининг бутун тўлиқ саҳифасидир”<sup>1</sup>.

Аслини олганда, совет давлати яхши тайёрланган, янги тузумга содиқ бўлган зиёлиларнинг янги қатламини яратишга киришди. Партиянинг маданият соҳасидаги мафкуравий назорати кескин кучайтирилди. Маданият арбоблари ҳокимият топшириқларини тўғридан-тўғри бажара бошлади-

---

<sup>1</sup> Ленин В.И. Полное собрание сочинений. Том 45. –Москва: Издательство политической литературы. 1970. –Б. 372.

лар. Ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, санъаткорлар одамларни коммунизмда яшаш учун чақиришлари, мавжуд ҳокимиятни мақташлари шарт қилиб қўйилди. Бир сўз билан айтганда, маданият ўта мафкуралаштирилди.

1917 йилги октябрь тўнтаришидан кейин совет тузуми “маданий инқилобни” қаттиққўллик билан амалга оширишга киришди. Бу сиёсат Туркистон халқларининг миллий диний хусусиятларини, турмуш тарзини ҳисобга олмасдан “қизил гвардияча ҳужум” усулида ўтказилди, у ўзига хос миллий тафаккур тарзини барбод қилишга қаратилган эди.

Тўғри, совет ҳокимиятининг дастлабки ойларида марказий ҳукумат Россиянинг мусулмон халқларини, шу жумладан Туркистон халқларини ўз томонига оғдириб олиш учун баъзи ён беришларга борди. Жумладан, мусулмон халқларнинг сиёсий ва диний ишларига амалий раҳбарлик қилиш учун Миллатлар халқ комиссарлиги ҳузурида махсус “Мусулмонлар комиссарлиги” ташкил этилди. У совет “шариатчилари” орқали советча диний тарғибот олиб борди, уларнинг Россиянинг мусулмонлар яшайдиган туманларида совет ҳокимиятини ўрнатишга қаратилган фаолиятига сахийлик билан пул ажратди. Бу иш халқ демократик ўтиш даври учун “шариат тамойиллари” асосида ташкил этилди.

Кейинчалик, марказий ҳукумат томонидан мусулмон халқларининг дини, урф-одатлари, миллий ва маданий муассасалари эркин ва дахлсиз деб эълон қилинишига қарамай, “маданий фронт”нинг худди шу соҳасига кучли ҳужум бошланди. Атеизмни тарғиб қилар экан, большевиклар ғоят қисқа муддат ичида “ёппасига худосизлик”ка эришишга умид қилган эдилар. Ўзбекистонда “худосизлар иттифоқи” ташаббуси билан “Худосизлар” журнали

нашр этилиб, ислом ва унинг маросимлари диний сарқит сифатида талқин этилди. Унга қарши кураш муҳим масала сифатида кун тартибидан тушмади. Жумладан, республика миқёсида ташкил этилган динга қарши кураш “худосизлар иттифоқи”нинг бўлимлари Сурхондарё вилоятларида ҳам фаолият олиб борди. Ўзбекистоннинг жанубида ҳам “худосизлик”ни тарғиб этувчи, динни қораловчи махсус лектор-атеистлар мактаблари очилди<sup>1</sup>.

Жумладан, 1914-1916 йилларда Амир Олимхон томонидан қурдирилган жомеъ масжиди ёпилиб, аввалига Қизил Армиянинг штабига айлантирилади. 1927 йилда масжид биносида вилоят партия кўмитаси (обком) келиб жойлашди. 1930 йилда бу бино “худосизлар иттифоқи”га берилиб, атеизмни тарғиб қилиш марказига айлантирилади. Кейинчалик масжид ўрнида Сиёсий маориф уйи (Дом политпросвещение) жойлашади. Термиздаги Амир Абдулаҳадхонга тегишли бўлган уйда вилоят комсомол кўмитаси келиб ўрнашди<sup>2</sup>.

Большевиклар бу билан чекланиб қолишмади. Ачинарлиси, ғазнавийлар даврида қурилган Эски Термиз минораси 1925 йилда бузиб ташланди. Унинг ғиштлари Термиздаги қурилишларда ишлатилди<sup>3</sup>. Деновдаги Саййид Оталиқ мадрасаси қаршисидаги хонақоҳ большевиклар томонидан ваҳшийларча бузиб ташланди. Мадрасанинг ўзи ҳам катта зиён кўрди. Мадраса биносида миллий озодлик кучларига қарши кураш олиб бораётган Қизил Армия штаби ва қамоқхонаси ҳамда Деновга кўчи-

<sup>1</sup> Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т., Шарк, 2001. –Б. 382.

<sup>2</sup> Умаров И. Тарихий демографик жараёнларда Термиз шаҳрининг ўрни // “Сурхондарё: илм ва тафаккур”. Илмий мақолалар журнали. –Термиз, 2020 йил 1-сон. –Б. 78.

<sup>3</sup> Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. –Б. 26.

риб келтирилган европалик аҳоли жойлаштирилди. Улар хужралар ичида олов ёқиб, таом пиширишган. Оқибатда хужра деворлари қорайиб, деворлар яроқсиз ҳолга келиб қолган. Большевиклар ҳалок бўлган сафдошларини мадраса атрофида дафн этиб устига ёдгорлик ўрнатишди. Бу билан мадрасанинг тарихий аҳамиятини пасайтирмақчи бўлишди<sup>1</sup>.

1920 йилларда миллий масала жуда мураккаблигича қолмоқда эди. Негаки, 1925 йилда Ўзбекистон ССР ташкил топгач, маҳаллий аҳолини давлат идораларига жалб этишда шовинистик муносабатда бўлинган эди. Марказ бир томондан босмачиликка қарши кураш, иккинчи томондан инқилобни амалга ошириш, индустрлаштириш шиорлари остида минглаб ишчи-хизматчиларни Россиядан Ўзбекистонга сафарбар эта бошлади. Уларнинг кучи билан Ўзбекистонда мажбурий социализм қуриш ҳаракатини бошланди. Бунда турли хил шиорлар ўртага ташланди. Бу шиорлар «Битсин саводсизлик», «Хужум», «Ер, сув ислоҳоти», «Қулоқларни тугатиш» каби номлар билан аталди. Натижада бунинг асли моҳиятини тушунган маҳаллий халқ қаттиқ норози бўлди, кўплаб хотин-қизлар, тинч аҳоли бу «шиор»лар таъсирида ҳалок бўлди. Ўлкада Ленинча коллективлаштириш ва маданий инқилобни амалга ошириш баҳонаси билан руслаштириш сиёсати ўтказилди. Ўзбекистондаги партия ва совет органларида ишловчи ходимларнинг асосий қисми ҳам худди шу тариқа европаликлар салмоғи билан мустаҳкамланди.

Шунингдек, бошқа масъулиятли ишларда жами 21 киши ишлаган бўлса, унинг 8 фоизини, партия-

<sup>1</sup>Турсунов С., Умаров И., Пардаев Т., ва бошқалар. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи. –Термиз: Сурхон-нашр, 2017. –Б. 172.

сиз ишларнинг 3 фоизини, комсомолларнинг 2 фоизини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этган эди<sup>1</sup>. Энг ачинарлиси шунда эдики, иш юритаётган европалик келгинди раҳбарларнинг 3 дан 2,5 қисми умуман саводсиз, ҳеч қандай сиёсий, иқтисодий билимга эга эмасди. Маҳаллий миллатлардан олинган ходимлар қисман рус тилини тушунганлиги ва сўзсиз топшириқларни бажараётганлиги учун ҳам бу лавозимда ишлар эдилар. Шунингдек, ҳар иккаласи ҳам юқоридан келган махсус кўрсатмалар билан иш юритар эди. 1920 йилларда Тошкент вилоятидаги давлат бошқарув идораларининг 20,5 фоизи, Сурхондарё давлат бошқарув идораларининг 28,0 фоизи, хўжалик ва кооператив идораларнинг 12,0 фоизи маҳаллий миллат вакиллари ташкил этган эди<sup>2</sup>. Бундай ҳолат бутун Ўзбекистон учун одатий бўлиб қолган эди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўлка аҳолисининг салкам 100 фоизини ташкил этган маҳаллий миллат вакилларига ишонч билан қаралмаган. Ўрнига тенглик, мустақиллик, саводсизликни тугатиш шиорлари остида мажбуран европалаштиришга ҳаракат қилинган. Миллий туйғуларни, миллий озодликни ўртага ташлаган матбуот ва унинг ходимларини аёвсиз жазолади. Кўр-кўрона мадҳиябозлик, камчилик ва хатолар тўғрисида ёзмасликка ўргатилди. Маҳаллий матбуот устидан большевиклар партияси шундай назоратни ўргатдики, унинг рухсатсиз миллат тўғрисида гапириш тақиқланган эди<sup>3</sup>. Миллий масала тўғрисидаги адабиётларда бу муаммоларни ҳал бўлиши қийин бўлган муаммолар сифатида эътироф этилиб, бу масала

---

<sup>1</sup> Ўз МА, 46-фонд, 1-рўйхат, 117-иш, 61-варақ.

<sup>2</sup> Ўз МА, 46-фонд, 1-рўйхат, 117-иш, 63-варақ.

<sup>3</sup> Ўз МА, 49-фонд, 120-рўйхат, 12-иш, 234-варақ.

фақатгина советлар томонидан ижобий ҳал этилди деб кўрсатилди<sup>1</sup>.

Совет ҳукумати миллий озодлик ҳаракатини бостириш билан биргаликда оддий халқ орасида сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун турли жамоат ташкилотларини тузиб, ёшларни совет ҳукумати сиёсатига ишонтиришга ҳаракат қилди. Шу мақсадда коммунистик ёшлар иттифоқи – комсомолни (коммунистический союз молодёжи) ташкил этди. 1918 йил 29 октябрдан – 4 ноябр оралиғида ўтган I Бутунроссия ишчи ва деҳқон ёшлари иттифоқи съездида мамлакатдаги барча маҳаллий ёшлар ташкилотлари ягона Россия коммунистик ёшлар иттифоқига (РКСМ) бирлашдилар. Съезд Ёшлар Иттифоқи низомини ва унинг дастуридаги асосий тамойилларни тасдиқлади<sup>2</sup>. Унга кўра, ташкилот Россия коммунистик партиясига хайрихоҳлик билдиради. У ўз олдига коммунизм ғояларини тарғиб этиш ҳамда ишчи ва деҳқон ёшларини Совет Россиясини фаол қуришга жалб этишни мақсад қилиб кўйган эди. Иттифоқ РКП(б) раҳнамолигида ишловчи мустақил ташкилот эди. 1924 йил 12-18 июлида РКСМнинг VI съездида ташкилот Россия ленинча коммунистик ёшлар иттифоқи (РЛКСМ) номини олди. 1926 йил 11-22 март кунлари комсомолнинг VII съездида ташкилот Бутуниттифоқ ленинча коммунистик ёшлар иттифоқига (ВЛКСМ) айлантирилади<sup>3</sup>.

Комсомол коммунистик партияга ёрдамчи ва бўлғуси кадрлар тайёрловчи заҳирага айланди. Компартия комсомол орқали ёшларни ўз мафкура-си асосида тарбиялади, комсомоллар ёрдамида си-

---

<sup>1</sup> Ўз МА, 50-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 17-варак.

<sup>2</sup> <http://komsomolrf.ru/istoriya-lksm>

<sup>3</sup> [https://molod.rgub.ru/stories/18\\_10.php](https://molod.rgub.ru/stories/18_10.php)

ёсий ва ижтимоий вазифалар бажарилди. “Индустр-лаштириш”, “жамоалаштириш”, “маданий инқилоб”, “саводсизликни битириш” сингари ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тадбирларда комсомол аъзолари фаол иштирок этишди. Ёш болаларда ҳам мафкуравий тарбияни олиб бориш учун комсомол ташаббуси билан 1922 йилда болалар сиёсий ташкилоти – Бутунроссия пионерлар ташкилоти тузилади. 1924 йилдан бу ташкилот В.И.Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти номини олди<sup>1</sup>. Шу тариқа, совет давлати ёш авлод тарбиясини ўз қўлига олиб, уни тўлиғича мафкуралаштиришга эришади.

Сурхон воҳасидаги дастлабки комсомол ячейкаси 1919 йилнинг баҳорида Термиз шаҳрида тузилган. 1921-1922 йилларда Шеробод ва Бойсунда, сўнгра Юрчи, Денов ва Жарқўрғонда ҳам комсомол ташкилотлари ташкил этилди. 1921 йилда Қизил Армиянинг 309-босқичли полки комсомол ячейкаси котиби, қизил аскар Василенконинг ташаббуси билан Бойсун вилоятининг Дарбанд кентлигида маҳаллий ёшлардан дастлабки комсомол ячейкаси тузилди. Унга Холмирза Алиев, Одина Хўжаев, Рўзимаҳмат Каримов, Ҳамро Рамазонов, Ҳамро Файзиев, Иззатулла Назаров ва бошқалар аъзо бўлишди. 1922 йилдан комсомол аъзоси 17 яшар Тошмамат Собиров – ЎзЛКСМ Бойсун уезд комсомол комитетининг масъул котиби, ёш рус йигити – Василий Шелихов ташкилий ишлар бўлими мудирлари эди. ЎзЛКСМ Бойсун туман-шаҳар комсомол комитетининг масъул котиби бўлиб, фарғоналик ёш йигит Асомиддин Усмонов ишларди<sup>2</sup>

1922 йил 30 октябрда Сурхондарё округ партия қўмитасининг конференцияси бўлиб ўтди. Бу кон-

---

<sup>1</sup> <https://ria.ru/20170519/1494504913.html>.

<sup>2</sup> Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Б. 122.

френциядаги асосий мақсад феодал бой ва мусулмон диний реакционерлар қаршилигини тугатиш касабачилиги ва комсомолга ёшларни кўпроқ жалб этиш, партия аъзолигига ўткир кишиларни жалб қилиш масаласи муҳокама қилинди. Ўз навбатида бу конференция «босмачиликка», маҳаллий бой феодалларга қарши очиқ курашга даъват этган бўлиб, шу йўли билан мадраса, мачит, эски мактабларни йўқотиш, унинг илҳомчиларини қириб ташлаш режалаштирилган эди<sup>1</sup>.

1925 йил 1 декабрда Сурхондарёдаги мавжуд 13 та комсомол ячейкасида 317 нафар комсомол ҳисобда турган бўлса, 1927 йил 1 январга келиб округда комсомол ячейкалари 52 тага, аъзолари сони 1828 кишига етди. Комсомолларнинг 64 фоизи камбағал-деҳқон, косиб ва батрак ёшлардан иборат бўлган. Ҳасан Остонақулов Сурхондарё округ комсомол комитетининг масъул котиби эди<sup>2</sup>.

Коммунистик партия комсомол ёшлардан ўз сиёсатини ўтказишда усталик билан фойдаланди. Масалан, Деновда Раҳмон Эшмонов раҳбарлигида 1923 йили комсомол ёшлар ташкилоти тузилиб, унга оддий халқ вакиллари жалб этилди. Комсомоллар ёрдамида Деновдаги бойлар ва уларнинг мол-мулки ва ерини мусодара қилиб, совет ҳукумати ихтиёрига ўтказиш бошланди. Деновдаги энг йирик ер эгалари Муллабоқи, Раҳмоноқсоқол, Ҳамрой, Бобокалон, Маҳман оқсоқолнинг мол-мулклари мусодара қилинди, ўзларини совет ҳукуматининг душмани деб отиб ташлашди. Деновда 1925 йилда ер-сув ислохотидан кейин дастлабки артеллар тузилиб, Раҳмон Эшмоновни унга бошлиқ этиб тайинлади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Турсунов С., Турсунов А., Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 230.

<sup>2</sup> Ҳайит Н., Усмон Т. Кураш йиллари. –Б. 87.

<sup>3</sup> Турсунов С., Турдиев Т. Денов. –Тошкент: Фан, 2009. –Б. 210.

1925 йилнинг 18 февralида Шерободда Сурхондарё округ комсомолининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди. Унда комсомол ячейкаларини янада муштаҳкамлаш, қишлоқда камбағал батрак ва ўрта ҳол ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, саводсизликни тугатиш сингари ишлар вазифа қилиб қўйилган эди.

Сурхондарёда озодлик ҳаракати авж олган бир шароитда округ комсомолига амалий ёрдам бериш учун Тошкентдан республика комсомолининг машҳур вакили Абдулла Набиев жўнатилади. А.Набиев 1925 йилнинг 29 ноябрида ЎзЛКСМ Марказий Қўмитасининг йўриқчиси Уткин билан бирга Термизга келади. 30 ноябрда иккови округ маркази Шерободга келишди. Шу куни округ комсомолқўмитаси аъзолари билан учрашув ўтказишиб, эртаси куни Бойсунга жўнаб кетишди. Таажжубли томони шундаки, йўл бошловчи уларни атайлаб қизил аскарлар турган Чилонзор, Сайроб, Дарбанд йўли орқали эмас, балки Бешэркак карвон йўли билан олиб кетди. А.Набиев оти билан шерикларидан анча илгарилаб кетди. Шу ерда қисқа отишма бўлиб, А.Набиев ўлдирилади<sup>1</sup>. Бу ҳолат совет режимига қўл келди. Воқеа тафсилоти ўрганилмай туриб, бутун айб истиқлолчилар бўйнига ағдарилади ва халқни уларга қарши қўйишда фойдаланилади. Натижада, 1926 йилнинг кузига келиб, Сурхон воҳасида ҳаракат қилган барча йирик қўшилмалар тор-мор этилди. Уларнинг катта қисми қириб ташланди. Бир қисми таслим бўлди. Қолганлари Афғонистонга қочиб кетди.

1920 йилларнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим ҳодиса – бу “Хужум” ҳаракати, яъни аёлларнинг паранжи ташлаши со-

<sup>1</sup> Ҳайит Н., Усмон Т. Кураш йиллари. –Б. 89.

дир бўлди. Даставвал совет режими миллий-озодлик ҳаракати таъсирида бу масалада бирон жиддий ҳаракат қила олмади. Лекин маълум даражада тайёргарлик ишларини кўриб борди. Жумладан, 1925 йил 19 октябрда Термизда Ўзбекистон КП(б)нинг уезд-шаҳар ташкилоти конференцияси бўлиб ўтди. Унда еттинчи отлич бригада ҳарбий кўшинлар бошлиғи А.Т.Фединнинг Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий-сиёсий аҳвол тўғрисидаги, ҳамда хотин-қизлар масаласидаги ҳисоботлари эшитилди. Ҳисоботда хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга кўпроқ жалб этиш кўрсатилган эди. Большевикларнинг ҳатти-ҳаракатларига жавобан Ўтанбек, Мулло Раҳмонқулбек, Ислонбек, Назар қори каби ватанпарварлар миллий урф-одатларни сақлаш, мусулмон одатлари бўйича хотин-қизлар ишларига аралашмаслик талабларини ўртага ташладилар. Оқибатда, Сурхон воҳаси ҳудудида ватанпарварлар билан қизил аскарлар ўртасида қирғинбарот урушлар бўлиб ўтди, бу жангларда кўплаб кишилар нобуд бўлди<sup>1</sup>.

Хотин-қизларни ижтимоий ҳаётда эркаклар билан тенглаштириш сиёсати 1925 йилдан ўз ифодасини топиб республикада советлар таркибида уларни иштироки 6,4 фоизни ташкил этиб<sup>2</sup>, 1930 йил Сурхондарё округида 13 нафар аёл советлар ташкилотида фаолият кўрсатган эди<sup>3</sup>. 1925 йил Шерободда хотин-қизлар клуби ташкил этилди, ушбу асосий вазифаси хотин-қизларни давлат ва жамият ишларига жалб этиш, паранжини ташлатиш, саводхонликни кенгроқ ёйишдан иборат эди. Лекин бу ишларда ҳам шошма-шошарликка йўл қўйилди: мажбурий паранжи ташлатиш, савод чиқариш мак-

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 67-иш, 13-варак.

<sup>2</sup> Ислам и женщины Востока. –Ташкент: Фан, 1990. –С. 83.

<sup>3</sup> Ўз МА. Р-86 фонд, 1-рўйхат, 6562-иш, 43 варак.

табларига жалб этиш зўрма-зўракилик билан олиб борилди<sup>1</sup>.

Мустабид режим бу борадаги ишларни сунъий равишда тезлаштириш мақсадида 1927 йилда “Хужум” ҳаракатини бошлади. Унга зарбдор сафарбарлик хусусиятини берди, руҳий омилларни мутлақо ҳисобга олмади. Ваҳоланки, хотин-қизларнинг паранжисиз юришига ижтимоий муҳит тўғри келмасди – унга на партия-совет ходимлари, на оддий одамлар тайёр эди. Ишонч уйғотиш ва маърифий йўллар ўрнига қўрқитиш, ваҳимага солиш, жазолаш усуллари қўлланади. Тарғибот –ташвиқот ишлари фақат аёллар ўртасида олиб борилади. Айрим масъул ходимларнинг бундай ишларни аввало эркаклар ўртасида олиб бориш лозимлиги ҳақидаги фикрлари эътиборга олинмайди.

Компартиянинг маҳаллий вазиятни инобатга олмай, шошма-шошарлик билан иш кўриши маҳаллий халқ ўртасида кўплаб норозиликни келтириб чиқарди. Оқибатда паранжи ташлаган хотин-қизларни ўлдириб кетиш ҳолатлари кучайиб кетди. Жумладан, Шерободдаги Чармгар гузаридан паранжисини ташлаб, озодликка чиққан Ҳожар Бобоқуловани 1926 йил баҳорида отиб ўлдиришди<sup>2</sup>.

Расмий ҳужжатларда кўрсатилишича, 1927-1928 йилларда биргина Ўзбекистонда 2,5 мингдан ортиқ фаол хотин-қизлар, қишлоқ, район кенгашларининг аъзолари, хотин-қизлар клублари ва кутубхоналар мудирлари ҳаётдан жудо бўлганлар. Албатта, бу кўрсаткич тўлиқ эмас. “Хужум”нинг оддий иштирокчиларидан қанчаси ўлгани ёки майиб-мажруҳ бўлгани, бу фожиалар учун масъулликни ва жа-

---

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 17-ҳужжат, 5-варак.

<sup>2</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 237.



шланди. Ўзбекистон ва кўшни республикаларда кўплаб ишчи кучи етишмаслигидан келиб чиқиб, айрим партия ва совет арбоблари уни хотин-қизлар ҳисобига тўлдиришни таклиф этадилар. Аёлларни оғир саноатга жалб этиш ҳам узлуксиз ташвиқ қилинади.

Шунга қарамай, аёлларнинг жамият ишларига фаол қатнашуви ижобий ҳодиса эди. Сурхон воҳаси аёлларидан кўпгина фаоллар етишиб чиқди. Дастлабки хотин-қизлар бўлими мудирлари руслардан иборат эди. Улардан биринчиси Васильева эди. Аста-секинлик билан туб аҳоли орасидан ҳам фаол хотин-қизлар етишиб чиқади. Масалан, 1925 йили Шеробод партия кўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш бўлими ташкил этилиб, унга Фотима Алимова мудир этиб тайинланади. 1928-1929 йилларда шерободлик Т.Примова, Кўккўзой Мадаминова, Бойгуччиевалар пиллачилик техникумида ўқиб, ўз юртларига етук мутахассис бўлиб қайтдилар. 1926 йилдан бошлаб Шеробод партия кўмитасида хотин-қизлар бўлимига бошлиқ бўлган Эшмуродова Рўзиой 1928-1929 йилларда II-III бутун Ўзбекистон Советлари қурултойида қатнашиб, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроий комитети аъзоси бўлди. Унинг ташаббуси билан Шерободда кутубхона, хотин-қизлар тўғараклари, бадий халқ театри, хотин-қизлар қизил чойхонаси, янги урф-одатлар ва анъаналар каби ўнлаб ташкилий-тарбиявий ишлар бажарилди<sup>1</sup>.

1910 йили Бойсун туманининг Янгиобод қишлоғида туғилган Мукаррама Болтаева 1929 йилда паранжини ташлагач, воҳанинг энг фаол хотин-қизларидан бирига айланади. 1931 йилда компартия аъзолигига қабул қилинди. Туманда хотин-қизлар-

---

<sup>1</sup> Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Б. 382.

ни озодликка чиқариш, уларни ижтимоий ҳаётга кенг жалб этишга ҳаракат қилди. Ўз мансабини суиистеъмол қилганларни, хотинбозлик қилган райкомларни аёвсиз танқид қилди. Шу боис, ўзига кўп душман орттирди. М.Болтаева 1937 йилнинг 24-26 апрель кунлари Термизда бўлиб ўтган Сурхондарё округ партия конференциясида делегат сифатида қатнашаётган вақтда заҳарлаб ўлдирилди<sup>1</sup>.

Деновлик фаол аёллардан Шарипова Ибодат 1920 йили Юрчининг Бешкапа қишлоғида туғилди. Бошланғич маълумотни қишлоғидаги мактабда олди. Меҳнат фаолиятини 1935 йилда ўқитувчиликдан бошлади. Тиришқоқлиги, фидойилиги ва гапга чечанлиги билан туманда танилиб борди. 1936 йили туман комсомол кўмитасига ишлаб, ишлаш кўникмасига эга бўлди. 1938 йили Юрчи қишлоқ советида дастлаб котиб, сўнгра раис вазифасида ишлади<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда, жумладан, Сурхондарё округида «Совет давлати» моҳияти ва қудратини халқ онгига мунтазам сингдириб бориш учун барча туманларда «қизил чойхона» ва «қизил клуб»лар ташкил қилинди. Сурхондарё округида ҳам миллий-маданий меросида қизил чойхоналарнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлиб, 1925 йилда Термизда 2та, Шерободда 4 та, Деновда 3та, Сариосиёда 2 та қизил чойхоналар иш бошлаб, унда коммунистик мафкура ғоялари тарғиб қилиш мақсад қилиб олинсада, бироқ ўзбек халқининг ўзига хос тарбия ўчоғи ҳисобланиб, миллий ижод аҳли ўз меҳнатини самараларни, шеърхонлик, кўй-қўшиқларни халқимизга баҳм курдилар<sup>3</sup>.

1928 йили Сурхондарёда 18 та «қизил чойхона», 13 та «қизил клуб»лар фаолият олиб борди<sup>4</sup>. Совет

<sup>1</sup> Ҳайит Н., Усмон Т. Кураш йиллари. –Б. 93-95.

<sup>2</sup> Турсунов С., Турдиев Т. Денов. –Б.137.

<sup>3</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 238-иш, 27-варак.

<sup>4</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 155-иш, 99-варак.

тузуми даврида ушбу чойхоналарнинг одатдаги азалий фаолияти ўзгартирилиб, унинг атамасига «қизил» сўзи кўшилди ва ушбу чойхоналардан совет мафкурасини тарғиб қилишда фойдаланилди. Бундан ташқари, «қизил клублар» асосан Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин асарлари, совет тузуми сиёсатини улуғловчи, кўпроқ рус тилида битилган асарлар билан таъминланган эди. Ўзбек тилида ёзилган китоблар, айниқса ўтмиш аجدодлардан қолган асарларни ушбу кутубхоналардан топиб ўқиш мушкул эди. Бу ишларнинг ҳаммаси «маданий инқилоб» тадбирларининг асл мақсадларидан бири эди.

Ўзбекистонда 1925-1930 йиллардаги мавжуд кутубхоналар ўз фаолиятларини совет тузуми талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширишди. Тарбиявий ишларни яхшилаш ва кенгайтириш мақсадида турли мавзуларда китоб кўргазмалари, маърузалар, мунозаралар, конференция ва кечалар уюштирилди<sup>1</sup>.

Совет ҳукумати томонидан кутубхоналар ишини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширилишига қарамасдан, уларнинг фаолиятини бирданга яхшилашга эришилмади. 1936 йилда Термиз шаҳар кутубхонаси илгари вино сотиладиган дўконга жойлаштирилганлиги юқоридаги ҳолатга яққол мисол бўла олади. Сурхондарё округ кутубхонаси жойлашган бино ҳам аҳоли орасида кенг миқёсида маданий-оқартув ишларини олиб боришга қодир эмаслиги ўша даврда танқид остига олинган эди<sup>2</sup>.

1939 йилда колхоз ва совхозларда янги кутубхоналар ташкил этиш, мавжуд кутубхоналар тармоғи-

---

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 4-рўйхат, 72-иш, 29-варак.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варак.

ни кенгайтириш ва китобхонларга хизмат кўрсатиш ишлари янада яхшиланди. Чунончи, Сурхондарё округидаги йирик кутубхоналарнинг китоб фондлари аҳолига кенг равишда очиб қўйилди. Кутубхона ишлари яхшиланиши ҳисобига 1940 йилда вилоят ҳудудида 99 та оммавий кутубхона фаолият юритишига эришилди<sup>1</sup>. Аммо кадрлар етишмаслигисоҳа ишининг орқага кетишига сабаб бўлди. Масалан, 1939 йили Бойсун, Сариосиё, Шўрчи тумани кутубхоналари ходимларининг бирортаси ҳам махсус маълумотга эга эмас эди<sup>2</sup>.

Маданий-оқартув муассасалар тизимидаги бир бўғин – клублар бўлиб, улар ўз фаолиятини барча давлат ва жамоа хўжаликларида, шунингдек, шаҳар ва туман марказларида амалга оширдилар. Партиянинг мафкуравий таъсирини кучайтириш шунчалик изчил тарзда амалга оширилдики, клубларда маъруза ўқиш махсус мактабларда таълим олган кадрлар томонидан бажарилиши йўлга қўйилган эди<sup>3</sup>. Клубларда, аввало совет давлатининг ички сиёсати, ғоявий мафкуравий тамойиллари тарғиб қилинди. Совет даврида замонавий клублар қуриш, давр талабига жавоб берадиган техник жиҳозлар билан таъминлаш ишига деярли эътибор қаратилмади. Кўп ҳолларда эса клублар асосан мактаб ўқувчилари ҳисобидан тўлдирилиб расмана кўриниш ҳосил қилинар эди. 1920-1930 йилларнинг биринчи ярмида, клубларда ўтказиладиган турли кечаларга бормаслик, ундан кетиб қолиш ҳолатлари авж олди.

Маданий-оқартув муассасалари ишининг асосий турларидан бири бадий ҳаваскорлик тўғараклари

<sup>1</sup> Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. –С. 328.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 101-иш, 58-варак

<sup>3</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 101-иш, 58-варак

ҳисобланар эди. Бадиий ҳаваскорлик тўғараклари-ни тузиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш, клублар соҳасининг ўзига хос иш юритиш услубига айланди. Бу каби тўғаракларда юзлаб кишилар ўз қизиқишлари, иқтидорларига қараб бирлаштирилди.

Монографияда Сурхон воҳасида тузилган драматик, мусиқали, хор тўғараклари халқ орасида маълум даражада фаолият олиб бориб, уларнинг сони йилдан-йилга ўсиб борди. Чунончи, 1934 йилда Сурхондарё округида ташкил этилган халқ ашула ва рақс ансамбллари ўз маҳоратларини нафақат Ўзбекистонда, балки чет давлатларда ҳам намойиш қилдилар<sup>1</sup>. Шу билан бирга, Сурхондарё округида мазкур соҳада қатор муаммолар мавжуд эди. Масалан, 1932-1933 йилларда вилоятдаги колхоз клубларида бирорта ҳам бадиий ҳаваскорлик тўғараклари ташкил этилмади<sup>2</sup>.

Воҳанинг маданий ҳаётида Термиз шаҳрининг ўрни беқиёс эди. Шаҳарда халқ таълими, маданий-оқартув муассасалари тез суръатлар билан ўсди. Термизда маданий - маънавий соҳанинг турли соҳалари мавжуд бўлиб, улар орасида, айниқса халқ театри, газета, халқ ансамбллари, комсомол клублари, қизил чойхоналар алоҳида ўрин эгаллаган. Шаҳардаги билим юртларида ўқиб чиққан ёшлар воҳа маданий-маънавий соҳасида самарали фаолият кўрсатдилар. 1940 йилга келганда Сурхон воҳасида маданий-маънавий соҳада банд бўлганлар сони 16962 нафар кишини ташкил қилган эди<sup>3</sup>.

Сурхон воҳасининг 1917-1941 йиллардаги маданий-маънавий ҳаёти таҳлил этилганда миллий

<sup>1</sup> Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Б. 382.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 101-иш, 58-ва-  
рак

<sup>3</sup> Термиз университети газетаси, 2001 йил 17 ноябрь.

санъатнинг маълум даражада ривожланганлиги кўзга ташланади. Коммунистик мафкура таъсирига қарамай, воҳада халқ оғзаки ижоди, миллий фольклор ва санъат маҳаллий халқ қалбида ижод намунаси сифатида яшаб келди. Жумладан, халқ бахшилари, халқ ичидан етишиб чиққан шоирлар, ижодкор ёзувчилар, миллий муסיқачилар, муסיқа асбобларини созловчилар, бадаш, чанқовуз нолалари миллий маданий жиҳатдан камситилган халқни орзу ниятларини, ғам-ташвишларни оғир зулм таъсирида ҳам сақлаб келди<sup>1</sup>.

Сурхондарё вилояти бахшичилик марказларидан бири бўлиб, бу ерда ўзига хос дostonчилик мактаблари шаклланган эди. Воҳанинг Бойсун, Жарқўрғон, Шеробод туманларида дostonчилик анъаналари совет ҳукумати тазйиқлари кучайган шароитда ҳам деярли яширин тарзда фаолият олиб борди. Айрим бахшилар янги даврга мослашишга, совет тузумини мадҳ этувчи дostonларни яратиш орқали миллий муסיқа санъатининг ушбу қадимий турини сақлаб қолишга муваффақ бўлишди. Жумладан, Шеробод дostonчилик мактабининг улуғ вакили Умир бахши Сафаров томонидан ўлкада совет тузумининг ўрнатилиши билан боғлиқ “Қорақум”, “Дастагул” дostonлари, Холиёр бахши Абдукарим ўғли томонидан “Амир қочди” дostonлари яратилган. Сиёсий мафкуранинг тазйиқи билан бахшилар ижросидан халқ анъанавий дostonларидаги эпик ҳомийлар – Ҳизр, қирқ чилтон, азиз-авлиёлар, пирлар, пайғамбар, чориёрлар билан боғлиқ ўринлар олиб ташланди<sup>2</sup>.

1930 йиллар маданий ҳаётидаги яна бир муҳим ўзгариш – бу театрларнинг вужудга келиши бўлди.

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 72-иш, 59-варак.

<sup>2</sup> Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Иккинчи китоб. Қашқадарё талқини. –Б. 160-166.

1935 йил 5 ноябрда Термиз шаҳридаги мусиқали драма театри ўз фаолиятини бошлади<sup>1</sup>. Театрнинг очилиш маросимида Афандихон Исмоиловнинг “Ғолибият” асари премьераси намойиш этилди. Мана шу асардан бошлаб, театрнинг спектакллар галереяси 1930 йилларнинг охирларида К.Яшиннинг “Икки коммунист”, “Гулсара”, Ҳамзанинг “Майсаранинг иши”, Н.Сафаровнинг “Уйғониш”, У.Гаджибековнинг “Аршин мол-олон” номли пьесалари ҳисобига бойиди. Театрнинг ўз ижодий йўлини белгилаб олишида О.Рихсиев, Х.Тўлаганов, Х.Бобохонова, Г.Латипова, З.Олимова сингари санъаткорларнинг хизматлари катта бўлди<sup>2</sup>.

1938 йилда Ўзбекистон КП МҚ “Театр санъатининг аҳволи ва уни янада такомиллаштириш ҳамда республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тадбирлари тўғрисида”ги қарорни қабул қилди<sup>3</sup>. Қарорга мувофиқ театр жамоалари, драматурглар, режиссёрлар зиммасига дастлаб инқилобий совет турмуш тарзини улуғловчи асарлар сонини кўпайтиришга асосий эътиборни қаратиш лозимлиги белгиланди. Миллий-тарихий мавзудаги асарларга “буржуа мафкурасига сажда қилиш” деб баҳоланди. 1940 йилда Сурхондарё 2 та, жумладан, Термиз, Денов халқ театрлари фаолият олиб бориб, уларда 63 киши хизмат кўрсатди<sup>4</sup>.

Кино шубҳасиз маданий-маърифий муассасалар ишининг асосий қисми ҳисобланади. Таҳлил қили-

---

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 17-ҳужжат, 5-варақ.

<sup>2</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Б. 186.

<sup>3</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-ҳужжат, 58-варақ

<sup>4</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 242-ҳужжат, 49-варақ.

наётган даврда кино оммани маърифатли қилишнинг асосий қуроли бўлиб, коммунистик мафкура ғояларини ташвиқот қилиш жараёнида асосий восита сифатида хизмат қилди.

XX аср 30-йилларида Сурхондарёда ҳам кенг экранли кинотеатрлар қуриш ишлари бошлаб юборилди. Кенг экранли кинотеатрлар қурилиши Денов, Термиз, Шеробод, Шўрчи, Жарқўрғон каби туман ва шаҳарларида амалга оширилди. Термиз шаҳридаги киносеанслар асосан зобитлар уйда ҳамда М.Горький номидаги истироҳат боғида ташкил қилинди. Бу боғда махсус ёзги кинотеатр барпо этилди. Аммо шунга қарамай, аҳолига кинохизмат кўрсатиш даражаси қониқарли деб бўлмас эди. Бу соҳада Сурхондарё республикада энг охириги ўринда эди. Жумладан, 1940 йилда вилоят бўйича 25 та киноқурилма ишлаб турган. Ваҳоланки, аҳоли нуфузи бўйича Сурхондарёдан анча кам бўлган Хоразмда 28 та, Қорақалпоғистонда 33 та, Сирдарёда 45 та киноқурилма ишлаб турган<sup>1</sup>.

Воҳада ташкил этилган радиоузелда иш юритишнинг асосий мазмуни марксча-ленинча мафкурани тарғиб этишга мослаштирилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги илк радиоэшиттириш 1925 йил 22 июнда бошланди<sup>2</sup>. 1927 йилда Сурхондарё округида радиони ишга тушириш учун давлат бюджетидан 5200 сўм маблағ ажратилди. Бу маблағга Термиз, Шеробод, Денов туманларида радиоқурилмалар ўрнатилди<sup>3</sup>.

Совет давлати ўз сиёсатини амалга оширишда даврий матбуотдан унумли фойдаланди. Шу мақ-

<sup>1</sup> Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. –С. 330.

<sup>2</sup> Азимов М. Термиз тарихи. (Энг қадимги даврдан XXI аср бошигача). –Насаф, 2001. –Б. 152.

<sup>3</sup> Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 4158-иш, 73-варак.

садда 1932 йили округ маркази Термиз шаҳри ва туманларда газета чиқариш ташкил этилди. 1932 йилнинг 15 апрелида Термиз тумани партия кўмитасининг нашри ҳисобланган “Қизил чегара” газетаси нашр қилина бошланди. 1935 йилнинг 18 мартдан “Қизил чегара” газетаси вилоят газетасига айлантирилади ва у 1941 йилда “Илғор Сурхон учун” номи оиди. “Илғор Сурхон учун” газетаси 1956 йил 21 майдан бошлаб “Ленин байроғи” номи остида нашр этила бошланди<sup>1</sup>.

Деновда илк газета лотин алифбосида «Қизил Денов» номи билан 1932 йил апрел ойида нашр этила бошланди. Кичик бир варақ ҳажмидаги бу газета муҳаррирлигини 1932 йил август ойигача Денов туман партия кўмитасининг масъул ходимлари бажаришган. Ўзбекистон ССР Компартия Марказий кўмитасининг 1932 йил 12 августдаги бюро қарорига мувофиқ Ҳалимжон Боқиев газета муҳаррири этиб тайинланиб, Деновга юборилди. Муҳаррир олдида, жумладан газета олдида ниҳоятда мураккаб ва жиддий вазифа турган. Деновда газета ташкил этилиши баробарида босмахона ҳам ишга тушган. Кўрimsиз, томи лойсувоқ икки хонали бинонинг бирида муҳарририят, иккинчисида эса босмахона жойлашган. Босмахонада газетани чиқариш учун ҳарфлар етишмас, уни босиш учун бор-йўғи битта ускуна бўлиб, у ҳам қўлда айлантирилган. Электр йўқлигидан барча иш чироқлар ёруғида бажарилган. Хадича Абдулина ва Мисси Холиқназаров босмахонанинг илк ишчилари бўлишган. Газета 1934 йилдан 1935 йилгача «Зарбчи колхоз» ва «Колхоз учқуни» номлари билан нашр этилган. 1935 йилдан то 1962 йилнинг июн ойига қадар газета яна «Қизил Денов»

---

<sup>1</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Б. 185.

номи билан чиқарилган<sup>1</sup>.

1932 йилнинг март ойида Жарқўрғон туман партия кўмитасининг даврий нашри – “Чегара зарбдори” номли газета чоп этила бошланди. 1935 йилда туманда ингичка толали пахта етиштиришга эътибор қаратилгани боис, ушбу газета “Ипак пахта учун” деб номланган. 1937 йил май ойидан бошлаб “Жарқўрғон ҳақиқати” номи билан чоп этилди. Бундан ташқари, 1930 йилларда Бойсун туманининг «Ғалла fronti», Сариосиё туманининг «Сариосиё ҳақиқати» газеталари ҳам чиқарилган. Улар Деновдаги босмахонада чоп этилган<sup>2</sup>.

Маданий-оқартув ишида музейлар ўзига хос ўринни эгаллаб келди. Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейининг ташкил қилиниши икки фидойи инсон – Гавриль Васильевич Парфёнов ва Георгий Николаевич Максимовларнинг номи билан боғлиқ эди. 1933 йил 17 сентябрда Термиз туман ижроия кўмитаси йиғилишида туман режалаштириш бўлими бошлиғи Р.Губайдуллин ва Г.В.Парфёновларнинг маърузалари тингланди. Шу асосда Сурхондарё ўлкашунослик музейини ташкил этиш 1933 йилнинг 17 сентябридан бошланди. Унинг иши 1933 йилнинг 1 октябрига қадар махсус тузилган гуруҳ зиммасига юкланди. Бу гуруҳга шаҳар халқ маорифи бўлими бошлиғи Рибцов, шаҳар молия бўлими бошлиғи Амирхонов, режалаштириш бўлими бошлиғи Губайдуллин, ер-сув хўжалиги бошлиғи Шарипов ва Г.В.Парфёновлар киритилган эди<sup>3</sup>.

Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети ҳузуридаги Фанлар кўмитаси томонидан чиқарилган Республика музейлар конференциясининг Термиз

<sup>1</sup> Турсунов С., Турдиев Т. Денов. –Б. 156.

<sup>2</sup> Тўхтаев А., Исаев О. Жарқўрғон тарихига оид муҳим саналар. – Термиз: Сурхон-нашр, 2017. – Б. 7.

<sup>3</sup> Парфёнов Г.В. История исследования Старого Термеза. -С. 2.

шаҳрида туманлараро давлат музейи ташкил этиш тўғрисидаги қарори асосида Ўзбекистон ССР Халқ маорифи вазирлигидан 1934 йилнинг 1 январидан бошлаб Термиз туманлараро давлат музейи ташкил этиш ва Ўзбекистон ССР Халқ маорифи вазирлигидан 1934 йилнинг 1 январидан бошлаб Термиз туманлараро давлат музейининг харажатлар сметасини Ўзбекистон музейлари харажатлари режасига киритишни сўраб қарор қабул қилди<sup>1</sup>.

Музей дастлабки кўргазмасини ташкил этишда 6 та бўлимдаги 559 та экспонат билан бошлаб, унинг 101 таси тарих, 292 таси социалистик қурилиш, 166 таси табиат буюмлари эди. Шунингдек, кутубхонада 1500 та илмий китоб ва 2 та илмий архив хужжатлари мавжуд эди. Янги музей 1934 йилнинг 1 январидан ўз фаолиятини бошлади. У Сурхондарё вилояти туманлараро давлат музейи деб аталди. Унга директор этиб, ташкилотчи ва жонкуяр инсон Г.В.Парфёнов тайинланди. Республика халқ маорифи вазирлиги музейнинг йиллик харажатлар сметасини 15 000 сўм қилиб белгилаган бўлса-да, маҳаллий молия идораси уни бир мунча камайтириб, 14000 сўмга туширди. Муассаса жамоаси икки қоровулни ҳисобга олмаганда, Г.В.Парфёнов (директор) билан бирга Г.Н.Максимов (илмий техник ходим) эди. Музейнинг кўп хонали биноси аслида бошқа мақсад учун қурилган, эски ва таъмирталаб эди. Бунинг устига, хоналар ҳали тўлиқ бўшатилмаган эди. Аммо астойдил меҳнат натижасида 1934 йилнинг 1 майида – байрам куни музей эшиклари томошабинлар учун очилди<sup>2</sup>.

Музейда архив ҳам ташкил этилди. Унда вилоят

---

<sup>1</sup> Парфёнов Г.В. История исследования Старого Термеза. –С. 5.

<sup>2</sup> Парфёнов Г.А. Краткая история Сурхандарьинского областного краеведческого музея (1933- 1943гг.). Архивное дело № 520.

ижроия кўмитасининг 20 мингга яқин расмий хужжати бор эди. Музейда архив хужжатлари сақланадиган 2 та хона мавжуд бўлиб, кейинроқ бу ерга вилоят партия кўмитаси, округ кўмитаси, Термиз туман партия ва ижроия кўмиталари хужжатлари ҳам топшириладиган бўлди<sup>1</sup>.

Амалга оширилган ишлар ўз самарасини бериб, музей иқтисодий жиҳатдан оёққа турган муассаса сифатида 1936 йилга қадам қўйди. Масалан, 1935 йилда музей фаолияти учун 43 минг 303 сўм ажратилган бўлса, 1936 йилга келиб, ажратилган маблағ бирдан тўрт бараварга оширилиб, 133 минг 383 сўмга етди. Бунга музей жамоасининг астойдил меҳнати туфайли собиқ СССР миқёсида тан олиниши туфайли эришилди. Музей ходимлари сони 9 кишидан 13 кишига етди. 1937 йилда ўтказилган турли тадбирларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, музейга 45 минг 117 киши ташриф буюрган. Бу албатта, жуда катта кўрсаткич эди. 1939 йилга келиб, яъни фаолият кўрсатаётганлигининг бешинчи йилига келиб, Сурхондарё округ музейи республикадаги энг яхши музейлардан бирига айланди<sup>2</sup>.

Вилоятда фақат битта музей билан чекланиб қолингани йўқ, албатта. 1934 йил 19 ноябрда Ўзбекистон халқ маорифи комиссарлиги ўзининг 4.157-фармойишига асосан Сурхондарё туманлараро музейининг Шеробод тумани филиалини ташкил этди. Бу музейнинг биринчи директори этиб, Р.Аминова тайинланди. Музейга Шерободдаги маданий-оқартув биноси берилди. Туманлараро музейнинг Шеробод филиалини ташкил этишда маҳаллий фаоллардан С.А.Ястребова, Я.Хаирова, А.А.Андрее-

<sup>1</sup> Парфёнов Г.А., Краткая история Сурхандарьинского областного краеведческого музея (1933-1943гг.) Архивное дело № 252. –С. 1-4.

<sup>2</sup> Фаёзов Р.Ф. Козловский В.А. Краткое описание Сурхандарьинского областного краеведческого музея. Дело № 294.

валарнинг катта ташкилотчилик, фаоллик кўрсатганларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Натижада табиат, тарих ва маданий каби 7 та бўлимдан иборат экспозиция очилиб, унда 327 та экспонат кўрғазмага қўйилди. Музей филиалига қизиқиш катта бўлди. Музей ташкил этилган ноябрнинг охири кунларида унга 2380 киши ташриф буюрган бўлса, декабрь ойида кирган кишилар билан жами сони 5665 кишини ташкил этди. 1935 йилда музей директори Р.Аминова Москвадаги Бутуниттифоқ музейлар курсига ўқишга юборилди<sup>1</sup>.

1935 йилда Сурхондарё округи ташкил этилиши муносабати билан 20 июлдан бошлаб округ ижроия комитети қарори билан Сурхондарё давлат туманлараро музейи округ музейига айлантирилди. Шеробод тумани ўлкашунослик музейи эса округ музейи филиалига айлантирилди<sup>2</sup>. Аммо музейларнинг халқ маърифати йўлидаги аҳамиятини ҳамма ҳам бирдек тушунавермасди. Ана шундай муносабат, аниқроғи, Шеробод тумани халқ маорифи бўлимидагиларнинг, хусусан, мудир Рафиқовнинг бу муҳим масалага панжа орасидан қараши туфайли 1935 йилда округ ўлкашунослик музейи Шеробод филиалининг иши орқага кетди. Туман раҳбарлари музей биносини туман марказий кутубхонасига олиб беришди, директор Р.Аминова эса бошқа ишга ўтказиб юборилди. Шундай қилиб, қанча меҳнатлар эвазига очилган музей ўз фаолиятини тўхтатди<sup>3</sup>.

Шуни таъкидлаш керакки, округ музейи яна бир маданият ўчоғи – Термиз ҳайвонот боғининг ташкил этилишида ҳам муҳим роль ўйнади. 1934 йил

<sup>1</sup> Фаёзов Р.Ф. Козловский В.А. Краткое описание Сурхандарьинского областного краеведческого музея. Дело № 294.

<sup>2</sup> Азимов М. Термиз тарихи. –Б. 140.

<sup>3</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 78-иш, 26-ва-рак.

нинг баҳорида музейда ташкил этилган зоология бурчаги тез орада кенгайиб, алоҳида эътиборталаб қила бошлади. 1934 йилнинг 7 июнига келиб, музейнинг тирик бурчагида 41 хил ҳайвон, парранда ва дарранда тури бор эди. Зоология бурчагининг ташкил этилиши, ўз навбатида, томошабинлар, биринчи галда мактаб ўқувчилари сонининг кеекин ошишига олиб келди. 1934 йилнинг 2 июлига қадар музейга кириш томошабинлар учун бепул эди. Аммо музей тирик бурчагидаги ҳайвонлар емиши учун маблағ зарур эди. Шу боис, Термиз шаҳар ижрокўмининг 1934 йил 2 июлдаги қарорига асосан музейга томошабинлар учун пуллик хизмат йўлга қўйилди. Зоология бурчаги кейинроқ ҳайвонот боғига айлантирилди. Термиз ҳайвонот боғининг ташкилотчиси ва биринчи директори Г.Н.Максимов эди. Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи комиссарлиги ҳайвонот боғи ташкил этишга кўмаклашди. 1935 йилда ана шу мақсад учун 70 минг сўм пул ажратди<sup>1</sup>.

Ташкил этилгандан икки йил ўтиб, музей қошидаги зоология бўлими фаолияти, ҳайвонот олами кенгайди. 1937 йил 21 январида Термиз шаҳар кенгашининг қарорига асосан, Термиз гўшт комбинати билан шаҳар қамоқхонаси ўртасидаги 20 гектар майдон Термиз ҳайвонот боғи учун ажратилди. Ер майдонда боғ яратиш, ободончилик ишларини бажариш учун Тошкентдан иккита сув насоси-двигатели олиб келинади. 1937 йилда музей жамоаси асосий эътиборни ҳайвонот боғи учун ажратилган 20 гектар ерни ва 15 гектар майдондаги тўқайни обод ва кўкаламзорлаштириш, ҳайвонлар, парранда ва даррандалар учун қулай шарт-шароит яратишга қаратади<sup>2</sup>.

Хулоса қиладиган бўлсак, монографияда 1917-

<sup>1</sup> Парфёнов Г.В. Сведения о музеях Узбекской ССР на 20 августа 1946 г. Дело № 263.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 78-иш, 79-варак.

1941 йилларда Сурхон воҳаси ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. “Маданий инқилоб”, “Ҳужум” сингари тадбирлар ўтказилди. Хотин-қизлар ўртасида саводсизликни тугатиш, уларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш учун барча чоралар кўрилди. Мафкуравий соҳада атеизм зўр бериб тарғиб қилинди. Ёшларни коммунистик партияга садоқат руҳида тарбия қилиш учун комсомол ва пионер сингари ташкилотлар тузилди. Бир сўз билан айтганда, жамиятнинг барча бўғинлари, шу жумладан, ижтимоий-маданий соҳа устидан ҳам коммунистик партиянинг тўла назорати ўрнатилди.

### **3.2. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришдаги муаммолар**

Тарихий ўтмиш турмуш тарзини халқ ҳаёти билан манбалар асосида холисона танқидий ўрганиш жараёнида монографиянинг мазмунида Бухоро амирлиги даврида Сурхон воҳасида шифохоналар бўлмаган. Тиббиёт муассасалари йўқлигидан аҳоли касалликларни даволашда эмчилар, табиблар, азайимхон муллаларга мурожаат қилишга мажбур эди. Тиббиёт соҳаси давлат томонидан ривожлантирилмаганлиги боис, маҳаллий табиблар ўз билганларича халқни даволаб келганлар. Табиблар беморларга шифо бериш мақсадида тинимсиз изланишлар ва тадқиқотлар олиб борганлар. Улар ишлатадиган дори-дармонлар маҳаллий гиёҳлардан тайёрланиб, беморларни даволаш бўйича турли усуллардан фойдаланишган. Таъкидлаш керакки, амирлик даврида беморни унинг уйида ёки табиб хонадонида даволаш одат бўлиб келган. Бойсунлик халқ табиблари

синган, чиққан жойларни даволаш, айрим касалликларни эмлаш орқали касалларни даволашган. Ана шундай табиблардан бири Арикусти қишлоғидан Жўраев Юсуф (лақаби Юсуф гидди бобо) асосан доривор ўсимликлар билан беморларни даволаган. Бундан ташқари, куйдирги, зотилжам, қизамиқ ва бошқа касалликларни ҳам даволаган. Юз ёшида вафот этган. Яна бири Тўда қишлоғилик табиб Ботир бобо Хушмуродов синган-чиққан кўл, оёқ, қовурға, белни даволаб халқ ҳурматиغا сазовор бўлган<sup>1</sup>.

Лекин юқумли касалликлар, саратон, кучли жароҳатлар, жарроҳлик билан боғлиқ касалликларни даволашда маҳаллий табибларнинг малакаси ва имкониятлари етарли эмас эди. Одамлар юқумли касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини билишмаган. Вабо, куйдирги, чечак, қизамиқ, коклюш (кўкйўтал), кал (парша), шол, дифтерия, дизентерия, безгак, сил, гепатит, тиф сингари касалликлар аҳоли учун чинакам офат эди.

Термиз шаҳрига рус қўшинлари жойлашиб олгач, ҳудудга рус врачлари келишади. 1902 йилда маҳаллий аҳоли учун тиббий қабулхона очилди, у дастлабки кунлардан оқ оммалашиб кетди, лекин уни таъминлаш учун жуда кам маблағ – йилига 300 рубль ажратиларди. Натижада, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг иложи бўлмади. Шаҳарда ҳар йили касалликлардан нобуд бўлганлар сони туғилган болалар сонидан кўп бўларди. Бу тасодифий ҳол эмас эди, чунки Бухоро амирини турли-туман солиқ ва тўловлар йиғиб олиш қизиқтирар, чор ҳукумати эса Термизга ҳарбий жиҳатдангина аҳамият бериб, туб ерлик аҳолига мутлақо эътибор бермас эди. Термиз гарнизони бошлиғи генерал-майор Барановскийнинг 1902 йил 29 августда Бухородаги Рос-

<sup>1</sup> Турсунов С., Рашидов К. Бойсун. –Б. 175.

сия сиёсий агентлиги номига ёзган рапорти бунга яққол далил бўла олади. Танқидий руҳда ёзилган бу рапортда қуйидагилар ёзилган эди: «Термиз шаҳрида... санитария назорати йўқ, даволаш муассасалари йўқ, яқинда қорамоллар ўртасида ўлат касаллиги тарқалди. Ҳарбий медицина инспектори 1902 йил 13 июндаёқ уч ветеринар врачнинг Термизга сафарга жўнатилишини хабар қилган эди. Лекин август ойи охирига қолишига қарамай, ветеринарлардан биронтаси Термизга етиб келмади. Ўлат касали бўлса, уларнинг келишини кутмасдан, ўладиган моллар қирилиб бўлгач, ўзидан-ўзи тугаб қолди, граждандар беҳуда қирилиб кетаётирлар. Туб ерлик аҳоли учун хусусий амбулатория бор, амир бу амбулатория учун уч юз сўм ажратиш ҳақида фармон берган. Аммо, Бухоро ҳукумати, Сиз жаноби олийлари талаб қилишингизга қарамай, ўз амирининг фармонини бажаришни истамайди»<sup>1</sup>.

Ниҳоят, қаттиқ танқидий фикрлар ва аҳолининг талаби билан амир ўша йили Термизда жамоат ҳаммомини барпо эттиришга мажбур бўлади. Ушбу ҳаммом ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, илгарилари 2-сонли ҳаммом номи билан шуҳрат қозонган эди. Чор ҳукумати ҳам қараб турмади. 1904 йилда соғлиқни сақлаш ишларига Термизнинг маҳаллий бюджетидан 210 рубль ажратади. 1909 йилда лазаретдаги боқимандани қоплаш ҳамда амбулатория маблағини ошириш учун 600 рубль маблағ ажратилган. 1909 йилда ҳарбий врачлар Нелиндер ҳамда Топильскийнинг бевосита иштироки билан Термизда илк фельдшерлар тайёрлаб чиқарилди<sup>2</sup>.

Аммо амир ҳукумати воҳада соғлиқни сақлаш

---

<sup>1</sup> Халияров Х., Бычков Д., Блинников А. Сурхандарьинская область. –Ташкент, 1974. –С. 73.

<sup>2</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Термиз тарихи. –Б. 225.

тизимини ривожлантиришга ғамхўрлик кўрсатмади. 1911 йили Сурхон воҳасида вабо касаллиги тарқалганида Термизда рус божхона вакили аҳоли ва аскарлар орасида юқумли касаллик тарқалиб кетмаслиги учун Бухоро амиридан молиявий ёрдам сўрайди. Унинг мактубига амир «Ажали етганлар ўлар, Оллоҳ умрини берганлар соғайиб кетар. Буни олдиндан билиш ҳам, бирон чора билан ёрдам бериш ҳам ҳеч кимнинг қўлидан келмайди», деб жавоб берган. Шу жавобнинг ўзи Бухоро амирининг ўз тасарруфидаги халқига қандай қараганини яққол кўрсатиб турибди<sup>1</sup>.

Касалликлар олдидаги ожизлик одамларни эҳтиёт чораларини қўллашга, баъзан эса, турли ирим-сиримларга ишонишга мажбур қилган.

Совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг большевиклар аҳолининг кенг қатламларини ўзига жалб қилиш учун тиббий хизматни бепул қилишга киришди. 1918-1920 йилларда соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 1919 йил 28 январда “Қорин тифига қарши чора-тадбирлар тўғрисида”, 1919 йил 10 апрелда “Эпидемияларга қарши курашиш чоралари тўғрисида”ги декретлар эълон қилинди. Ушбу декретлар асосида тиббиёт ходимлари юқумли ва хавфли касалликларга қарши курашиш билан шуғулландилар<sup>2</sup>.

1920 йилларда Сурхон воҳасига замонавий тиббий хизматнинг кириб келиши энг катта амалий ютуқлардан бири бўлди. Аммо бу ишларни йўлга қўйиш оғир кечди. Негаки, воҳада совет режими-га қарши олиб борилаётган кураш шароитида бу ишларни бажаришнинг ўзи бўлмас эди. Шунинг

---

<sup>1</sup> Халияров Х., и др. Сурхандарьинская область. –С. 73.

<sup>2</sup> <https://www.rospotrebнадzor.ru/region/history/gragdanskava.php>

учун ҳам воҳада очилаётган илк тиббиёт муассасалари ҳарбий қисмлар қошида ташкил этилар, уларнинг ходимлари ҳам ҳарбий врачлар эди. Дастлаб, 1920-1924 йилларда фақат Термиз шаҳрида ҳарбий фельдшерлар томонидан беморлар қабул қилинган. Шунда ҳам ҳарбий қисм бошлиғининг рухсати билангина беморлар текширувдан ўтказиларди. Тиббий ёрдам учун пул тўланган. Врачга бир марта кўриниш 50 тийин, тиббиёт муассасасида бир кун даволаниш учун 3 сўм 50 тийин, ҳар бир жарроҳлик амалиёти учун 10-20 сўм тўланиши керак эди. Қолган қишлоқ ва туманларда аҳвол қандайлигини шу биргина Термиз шаҳридан қиёс қилиб билиб олишимиз мумкин. Демак, туманларда ва уларга қарашли қишлоқларда аҳвол жуда оғир эди<sup>1</sup>.

Кейинроқ, 1924 йили Термиз шаҳрида биринчи касалхона ташкил этилиб, 25 ўрин ва амбулаторияга эга эди. Ушбу даволаш муассасасида ўриндошлик асосида ҳарбий гарнизон врачлари иш олиб боришган. 1925 йилдан бошлаб эса бошқа туманларда ҳам амбулатория ва шифохоналар куриш бошланди. Хусусан, Бойсун ва Дарбандда амбулатория ташкил этилди. 1925 йил февраль ойида воҳадаги мавжуд бўлган касалхона ва амбулаториялар жами 218 беморга тиббий ёрдам кўрсатди<sup>2</sup>.

1928 йилга келиб Бойсун ва Дарбандда 25 даволаш ўрни ва амбулатория даволаш марказлари фаолият кўрсатди. Кейинчалик Бойсун шаҳрида 25 ўринли касалхона, амбулатория, Дарбанд қишлоғида врачлик амбулаторияси, касалхона қошида эса 3 ўринли туғруқхона ва мавсумий 20 ўринли болалар боғчаси фаолият кўрсатди<sup>3</sup>.

1925 йили Шерободда даволаш амбулаторияси

---

<sup>1</sup> Раупов Ш., Дўсбоев А. Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 85 ёшда. –Термиз, 2009. –Б. 4.

<sup>2</sup> Ўз МА, Р-86-фонд. 1-рўйхат, 2446 А-иш, 650-варак.

<sup>3</sup> Турсунов С., Рашидов К. Бойсун. –Б. 175.

очилди. 1926 йил январда Шеробод тери ва сил касалликлари диспансерлари, болалар даволаш бўлими, тиш даволаш хонаси очилди. 1926 йилда 9 ноябрда эса 25 ўринли касалхона биноси қурилиб тиббиёт асбоб ускуналари билан жиҳозланди<sup>1</sup>. Тиббиёт асбоб-ускуналари ва дори-дармон етишмаслигига қарамай, сиҳат-саломатликка тааллуқли амалий ишлар бажарилди. 1927 йили Шеробод туман касалхонаси моддий жиҳатдан мустаҳкамланди. Унга В.А. Терновскиц бош врач этиб тайинланди. Касалхонада жарроҳлик бўйича Лазетский, дори-дармонлар бўйича Степанов, туғруқхона бўлимида Абрамова, тиббиёт ҳамшираси Голубева, Кархабова, Казакова, тиш даволаш бўйича Константинович, Қосимов кабилар хизмат қилдилар<sup>2</sup>.

Шеробод касалхонаси бўлимлари йилдан-йилга кенгайтириб борилди. Жумладан, 1926 йил 15 ноябрда врач С. Клеболова раҳбарлигида сил касалликлари бўлими, 1927 йил февралда Салтикова бошчилигида болалар даволаш бўлими, врач Колодникова ва акушерка Абрамова раҳбарлигида туғруқхона бўлимлари ташкил этилди. 1927 йилда биринчи марта жарроҳлик ишлари бажарилди. 1928 йили Шеробод туманида касалхона фаолиятини янада мустаҳкамлаш учун бош врач сифатида С.Тюменев тайинланди. У томоқ, бурун, қулоқ касалликларини даволаш бўйича яхши натижаларга эришди. Унинг турмуш ўртоғи К.М.Тюменова ҳам Шеробод тиббиёт хизматида катта ишларни амалга оширди<sup>3</sup>.

Денов туманидаги биринчи тиббий бўлимлар Юрчида, рус ҳарбий врачлари томонидан ташкил этилган. 1921—1924 йилларда Юрчида В. А. Ли-

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 242-иш, 49-варак.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 15-варак.

<sup>3</sup> Турсунов С.Н. ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар. —Б. 282-283.

харёв бошчилигидаги ҳарбий қисм жойлашган ва шу қисмда Фёдор Кузмич Косой лекпом (лекарственный помощник) бўлиб ишлаган. Ф.К.Косой шу ерда ташкил этилган касалхонада ярадор қизил аскарларни даволаш билан бирга, маҳаллий аҳолига ҳам тиббий ёрдам кўрсата бошлайди<sup>1</sup>. 1925 йил Юрчидаги Арчи кўрғонида биринчи врачлик амбулаторияси иш бошлаб, ушбу амбулаторияга лекпом Афанасий Павлович Лабастов, кейинчалик врач Е. К. Буштаков бошчилик қилган. 1927 йил сентябрида Деновда меҳмонхона учун қурилган 6 хонали иморатга биринчи марта 25 ўринли касалхона ташкил этилди. Касалхонада 21 ходим ишлаган. Унга врач Корнелий Тимофеевич Супрунюк раҳбар этиб тайинланган. Ўзбекистон Марказий Ижроия Кўмитасининг 36/20-йиғилиш Қарори билан 1927 йил 13 сентябрдан Денов тумани касалхонасига Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош ота Охунбобоев номи берилди. Шу йили Деновда врачлик амбулаторияси ҳам ташкил этилиб, бирин-кетин врачлик амбулаториялари туманнинг ҳамма йирик қишлоқларида очилди. 1927 йилда туманда ҳар ўн минг аҳолига ўрта ҳисобда 6,2 касалхона ўрни тўғри келган эди<sup>2</sup>.

1928-1935 йилларда Кенагас, Сина, Файзова ва Хайрабод қишлоқларида даволаш муассасалари очилган. Дастлабки фельдшер доялик маркази 1930-1933 йилларда 6 жойда ташкил қилинган. Биринчи дорихона 1931 йилда Ҳазарбоғда очилган. У пайтларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи ходимлар маҳаллий аҳоли орасидан тайёрланмас эди. 1935 йилда туманда жами бўлиб 105 та тиббиёт ходими, шулардан 5 та врач, 19 та ўрта тиббиёт ходими хизмат қилган. 1935 йилда Деновда марказий

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 25-варак.

<sup>2</sup> Турсунов С., Турдиев Т. Денов. –Б. 167.

дорихонаси, 15 ўринли туғруқхона, болалар боғчаси, сут тайёрловчи ошхоналар иш бошлади<sup>1</sup>.

1928 йилда Шўрчи туманидаги Қорлиқ қишлоғида (туман ташкил этилишидан олдин бу қишлоқ Денов тумани таркибида бўлган) 25 ўринли касалхона ва амбулатория очилди. 1935 йилда Шўрчи туман марказида дастлабки шифохона иш бошлади. Касалхонага ягона олий маълумотли мутахассис аёл А.Шатковская раҳбарлик қилиб, унда 13 та ходим ишлаган. Уларнинг 4 нафари ўрта махсус маълумотли, 4 нафари ҳамшира, 5 нафари хўжалик ишлари билан шуғулланувчи кишилар бўлган. Биринчи касалхонада бор-йўғи 10 та ўрин, шунга яраша стол-стул бўлиб, тиббиёт ходимлари орасида бир нафар ҳам маҳаллий хотин-қиз йўқ эди<sup>2</sup>.

Жарқўрғондаги биринчи касалхона 1925 йили эски масжид биносида очилди. Бу ерда ҳарбий лазарет жойлашган бўлиб, унда маҳаллий аҳоли ҳам даволанар эди. 1930 йилларда Ҳовдак ва Какайдидан нефть конлари очилгач, кўплаб мутахассислар, қурувчилар ўз оилалари билан кўчиб кела бошладилар. Россиядан кўчиб келаётган оилалар орасида шифокорлар ҳам бор эди. Аҳолининг кўпайиши катта шифохона қуришни талаб қилди. 1930 йили 50 ўринга мўлжалланган бир қаватли шифохона қурилиб ишга туширилди<sup>3</sup>.

1929 йилда Жарқўрғон тумани ҳудудига кирувчи Қумқўрғон пахтачилик давлат хўжалиги барпо этилган эди. Ўша йиллари учта фельдшер-доялик пунктлари орқали тиббий хизмат кўрсатиш амалга оширилган эди. 1932 йилда давлат хўжалигининг марказий қўрғонида оддий усулда қурилган 5

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 27-варақ.

<sup>2</sup> Турсунов С., Эшбоев К. Шўрчи тарихидан лавҳалар. –Б. 177.

<sup>3</sup> Мўминов Ў., Эшмуродов Р. Жарқўрғон тиббиёти: кеча ва бугун. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. –Б. 15.

ўринли қишлоқ участка шифохонаси ишга тушди. Қумқўрғон аҳолисига хизмат кўрсатиш мақсадида дастлаб амбулатория ва дорихона ҳам шу бинода ташкил килинган. Қумқўрғон давлат хўжалиги таянч шифохонасига илк бор 1 нафар доя, 1 нафар фельдшер ва дори тайёрловчи ходимлар шифохонада меҳнат қилди. Шу тариқа Қумқўрғон тумани ҳудудида дастлабки тиббий хизмат кўрсатиш маркази аҳоли саломатлиги йўлида ўз ишини бошлади<sup>1</sup>.

Ёш болалар ўртасида кал, кўтир, трахома сингари касалликларнинг тарқалиши алоҳида ташвиш уйғотар эди. Шу сабаб 1927 йилда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети томонидан мактаб ўқувчилари ва болалар уйларида тарбияланаётган болаларнинг соғлиғини назорат қилиш учун тиббий комиссия ташкил қилиш тўғрисида топшириқ берилди<sup>2</sup>. Натижада Сурхондарё округидаги мактаб ўқувчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари бошланади<sup>3</sup>.

Воҳада тиббиёт тизимини ривожлантириш учун маблағ ажратиш йилдан-йилга ўсиб борди. Эътибор бериладиган бўлса, 1927-1928 йилда маблағ ажратиш олдинги йилга нисбатан 275 фоизга ошганлигини кўрсатади, яъни маблағ ажратиш бу даврга келиб уч мартага ошган эди. 1928-1929 йиллари соғлиқни сақлаш ишлари учун 710 минг сўм, 1929-1930 йиллари 764230 сўм пул сарфланди. 1928 йилнинг биринчи ярмида 90279 киши амбулаторияга мурожаат қилган, 74970 киши даволанган, шундан 56020 киши маҳаллий миллат вакиллари эди<sup>4</sup>.

Сурхондарё округида тиббиёт бўлимларининг

<sup>1</sup> Турсунов С., Эшбоев Қ., Тўхтаев А.Қ., Хўжаназаров А.З. Қумқўрғон тарихидан лавҳалар. –Тошкент: YANGI NASHR, 2019. –Б. 212.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 104-иш, 607-варак.

<sup>3</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 47-варак.

<sup>4</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 49-варак.

кўплаб ташкил этилиши малакали врачлар ва ўрта махсус тиббиёт ходимлари етишмовчилигини келтириб чиқарди. Бу муаммони ҳал этиш учун округнинг ўзида тиббиёт билим юртини очиш зарур эди. Лекин Марказ ўлкага хом ашё базаси сифатида қараганлиги боис бундай қилмади. Ўрнига четдан кадрлар юборишнимаъқул кўрди. Россиядан келган врачлар ўзбек тилини тушунишмас, бу эса, маҳаллий аҳолига ўз аҳволларини маълум қилишда қийинчиликлар туғдирар эди. 1920-1930 йилларда маҳаллий аҳоли орасида рус тилини биладиган кишилар кўп бўлмаганлиги сабабли одамлар тиббиёт муассасаларига боришни унчалик исташмас эди<sup>1</sup>.

Шундай бўлсада, Россиядан келган врачлар ўлка тиббиёт тизимини ривожлантиришда муҳим ҳисса қўшдилар. 1926-1929 йилларда Россия Федерациясидан ўнлаб медиклар воҳага ишлаш учун юборилди. Улардан Москва тиббиёт институтини тугатган И.Ф.Филатова, Саратов тиббиёт институтидан Скоробогатов, ҳарбий тиббиёт академиясидан М.Н.Герасимов, Иркутск тиббиёт институтидан В.В.Нокарева, Астрахань тиббиёт институтидан Я.Г.Хаймович, Харьков университети тиббиёт факультетини тугаллаган Б.И.Ляфкерлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, воҳадаги турли эпидемиялар ва касалликларга қарши курашда врачлардан А.С.Мишукин, П.С.Салмин, П.Ф.Забродина, А.Г.Нижегородова, тиббиёт ходимларидан Т.Е.Арская, Д.С.Сергеев, А.П.Волкова, А.М.Ряхина, П.С.Пареева, Д.Т.Гордеева ва бошқаларнинг меҳнати катта бўлди<sup>2</sup>.

Марказий шаҳарлардан малакали врачларнинг келиши Термиздаги касалхонани 50 ўринга кенгайтириш, тери-таносил касалликлари диспансери,

---

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 53-варак.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 61-варак.

пастеризация станцияси ва болалар суғурта кон-  
сультациясини очиш имконини берди. 1929 йилга  
келиб вилоятда тўртта йирик касалхона бўлиб, улар  
Термиз, Бойсун, Шеробод ва Денов шаҳарларида фа-  
олият кўрсатган. Бундан ташқари, округда 12 та ам-  
булатория, 2 та болалар консультацияси, 2 та дис-  
пансер, кичик тез ёрдам станцияси бўлиб, уларда 26  
врач, 7 акушер-гинеколог, 7 тиббиёт ҳамшираси, 4  
та доришунос, 2 та тиш врачлари хизмат қилган<sup>1</sup>.

Жамоалаштириш амалга оширилгандан сўнг,  
врачларнинг масъулияти янада ортган. Врачлар қи-  
шлоқларда уйма-уй юриб, касалларни аниқлашар,  
уларга имкони борича ёрдам беришган. Касал бўл-  
ган одамларни от-улов ёрдамида касалхонага олиб  
келишган. Дала ишлари авж олганда тиббиёт хо-  
димлари қишлоқ меҳнаткашларининг соғлигидан  
хабар олиб туришар, даланинг ўзида колхозчилар-  
ни кўриқдан ўтказишар эди. Ҳосил йиғим-терими  
вақтида колхозчиларнинг болалари учун кўчма  
яслилар ташкил қилинар, уларга қараб туриш учун  
тиббиёт ходимлари жалб этилган.

1930 йилларда маҳаллий аҳоли орасидан ҳам  
тиббиёт ходимлари етишиб чиқа бошлади. 1932  
йил Шерободга Самарқанд тиббиёт институтини  
битирган биринчи ўзбек врачлари Ҳайитқулов ишга  
келди. Кейинчалик ўзбек врачлари Мўминниёзовнинг  
фидоийлиги туфайли Пошхуртда даволаш амбула-  
торияси ташкил этилди. Кейинчалик, Сурхон воҳа-  
сида Ўрта Осиё тиббиёт институти битирувчилари,  
бўлғуси профессорлар – К.Х.Тагиров, Н.К.Мусабеков,  
А.З.Зоҳидов, республика соғлиқни сақлаш соҳаси-  
нинг таниқли арбоблари – К.С.Хаиров, А.С.Далимов,  
Л.К.Мўминов ўз меҳнат фаолиятларини бошлади-

---

<sup>1</sup> Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Б. 189;  
Халияров Х., и др. Сурхандарьинская область. –С. 85.

лар<sup>1</sup>.

1932 йилда маҳаллий аҳолидан тиббиётга қизиқувчи иқтидорли ёшлар сараланиб, Самарқанд тиббиёт институтидаги қисқа муддатли фельдшер тайёрловчи курсларга ўқишга юборилганлар. Улар орасида Шеробод туманидаги Тангидевон қишлоғидан Жума Қурбонов ҳам бор эди. 1932-1945 йилларда Жума Қурбоновнинг саъй-ҳаракатлари билан Хатак, Тангидевон, Ғуржак, Лайлаган, Эгарчи ва бошқа қишлоқларда кўплаб одамлар, айниқса, ёш болалар шифо топишган<sup>2</sup>.

1931-1932 йилларда Бойсун туманида 15 ўринли касалхона бор эди. Туман ижроия кўмитаси томонидан соғлиқни сақлаш тизимига маблағ ажратиш кўпайиб борди. 1931 йилда соғлиқни сақлаш ишларига туман бюджетининг 10,6 фоизи (1929 йилги пул бирлиги ҳисобида), 1932 йилда 14,7 фоизи ажратилди<sup>3</sup>.

1935 йилга келиб тиббий муассасалар вилоятнинг барча туманларида ташкил этилди, 220 касалхона ўрни, беш амбулатория, иккита ихтисослаштирилган диспансер, бир нечта пастеризация станцияси ва тўртта дорихона фаолият кўрсатган<sup>4</sup>.

Округ тиббиёт ходимларининг малакаси етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 1936 йилда Самарқанд тиббиёт институтидан профессор С.П.Шиловцева, П.И.Сушевской, И.Я.Чураева ва А.Н.Ивановалар Сурхондарёга жўнатилади. Улар воҳа тиббиёт ходимларига ўз маслаҳатлари билан ёрдам беришди. 1936 йили Сурхондарё округида юқумли касалликлар

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 64-варак.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 69-варак.

<sup>3</sup> Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Б. 175-176.

<sup>4</sup> Халияров Х., и др. Сурхандарьинская область. –С. 85

авж олиши муносабати билан Россиянинг Оренбург шаҳридаги тиббиёт техникумини тугатган бир гуруҳ битирувчилар ёппасига Ўзбекистонга жўнатилади. Улар орасида Оренбургнинг Бузлук қишлоғидан Мария Фёдоровна Чернова ҳам бор эди. У Жума Қурбонов билан бирга Бойсун ва Шеробод қишлоқларида ёш болалар ўртасида тарқалган дезинтерия (ич терлама) касаллигини даволашда иштирок этган. Вабо тарқалган йиллари улар биргаликда касалликнинг тарқалиш манбаини аниқлашган ва бу касалликни тўхтатишга муваффақ бўлишган<sup>1</sup>.

1930 йилларда Шеробод туманидаги Пошхурт, Фрунзе, Оқтош, Таллашқон, Зарабоғ, Оққўрғон, Қишлоқбозор, Истара, Сеплон қишлоқ кенгашлари ҳудудларида тиббиёт хизмати бўлимлари ташкил этиб, меҳнаткашларнинг соғлиги доимо назорат қилиб турилди. 1933 йили Шеробод туман санитария-назорат бўлими ташкил этилиб, унга маҳаллий ўзбек врачлари С. Ибрагимов бош врач этиб тайинланди. Бу даврда туман касалхонаси домий равишда олий маълумотли мутахассислар билан тўлдирилиб борилди. Масалан: врачлардан Виборков, Винник, Г. Попова, Ҳайиткулов, ўрта махсус тиббиёт ходимлардан Д. Сергеев, Максимов шулар жумласидандир. Шеробод ҳудуди катталиги ҳамда аҳолиси кўплигини ҳисобга олиб, 1940 йил касалхона ихтиёрида тез ёрдам бўлими ташкил топди ҳамда унга алоҳида тиббиёт хизмат машинаси ажратиб берилди<sup>2</sup>.

Жарқўрғон ва Қумқўрғонда тиббий хизматни ривожлантириш нисбатан оғир кечди. Бу ҳудудларда иқтисодий ночорлик, қашшоқлик туфайли касалликлар кенг тарқалган бўлиб, ўлим ниҳоят дара-

---

<sup>1</sup> Дала маълумотлари. Термиз шаҳри, 2020 йил декабрь; Ангор тумани, Қорасув қишлоғи, 2020 йил январь.

<sup>2</sup> Турсунов С.Н. ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 283.

жада кўп эди. Колхозчиларга оддийгина санитария шароитлари яратилмаган, ҳаммомлар қурилмаган эди. Аҳолига хизмат кўрсатувчи олий маълумотли врачлар бўлмаган. Оддий тиббиёт ходимларининг эса билим тажрибаси етишмас эди. Юқумли касалларни дезинфекция қилиш учун шароитлар қилинмаган эди. Мазкур ҳолат, табиийки, аҳолининг норозилигига сабаб бўлган. 1940 йилга келиб, туман ҳудудининг катталиги ва аҳолининг ўсиши инобатга олиниб, Жарқўрғон туман соғлиқни сақлаш бўлими ташкил этилади. Бўлимни бошқариш 1938 йилдан буён меҳнат қилиб келаётган педиатр-врач М.Кулаковага топширилади. У бир вақтнинг ўзида туман марказий шифохонаси бош врач лавозимида ҳам иш олиб борди. Эпидемиялар тарқалишига йўл қўймаслик ва безгак касаллигига қарши курашиш учун 1940 йилнинг августида Жарқўрғонда тропик станция ташкил қилинади<sup>1</sup>.

Бу даврга келиб Сурхон давлат хўжалигида касалхона, амбулатория, Ҳовдак, Лалмикор ва Какайди врачлик пунктлари мавжуд эди. Врачлардан Л.П.Клюевич “Ҳовдак”, Т.Е.Лившиц “Лалмикор”, Ю.А. Гурьевич “Какайди” врачлик пунктларида мудир бўлиб ишладилар<sup>2</sup>.

1940 йилнинг июнь ойида маҳаллий аҳолини талаб ва истакларидан сўнг Қумқўрғон давлат хўжалиги ҳудудида касалхонанинг янги биноси қурилиб ишга туширилди. Янги қурилган касалхона мудирлигига фельдшер Н.Маслов тайинланди. Уруш йилларида Қумқўрғон аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш деярли тўхтатилди. Фақат 1944 йилда Григорий Дмитриевич Степанов касалхона бош

---

<sup>1</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 77-фонд, 2-рўйхат, 18-иш, 44-варак.

<sup>2</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Жарқўрғон тарихидан лавҳалар. –Б. 114.

врачи ва амбулатория мудирлари лавозимига тайинланган, тиббий хизмат соҳасида маълум маънода ижобий ўзгаришлар амалга оширилди<sup>1</sup>.

1941 йилда Бойсунда 4 та даволаш врачлик участкалари ташкил этилди. Булар:

1. Бойсун шаҳрида – Деҳқонобод, Янгиобод қишлоқ кенгашлари ҳудуди;

2. Дарбандда – Дарбанд, Шўроб, Сайроб, Хўжабулғон қишлоқ кенгашлари ҳудуди;

3. Кофрунда – Кофрун, Инкабод қишлоқ кенгашлари ҳудуди;

4. Пулҳокимда – Пулҳоким, Ҳовуз қишлоқ кенгашлари ҳудуди<sup>2</sup>.

Сурхондарё вилоятида 1941 йили аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари қониқарсиз эди. Айниқса, қишлоқ жойларида ачинарли ҳолат ҳукм сурарди. Кўплаб касаллар шифохоналарга ўз вақтида олиб борилмаган. Бу ҳол воҳа тиббиётидаги энг катта камчиликлардан бири эди. 1941 йилда вилоятдаги барча қишлоқларнинг атиги 27 тасида қишлоқ врачлик участкалари ташкил этилган эди. Уларнинг ҳам 12 тасида ўрта махсус тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишарди. Вилоятда 50 та акушер-фельдшерлик марказлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси акушер ва фельдшерлар билан таъминланган эди. Вилоят меҳнаткашларига 1715 ўринли 19 та даволаш муассасаси хизмат қилган. Ҳолбуки, 1941 йилнинг июнида воҳа аҳолиси 339677 кишидан иборат бўлган<sup>3</sup>.

Воҳада тиббиёт ходимларини уй-жой билан таъминлаш жиддий муаммога айланди. Бу масалани ҳал қилиш учун 1941 йили Ўзбекистон ҳукумати

<sup>1</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Қумқўрғон тарихидан лавҳалар. –Б. 212.

<sup>2</sup> Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Б. 176

<sup>3</sup> Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Б. 190.

томонидан қишлоқ тиббиёт ходимларини уй-жой ва керакли моддий шароитлар билан таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Лекин бу қарор ўз вақтида бажарилмади. Масалан, Термиз шаҳрида 11 та қишлоқ бўлимларида ва 5 та фельдшерлик бўлимларида ишлаётган ходимлардан 29 киши уй-жой билан таъминланмаган эди. Айрим жойларда тиббиёт ходимлари уй-жой йўқлигидан касалхоналарда, амбулаторияларда, ҳатто палаткаларда яшаганлар. Шунинг учун ҳам воҳага келган врачлар шароит йўқлигидан ишлаб турган жойларидан кетиб қолишар эди<sup>1</sup>.

Оғир шароитга қарамасдан, 1939-1941 йилларда Сурхондарё округи тиббиёт ходимлари фидокорона меҳнат қилдилар. Жумладан, Бойсунда Ю.С. Давидов, Дарбанд қишлоғида Жеврак Мария, Мачай қишлоғида Валиева София, Кофрунда Насирова Олия, Ҳовузда Коваленко Асия, Пулҳокимда Ласудская Валялар фаолият кўрсатдилар<sup>2</sup>.

1941 йилда Шерободда врачлар ва фельдшерлардан С.Тюменов, К.Тюменова, С.Муҳаммедшина, И.Жулев, Н.Исмоилова, Ҳ.Пўлатов, Л.Виборков, А.Виллякова, Д.Сергеев, Ҳ.Хусниддинов, Е.Холенколар эл саломатлигини сақлашда ўз ҳиссаларини қўшдилар<sup>3</sup>.

Умуман олганда, 1930 йилларда воҳада малакали докторлар етишмовчилиги яққол сезилиб турган. Шу боис аҳолини даволашда маҳаллий табиблар ҳам иштирок этишган. Халқ табобати вакиллари аҳоли томонидан “қўшноч”, “халфа”, “домла”, “табиб” каби номлар билан аталганлар. Улар асрий анъаналар-

<sup>1</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Б. 190-191.

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 77-фонд, 2-рўйхат, 26-иш, 51-ва-рак.

<sup>3</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 77-фонд, 2-рўйхат, 25-иш, 59-ва-рак.

ни давом эттириб, аҳолини даволашда маълум бир ютуқларни қўлга киритишган. Халқ табобати вакиллари турли ўт-ўланлар асосида дори тайёрлашган. Жумладан, андиз ўсимлигини илиқ сувда ивтиб оғриган оёққа боғлашган. Шамоллаш ва ички касалликларга учқат, суяк шикастланган вақтда эса мумиё ишлатилган. Ярадор бўлган ёки оловда куйган кишиларга бирсепар ўти сепилган. Қораоқсоқ (ревматизм) билан оғриганларни томирдан ушлаб даволайдиган табиблар бўлган. Бундай одамларга кўпинча от гўшти едирилган, ёғи суртилган. Сабаби, от гўшти иссиқлик сақлар эди. Турли ички касалликларда туя сутини ичириб даволаганлар<sup>1</sup>.

Шунингдек, халқ табиблари беморларнинг тишини олиш, жароҳатларни тикиш каби амалиётларни бажаришган. Илон, чаён, қорақурт чаққанларни соғайтиришган. Уқалаш ёрдамида чақалоқлар ва катталарда учрайдиган турли санчиқларни даволашган. 1920-1930 йилларда доялик қилувчи аёлларнинг асосий қисми табиб аёллар бўлишган. Табиб аёллар орасида айниқса, лайлаганлик Гулгун моманинг доврўғи бутун воҳага тарқалган эди<sup>2</sup>. Тўғри, совет мафкураси учун халқ табобати ёт нарсаси эди. Халқ табобати эскилик сарқити сифатида қаралган. Лекин воҳада совет тиббиёти яхши йўлга қўйилмаганлиги, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилмаслиги шароитида совет режими халқ табобати вакилларининг фаолиятига имкон беришга мажбур бўлди. Лозим бўлганда партия арбоблари ва махсус хизмат ходимлари ҳам табиблар қўлида даволанганлар.

Воҳада тиббий хизматнинг оқсашига тез-тез

---

<sup>1</sup> Умаров И. Бадаш: тарих ва анъана. –Б. 97-98.

<sup>2</sup> Умаров И., ва бошқалар. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар. –Б. 175-176.

ўтказиб турилган “тозалаш” ва оммавий қатағонликлар ҳам сабаб бўлди. Гарчи врачлар етишмасида, тиббиёт ходимлари меҳнат интизомига қатъий риоя қилганлар. Арзимас камчилик ёки ишига масъулиятсизлик қилганлар жазога тортилганлар. Жумладан, Жарқўрғон соғлиқни сақлаш бўлимининг 1940 йил 2 июндаги 76-сонли буйруғи билан Сурхон қишлоқ кенгаши тиббиёт маркази фельдшери Ш.Маҳмудов бир кун сабабсиз ишга чиқмаганлиги учун ишдан ҳайдалган. Тиш техниги Забралов устидан жинойий жавобгарликка тортилди. 1941 йил июль ойида саниструктор Циганкова бир кун сабабсиз ишга чиқмаганлиги учун ишдан бўшатирилган. Ишга икки соат кечиккан саниструктор П.Сариев, аёллар ва болалар консультацияси ходими Габзаилова судга берилди. 1940-1941 йилларда туманда бош врачлар, бўлим мудирлари ва ҳатто соғлиқни сақлаш бўлим мудирлари ҳам тез-тез алмаштириб турилган<sup>1</sup>. “Илғор Сурхон учун” газетасида Шеробод туман шифохонаси врачлари – Тюменов ва Сергеевларнинг беморларга нисбатан эътиборсиз қарашлари танқид қилинган<sup>2</sup>.

Кўп ҳолларда тиббиёт учун ажратилган маблағлар ишлатилмай қолган ёки талон-тарож этилган. Масалан, Сурхондарё вилояти халқ депутатлари советининг 1941 йил 18 мартда қабул қилган қарорида кўрсатилишича, касалларни даволаш учун 90300 та жой ажратилган. Бу жойларнинг 80586 тасига касаллар ётқизилган. Бундай бўлишига тез ёрдамнинг ишламаганлиги сабаб бўлган. Қарорда шу билан бир қаторда вилоят соғлиқни сақлаш ишларини амалга ошириш учун 21589,2 минг сўм ажратилганлиги, лекин унинг 17767,4

---

<sup>1</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Жарқўрғон тарихидан лавҳалар. –Б. 114.

<sup>2</sup> “Илғор Сурхон учун” газетаси, 1941 йил 30 июнь.

минг сўмидан тиббиёт хизматида фойдаланганлиги, қолган 3821,8 минг сўмидан эса турли сабабларга кўра фойдаланилмаганлиги таъкидланган. Бунинг асосий сабаблари тиббиёт ходимларининг етишмаслиги, зарур техник асбоб-ускуналар олиб келинмаганлиги, дори-дармонлар ҳам ўз вақтида етказилмаганлигидадир<sup>1</sup>. 1938 йилда Жарқўрғон туман касалхонаси текшириб кўрилганда, касалхона бош ҳисобчиси 5485 сўмни ноқонуний ўзлаштириб олганлиги маълум бўлди<sup>2</sup>.

Тиббиёт соҳасига нисбатан бундай муносабат воҳада соғлиқни сақлашишларини янада қийинлаштирган. Врачларнинг машаққатли меҳнати қадрланмаслиги бу соҳага янги кадрларни жалб этишда муаммоларни юзага чиқарган. Қолаверса, тиббиётдаги оғир аҳвол айрим малакали тиббиёт ходимларини ўз касбини ўзгартиришга мажбур этган. Масалан, 10 йиллик тиббий стажга эга бўлган тиббиёт ходими Плескович Анна Шеробод туман алоқа бўлимига ишга ўтиб кетган<sup>3</sup>. Бундай ҳолатлар иккинчи жаҳон уруши арафасида вилоят тиббиёт соҳасига салбий таъсир кўрсатган.

Хулоса қиладиган бўлсак, монографияда 1920-30 йилларда Сурхон воҳасига замонавий тиббиётнинг кириб келиши ижтимоий-маданий ҳаётдаги энг муҳим ютуқлардан бири бўлди. Воҳа шаҳар ва қишлоқларида касалхоналар, амбулаториялар, қишлоқ врачлик участкалари ташкил қилинди. Юқумли касалликларни олдини олиш, эмлаш ва даволаш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, малакали медиклар етишмовчилиги

<sup>1</sup> Турсунов С., ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Б. 191.

<sup>2</sup> Жарқўрғон туман давлат архиви, 20-фонд, 1-рўйхат, 163-иш, 87-варақ.

<sup>3</sup> Шеробод туман давлат архиви, С 42-фонд, 1-рўйхат, 371-иш, 167-варақ.

сезилиб турди. Бунга бир қатор объектив ва субъектив сабаблар билан бир қаторда 1937-1939 йиллардаги оммавий қатағонликлар ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Қишлоқларнинг касалхоналардан узоқлиги, транспорт воситаларининг етишмовчилиги тез тиббий ёрдам кўрсатишни қийинлаштирди.

## Монографиянинг учинчи боб бўйича хулосалар

Воҳа ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўзгаришлар ва соҳада юзага келган муаммоларни ўрганиш натижасида монография якунида қуйидаги хулосаларга келинди.

1920-1930 йилларда Сурхон воҳаси ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Ўлкада комсомол ва пионер ташкилотлари вужудга келди. Атеизмни тарғиб қилиш учун “Худосизлар иттифоқи” ташкил этилди. Жамиятнинг барча жабҳалари устидан коммунистик мафкура назорати ўрнатилди.

Албатта, бу ўзгаришларнинг ижобий томонлари ҳам бор эди. Воҳага кино, театр, радио кириб келди, туман марказларида газета чоп этиш йўлга қўйилди. Истироҳат боғлари, музейлар ва ҳайвонот боғи ташкил қилинди. Воҳада фан ва техника ютуқларини намойиш этувчи турли кўргазмалар ўтказилди. Аҳолининг дунёқараши анча кенгайди. Аммо маданият соҳасида миллий кадрларни тайёрлаш яхши йўлга қўйилмади. Айрим туман раҳбарларининг маданият муассасаларига эътиборсизлиги туфайли маданият ва санъат соҳаси талаб даражасида ривожланмади. Халқ орасидан етишиб чиққан талантли санъаткорларга ғамхўрлик кўрсатилмади. Аксинча, уларнинг кўпчилиги “миллатчи”, “қулоқ”, “буржуа маддоҳи”, “халқ душмани” каби айблар билан қатағон қилинди. Буларнинг барчаси, воҳа маданий ҳаётига салбий таъсир кўрсатди.

Воҳада тиббий хизматни ташкил этишда қатор муаммолар юзага келди. Энг катта муаммо тиббий ходимларнинг етишмаслиги бўлди. Тўғри, совет хукумати даволаш муассасаларини тиббий ходимлар

билан таъминлашга ҳаракат қилди. Россия ва Украинадан врачлар ва ўрта махсус маълумотли фельдшерларни жўнатиб турди. Аммо уларни уй-жой билан таъминлаш, ишлаш ва яшаш учун шароит яратиш борасида ғамхўрлик қилинмади. Қолаверса, четдан келган врачлар ўзбек тилини билишмас, бу эса беморларни даволашда кўпгина муаммоларни келтириб чиқарар эди. Буларнинг барчаси, маҳаллий аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлди. Натижада, воҳага келган врачларнинг кўпчилиги оғир шароитларга дош бера олмай, кетишга мажбур бўлишган. Совет режими томонидан тез-тез ўтказиб турилган оммавий террор ҳам воҳадаги малакали тиббий кадрларни озайишига сабаб бўлган. Бундан ташқари, маҳаллий миллат вакиллари тиббиёт институтларида ўқитиш учун давлат томонидан бирон-бир чора кўрилмади. Фақат айрим иқтидорли ёшлар қисқа муддатли фельдшерлик курсларида ўқитилди, холос. Шунча қийинчиликларга қарамай, воҳа тиббиёт ходимлари сабр-тоқат билан меҳнат қилдилар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан минглаб одамларнинг ҳаёти сақлаб қолинди, воҳа аҳолисининг тиббий-санитария қоидалари тўғрисидаги тушунчаси ўсишида муҳим ҳисса қўшишди.

## ХУЛОСА

Монографияда Ўзбекистонда совет ҳукматининг маданий-маънавий сиёсати ва унинг натижалари Сурхон воҳаси мисолида юз берган тарихий воқеалик ва ҳодислари асосида холисона илмий таҳлил этилди. Қайд этилган таҳлиллар асосида совет ҳокимиятининг миллий камситиш сиёсатининг дастурида маҳаллий миллатни урф-одатлари, қадриятлари ва маросимларни камситиш, аста-секинлик билан йўқотиш сиёсатини олиб борганлиги илмий фикрларга таянган ҳолда умумлаштирилиб, якуний хулоса ва тавсиялар берилди.

### **Монографиянинг якуний хулосалари асосида қуйидаги илмий фикрларга келинди:**

1. Сурхондарё вилоятида совет режимининг ўрнатилиши, ўлка ижтимоий-маънавий ҳаётининг коммунистик мафкура талабларига бўйсундирилиши билан боғлиқ тарихий манбалар ўрганилди. Совет давлати Сурхон воҳасига арзон хом ашё базаси сифатида қараганлиги учун ўлкада маданий-маънавий юксалишга етарлича эътибор бермади, мавжуд маҳаллий миллий маданий-маърифий маданиятни давомийлигига ва ривожланишга жиддий тўсиқ бўлди. Воҳада маданий - маънавий юксалишга сарфланган маблағлар Иттифоқ кўрсаткичларидан ниҳоят даражада паст бўлди.

2. Сурхон воҳасида Совет режимининг миллий зиёлиларга қарши оммавий қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари илмий жиҳатдан таҳлил этил-

ди. Совет давлати марксизм-ленинизм мафкураси ва большевиклар партиясининг назарий ғояларини кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида маҳаллий маданиятга қарши кескин юриш бошлади. Оқибатда кўплаб маданият, санъат ва маърифат арбоблари қирғинга қилинди. Большевикларнинг оммавий террори миллий маданиятга кучли зарба бўлиб тушди.

3. Сурхондарёда совет маориф тизимининг қурилиши ва унинг натижалари таҳлил қилинди. Воҳада эски тизим мактабларининг ёпилиш сабаблари аниқланди. Совет ҳукумати маҳаллий аҳолининг миллий урф-одат ва анъаналари ҳамда маросимларини бутунлай йўқотиш мақсадида “Оммавий савод чиқариш” сиёсатини дастак қилиб олди. Шу асосда эски ўзбек ёзуви бекор қилиниб, аввал лотин, сўнгра кирилл ёзувига ўтказилди. Рус-европа маданиятининг маҳаллий маданиятдан устунлигини кўрсатиш учун зўр бериб ҳаракат қилинди.

4. Сурхон воҳасида ўтказилган илмий тадқиқотлар ва уларнинг аҳамияти ўрганилди. Бунда илмий-тадқиқот ишларининг мафкуравий тус олганлиги ва соҳадаги муаммолар холисона таҳлил қилинди. Марказ кўрсатмаси билан воҳада фақат пахтачилик ва унга алоқадор бўлган соҳаларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Маҳаллий селекционерларнинг сабзавотчилик, боғдорчилик ва чорвачилик соҳаларида олиб борган изланишлари ўз вақтида қўллаб-қувватланмади. Уларга ҳатто аҳамият ҳам берилмади. Бундай бўлишига совет раҳбарияти ўртасида “ўлка аҳолиси саводсиз” деган тушунчанинг ҳукм суриши сабаб бўлди. Шу йўл билан совет раҳбарияти маҳаллий аҳолининг тарихий меросини инкор этиш ва уни камситишга ҳаракат қилган эди.

5.1917-1941 йилларда Сурхон воҳасидаги ижтимоий-маданий жараёнлар, миллий кадрлар билан таъминлашдаги муаммолар хусусида фикр юритилди. Воҳада саноат учун мутахассис кадрлар фақат пахтачилик ва уни ташиб кетиш билан боғлиқ бўлган тармоқлардагина тайёрланди. Нефть-газ, кўмир ва энергетика саноати учун зарур бўлган мутахассислар Россиядан олиб келинди. Воҳада педагогика ва қишлоқ хўжалик машиналарига хизмат кўрсатувчи кадрлар тайёрловчи билим юртларидан бошқа ҳеч қандай ўқув юртлари очилмади.

6. Ўлкада ижтимоий-маданий ҳаётни ўзгартириш учун комсомол, пионер ташкилотлари тузилди. “Хужум” ҳаракати натижасида аёлларнинг паранжиси олиб ташланди. Кутубхоналар, театрлар, клублар, истироҳат боғлари, музейлар ва ҳайвонот боғи ташкил қилинди. Аҳолига кино ва радио хизмати коммунистик мафкура манфаатларни ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш мақсадида йўлга қўйилди. Аммо маҳаллий партия ва давлат арбобларининг лоқайдлиги туфайли Сурхон воҳаси маданиятнинг ушбу соҳаларида республикада энг охириги ўринларда турар эди.

7. Сурхондарёда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ишлар, соҳада эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар, воҳани малакали врачлар билан таъминлаш билан боғлиқ муаммолар тарихий манбалар асосида илмий таҳлил этилди. Соғлиқни сақлаш ишида каттагина ютуқлар қўлга киритилди. Лекин у изчиллик билан олиб борилмади. Тиббиёт ходимларини воҳанинг ўзида тайёрлаш йўлга қўйилмади. Ўрнига Марказдан тайёр врачларни олиб келиш авж олдирилди. Афсусланарли томони, воҳага юборилган тиббиёт ходимларини уйжой билан таъминлаш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга етарлича аҳамият берилмади.

Аксинча, уларни жиноий жавобгарликка тортиш билан кўрқитилди. Шу боис кўпгина тиббиёт ходимлари ўз юртларига қайтишга мажбур бўлдилар. Бу эса воҳани тиббиёт кадрлари билан таъминлашда жиддий муаммоларни юзага келтирди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.50.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.59.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб –интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.107.

4. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.491.

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –Б.56.

6. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –Б.205

7. **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.** – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. –Б.40.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони/  
[www.lex.uz](http://www.lex.uz).

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси”даги ПҚ-3920-сонли Қарори/ [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғриси”даги ПҚ-3892-сонли Қарори/ [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғриси”даги ПҚ-4038 Қарори/ [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори // “Ўзбекистон тарихи” журнали.-Тошкент: Фан, 1999 йил 1-сон. –Б. 15.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сонли “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори/ [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

## **II. Архив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат архиви:**

1. 17-фонд –Центральный исполнительный комитет советов Туркестанской автономнойсоциалистической республики

2. 46-фонд – Всебухарский революционный комитет Бухарской Народной Советской республики

3. 50-фонд – Государственная Плановая комиссия Бухарской Народной Советской республики (Госплан БХСР)

4. 71-фонд – Центральный Исполнительный Комитет Советов Хорезмкой Народной Советской республики

5. P-86-фонд – Ўзбекистон ССР Ишчи, деҳқон ва қизил аскарлар депутатлари Марказий Ижроия Комитети (ЦИК УзССР).

6. P-94-фонд – Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги.

7. Ф-837-фонд – Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси.

### **Сурхондарё вилояти давлат архиви**

8. 18-фонд – Сурхондарё округ ишчи, деҳқон ва қизил аскар депутатлари совети ижроия қўмитаси.

9. 33-фонд – Термиз шаҳармеҳнаткашлар депутатлари Совети ижроия комитети коммунал хўжалик бўлими

10. 45-фонд – Сурхондарё вилояти меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия қўмитаси.

11. 68-фонд – Шерабадский районный потребительский союз (Райпотребсоюз)

12. 76-фонд – Сурхондарё округ ер-сув қўмитаси.

13. 89-фонд – Сурхондарё округ ишчи, деҳқон ва қизил армия депутатлари совети ижроия қўмитаси халқ таълими бўлими.

14. 96-фонд – Сурхондарё округ прокуратураси

15. 361- фонд – Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси.

### **Шеробод туман давлат архиви**

16. С-42-фонд – Шеробод халқ депутатлари совети ижроия кўмитаси

### **Жарқўрғон туман давлат архиви**

17. 20-фонд – Жарқўрғон тумани ижория кўмитаси.

### **Денов туман давлат архиви**

18. 6-фонд – Ишчи – деҳқон ва қизил аскар депутатлари Денов тумани совети ижроия кўмитаси.

### **III. Монография, мақола, патент ва илмий тўпламлар:**

1. Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе. – Ташкент: Учитель, 1966. –С. 171.

2. Азимов М. Термиз тарихи (Энг қадимги даврдан XXI аср бошигача). –Насаф. 2001. –Б. 192.

3. Алимбаева Г. Аҳмедов М. Народные музыканты Узбекистана. –Ташкент: Гослитиздат, 1959. –С. 128.

4. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения современные проблемы. – Ташкент: Фан, 1991. –С. 132.

5. Алимова Д.А. Ўзбекистон ижтимоий фанларида хотин-қизлар муаммоларининг ўрганилиши ва вазифалари // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 16-20.

6. Алимова Д.А. Миллий тафаккур ва аёллар масаласи: ўтмиш тимсоллари // Ўзбекистон хотин-қизлари кеча ва бугун. – Тошкент: 2005. – Б. 5- 9.

7. Аннаев Т. Кўхна Термизда будда ёдгорликлари // “Фан ва турмуш” журнали, 1977, №1. –Б. 24.
8. Аслетдинова Х. Культпросветучреждения и коммунистическое воспитания. –Ташкент: Узбекистан, 1969. –С. 125.
9. Аҳмедов Н., М. Пак. Қайта қуриш шароитида партиянинг кадрлар сиёсати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1989. – С. 21.
10. Бурунов К.Б. Диалектика развития социалистической культуры. –Ташкент: Узбекистан, 1974.–С. 208.
11. Бердяев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма. –Москва: Наука, 1990. –С. 224.
12. Боффа Дж. История Советского Союза. В двух томах. Том 1. От революции до второй мировой войны. Ленин и Сталин. 1917-1941. Пер. на русский И.Б.Левина. –Москва: Международные отношения, 1990. – С. 629.
13. Валиев А.К. Октябрь, культура, интеллигенция. — Ташкент: Узбекистан, 1977. –С. 199.
14. Валиев А.К. Ўзбекистон интеллигенцияси коммунизм учун курашда. - Тошкент: Қизил Ўзбекистон, Правда Востока, Ўзбекистон-Сурх бирлашган нашриёти, 1962. –Б. 40.
15. Вахабов М.Г. О джадидизме // “Правда Востока”. 8 января 1960 года.
16. Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1960. –Б. 394.
17. Вохидов Ш., Чориев З. Садри Зия и его библиотека (Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века). – Ташкент: Янги аср авлоди, 2008. – С. 352.
18. Горький М. Бемаврид мулоҳазалар // “Жаҳон адабиёти” журнали, 2000, №6. – Б. 128.
19. Ёриев Б. Қора олтин ижодкорлари. –Термиз, 1999. –Б. 54.

20. Захаров С.М., Мизарбаев А.Я. Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской области Узбекистана советского периода (1917-1932 гг). – Ташкент: Фан, 1968.–С. 227.
21. Зиямов Ш. Кадровая политика КПСС в действии // Деятельность компартии Узбекистана по совершенствованию подбора, расстановке и воспитанию руководящих кадров в условиях развитого социализма. - Ташкент: Узбекистан, 1980. – С. 209.
22. Из истории Советского Узбекистана. – Ташкент: АН Уз ССР, 1947. – С. 512.
23. Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: Узбекистан, 1969. – С. 392.
24. Истомин М.С. Сельское хозяйство области за годы советской власти. Материалы к 50 летию Советской власти. Термез, 1967.–С.56.
25. Истомин М.С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. Тошкент: Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1969. –Б. 40.
26. Каримов Н. “Катта қирғин”нинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари. –Тошкент: Фан, 2013. –Б. 128.
27. Кароматов Ф. Ўзбек мусиқаси совет даврида. –Тошкент: Ўқитувчи, 1967.–Б.128.
28. Ким П.Г. Уйдирма ва ҳақиқат. // “Фитна санъати”. 1-китоб. –Тошкент: Фан, 1993. –Б. 20-27.
29. Кондрашев С.К. Водопользование Ширабадской и Сурханской долин Бухарского ханства с 7 чертежами // Материалы работ гидромодульной части Отдела Земельных улучшений. Выпуск 14. –Москва. 1918. –С. 49.
30. Куртуа С., Верт Н., Панне Ж., Пачковский А., Бартошек К., Марголен Ж. Черная книга коммунизма. Преступления, террор, репрессии. –Москва: Три века истории. 2001. – С. 780.

31. Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии). – Ленинград, 1930. – С. 160.

32. Ленин В.И. Новая экономическая политика и задачи политпросветов. // Полное собрание сочинений. Том 44. – Москва: Издательство политической литературы. 1970. – С. 155-175.

33. Ленин В.И. О кооперации. // Полное собрание сочинений. Том 45. – Москва: Издательство политической литературы. 1970. – С. 369-377.

34. Лунин В.Б. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Фан, 1965. – С.408.

35. Мельникова Т. Формирование промышленных кадров в Узбекистане. – Ташкент: Узгосиздат, 1956. – С. 112.

36. Мунаввар Қори. Хотираларим // Турон тарихи. Оммабоп мажмуа. –Тошкент, 1992. –Б. 17-20.

37. Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Иккинчи китоб. Қашқадарё талқини. –Тошкент: Меҳнат, 2000. –Б. 568.

38. Мустафаева Н. Файзулла Хўжаев: миллий маданият қайғуси // “Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожиали оқибатлари”. Илмий мақолалар тўплами. –Тошкент, 2012. –Б. 138-143.

39. Мухаммедов С. Культура Советского Узбекистана. –Ташкент: Госиздат, 1960.–С.167.

40. Мўминов И.М. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. – Тошкент: Ўз ФА, 1960. – Б. 288.

41. Набиев Ф.Х. Социалистическое строительство в Узбекистане в годы гражданской войны (1918-1920 гг.). – Ташкент: Фан, 1989. –С. 123.

42. Парфёнов Г.В. История исследования Старого Термеза (Материалы к археологической карте Сурхандарьинской области). Ташкент, 1941.-С.67.

43. Пулатов Х.П. Культурно-воспитательная деятельность Советского государства в Узбекистане. -Ташкент: Госиздат, 1959. - С. 142.

44. Пулатов Х. Ўзбек мафкуриси // “Мулоқот” журнали, 1991 йил, 6-сон. -Б. 3-15.

45. Раҳимов Н. Садриддин Айний / Танқидий-биографик очерклар. - Тошкент: Фан, 1954.-Б.87.

46. Репрессия. 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. Составители: Шамсутдинов Р. Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. Ташкент: Шарк, 2005.-С. 288.

47. Репрессия. 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Составители: Шамсутдинов Р. Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. Ташкент: Шарк, 2007. -С. 496.

48. Россия XX век. Документы. ГУЛАГ (Главное управление лагерей) 1917-1960. Составители: А.И.Кокурин и В.Н.Петров. Научный редактор В.Н. Шостановский. -Москва: Материк, 2000. -С. 888.

49. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. -Термиз: Жайхун, 1996. -Б. 116.

50. Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). -Москва: Госиздат, 1921. -С. 147.

51. Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. -Термиз: Жайхун, 1993. - 128 б.

52. Султонова М. Ўзбек совет адиблари. -Тошкент: Ўздавнашр, 1963.-Б.123.

53. Термиз. Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар (муаллифлар жамоаси) -Тошкент: Шарк, 2001. - Б. 101.

54. Тошмуродов Т. Кадрлар тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланиш. – Тошкент: Узбекистон, 1985. – Б. 31.

55. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Т. I. Сост.: Р. Шамсутдинов, Б. Расулов; Под ред. Д. А. Алимовой. –Ташкент: Шарқ, 2006. – С. 655.

56. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я.Раджапова. –Ташкент, 2000. –С. 672.

57. Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазов Б. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 382.

58. Турсунов С., Қобилов Э., Муртазов Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 608.

59. Турсунов С., Турдиев Т. Денов. –Тошкент: Фан, 2009. –Б. 501.

60. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. Тошкент: Akademhashr, 2011. –Б. 560.

61. Турсунов С., Пардаев Т., Маҳмадиёрова Н. Сурхондарё – этнографик макон. –Тошкент: Академнашр, 2012. –Б. 232.

62. Турсунов С., Пардаев Т., Пайғамов А., Нарзуллаева Н. Сурхон воҳасида моддий маданият тарихи. Тошкент, 2013. –Б. 324.

63. Турсунов С., Турсунов А., Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Yangi nashr, 2014. – Б. 356.

64. Турсунов С., Эшбоев Қ. Шўрчи тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2014. –Б. 320.

65. Турсунов С., Умаров И., Пардаев Т., ва бошқалар. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи. –Термиз: Сурхон-нашр, 2017. – Б. 352.

66. Турсунов С. Юракда қолган армонлар. Қатағон қурбонлари хотираси абадий // Давр. Замон. Шахс. 2018 йил. –Б. 19-20.
67. Турсунов С., Қобулов Э., Муртозоев Б., Пардаев Б., Умаров И. Термиз тарихи. –Тошкент: YANGI NASHR, 2019. – Б. 292.
68. Турсунов С., Тўхтаев А., Аннаева З. Жарқўрғон тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Yangi nashr, 2019. – Б. 320.
69. Турсунов С., Эшбоев Қ., Тўхтаев А.Қ., Хўжаназаров А.З. Қумқўрғон тарихидан лавҳалар. –Тошкент: YANGI NASHR, 2019. – Б. 352.
70. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2014. – Б. 292.
71. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Боғлидара одамлари. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2014. –Б. 88.
72. Умаров И. Бадаш: тарих ва анъана. –Термиз: Сурхоннашр, 2018. –Б. 136.
73. Умаров И. Тарихий демографик жараёнларда Термиз шахрининг ўрни // “Сурхондарё: илм ва тафаккур”. Илмий мақолалар журнали. –Термиз, 2020 йил 1-сон. –Б. 75-80.
74. Умаров И. Вопросы связанные с конной игрой купкари в горных кишлаках Байсуна и Кухитанга // Сурхондарёда илм ва фан. –Термиз, 2021. №1. – С. 51-58.
75. Умняков И.И. К истории новометодной школы в Бухаре // Бюллетень САГУ. – Ташкент, 1927. Вып. 16. – С. 98-99.
76. Фитрат А. Ўзбек адабиёти намуналари. Биринчи жилд. – Самарқанд–Тошкент, 1928. – Б. 26.

77. Ходжаев Ф. О младобухарцах // Историк марксист. – Москва, 1926. – № 2. – С. 7-14.

78. Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. – Ташкент: Узгосиздат, 1926. –С. 78.

79. Ходжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига доир. – Тошкент: Ўздавнашр, 1926. –Б. 126.

80. Ходжаев Ф. Избранные труды в трёх томах. Т. I. – Ташкент: Фан, 1970. – С. 497.

81. Ходжанов С. К 10-летию Туркестанской советской автономии Туркестана. –Ташкент, 1928. – С. 22.

82. Холмирзаев А. Ҳаёт манзаралари. –Тошкент: Санъат журнали, 2008. –Б. 188.

83. Холмирзаев А. Термиз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Санъат журнали, 2008. –Б. 128.

84. Холмирзаев А. Шўрчида Қурбон намози. “Бақтрия” газетаси. 2010 йил, 8 октябрь. №19.

85. Хошимов С., Иминов Ж., Тураходжаев С. Политические репрессии в Узбекистане в 20-30-х годах XX века // Наука и современность, 2016. –С. 100-108.

86. Хўжаев Ф. Танланган асарлар. Том 2. –Тошкент, 1978.-Б.187.

87. Шамсуддинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябрь). Иккинчи китоб. –Тошкент: Шарқ, 2007. –Б. 496.

88. Шамсуддинов Р. Ўзбекистонда совет бошқарув тизимидаги раҳбар ходимларнинг қатағон қилиниши ҳақида янги маълумотлар // “Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожиали оқибатлари”. Илмий мақолалар тўплами. –Тошкент, 2012. –Б. 42-64.

89. Ўзбекистон ССР тарихи. III жилд. –Тошкент: Фан, 1971. – Б. 711.

90. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб. –Тошкент: O'zbekiston, 2019. –Б. 576.

91. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистан совет мустамлакачилиги даврида. –Тошкент: Шарқ, 2000.

92. Қодиров И. Ўзбекистон ССРда халқ маорифининг муваффақиятлари. –Тошкент: Ўздавнашр, 1959. –Б.126.

93. Корвиннёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: Фан, 1956. –Б. 340.

94. Қорахонов М. Совет Ўзбекистони маданияти. –Тошкент: Ўздавнашр, 1951. –Б. 42.

95. Хайит Н., Усмон Т. Кураш йиллари. –Тошкент: Мухомат, 1992. –Б. 135.

96. Хасанов Б. Катта қирғиннинг ҳуқуқий ҳужжатлари базаси. –Тошкент, 2014. –Б. 54.

Фойдаланилган бошқа адабиётлар

97. Айний С. Бухоро инқилоби учун материаллар. – Москва, 1926. – Б. 148.

98. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳарати тарихи. –Тошкент: Фан, 1991. –Б. 31.

99. Арриан. Поход Александра. Москва: МИФ, 1943. –С. 270.

100. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924). –Москва, 1960. – С. 512.

101. Богоутдинов А.М. Очерки по истории таджикской философии. – Сталинабад: Таджикгосиздат, 1961. – С.29.

102. Бўтаева М. Деновнинг доврुकли мактаби. – Денов, 2010. –Б.60.

103. Иноятова С. Сурхондарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи – мозий кўзгуси. Термиз: Сурхон-нашр, 2019.-Б.38.

104. Ишчи кадрлар ўчоғи (Какайди 6-хунар-техника билим юрти 25 ёшда). –Жарқўрғон, 1992.-С.57.

105. Материалы по районированию Средней Азии. Книга 1. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 1, Бухара. –Ташкент, 1926. –С. 288.

106. Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск II. Книга IX. Округ Сурхандарья. –Самарканд, 1926. – С. 20.

107. Моложавенко В. Жаркое солнце Сурхана. – Москва: Мысль, 1982. –С. 190.

108. Мўминов Ў, Эшмуродов Р. Жарқўрғон тиббиёти: кеча ва бугун. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. –Б. 198.

109. Мушкетов И.В. Туркестан. Геологические и орографические описание, по данным, собранным во время путешествий с 1874 по 1880 г., в двух частях. Том 1. –СПб., 1886. –С. 742.

110. Народное образование, наука и культура в СССР. Статистический сборник. –Москва: Статистика, 1971. –С. 404.

111. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Юбилейный статистический ежегодник. –Ташкент: Узбекистан, 1974. – С. 330.

112. Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет Советской власти. Юбилейный статистический ежегодник. –Ташкент: Узбекистан, 1977. –С. 340.

113. Норматов Н. Сурхонда бир мактаб бор. –Тошкент: Санъат, 2007. –Б. 17.

114. Раупов Ш., Дўсбоев А. Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 85 ёшда. – Термиз, 2009.

115. Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). Перевод И. С. Мироковой. Москва: Наука, 1990. –С. 210.

116. Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. –Ташкент: Узбекистан, 1964. –С. 380.

117. Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы Советской власти.-Ташкент: Узбекистан. 1984.- С. 207.

118. Сурхондарё вилояти Ўлкашунослик музейи 60 йил Термиз, 1993. – Б. 38.

119. Турсунов Х., Шек Л.К. Ҳозирги босқичда меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш. – Тошкент: Ўзбекистон, 1980. –Б. 40.

120. Тўхтаев А., Исаев О. Жарқўрғон тарихига оид муҳим саналар. – Термиз: Сурхон-нашр, 2017. –Б. 32.

121. Уваров Г. Л. Узбекский драматургический театр. Очерк истории. -Москва: Искусство, 1959. – С. 231.

122. Халияров Х., Бычков Д., Блинников А. Сурхондарьинская область. –Т., Узбекистан, 1974. –С. 128.

123. Шарафутдинова Р. Школьное образование в Узбекской ССР (1917-1955). –Ташкент: Госиздат УзССР, 1961. – С. 71.

#### **IV. Диссертация ва авторефератлар**

124. Абдурахмонова Ж. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги қатоғонлик сиёсати (Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мисолида.1925-1941 йй.). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент, 2002.

125. Абдуллаев М. Ўзбекистонда советларнинг “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожиаги оқибатлари (1929-1945 йй.). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, 2002.

126. Алимова Д.А. Женский вопрос Советской историографии Средней Азии (20-80 годы): Дис... докт. ист. наук. – Ташкент, 1991. –С. 285.

127. Даминова З. XIX аср охири – XX асрда Термиз шаҳри тарихи. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент, 2004.

128. Жўраева Н. “Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда хотин-қизларнинг ўрни (XX асрнинг 20-30 йиллари). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент, 2004.

129. Исаев О.Сурхон воҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар (1925-1941йй). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертацияси. –Термиз, 2020.

130. Набиев Ф.Х. Социалистическое строительство в Узбекистане в годы гражданской войны (1918-1920 гг.). Автореферат диссертации кандидата исторических наук. –Ташкент, 1988. – С.24.

131. Турсунов С.Н. История развития новых социалистических городов Узбекистана-Денау и Шерабада. Диссертация кандидата исторических наук. –Ташкент, 1985. –С. 20.

132. Тўраева М. “Ўзбекистонда маданий ҳаёт: муаммо ва оқибатлар (1920-1940 йй.). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент, 2001.

133. Тўхтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент, 2001. – Б. 29.

134. Эгамбердиев Х. Развитие культуры в Узбекской ССР в итоге социалистического строительства в 1925-1940 годы ( по материалам Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областей). –Ташкент, 1974.

135. Эргашева Ж. История создания и развития промышленности Кашкадарьи: новые осмысление и выводы (1920-1990 гг). Автореферат диссертации кандидата исторических наук. –Ташкент, 1998. – С. 26.

136. Эшкувватов О. История развития социалистических городов Карши и Шахрисабза (1925-1965 гг). Автореферат диссертации кандидата исторических наук. – Ташкент, 1970. – С. 35.

137. Шермухаммедов С. Рассвет и сближение национальных культур народов СССР. Автореферат диссертации доктора философских наук. Ташкент, 1973. – С. 59.

138. Юлдашева М. “Ўзбекистон миллий маданияти: ривожланиш йўналишлари ва муаммолари (XX асрнинг 20-йиллари). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент, 2004.

## **V. Вақтли матбуот**

### **Журналлар.**

1. “Фан ва турмуш”. 1972-1989 йиллар.
2. Мулоқот журнали. 1991 йил.
3. “Турон тарихи”, ижтимоий-тарихий, илмий ва илмий-оммабоп тўплам. 1992 йил.

### **Газеталар.**

4. Правда Востока, 1939-1990 гг.
5. Илғор Сурхон учун, 1941-1958 йй.
6. Ленин байроғи, 1957-1990 йй.
7. Сурхон Тонги, 1991-2007 йиллар.
8. Туркистон” газетаси, 1999 йил.
9. Термиз университети газетаси, 2001 йил.
10. “Бақтрия” газетаси. 2010 йил

## Электрон ресурс

11. <https://www.rospotrebnadzor.ru/region/history/gragdanskaya.php>
12. <http://komsomolrf.ru/istoriya-lksm>
13. [https://molod.rgub.ru/stories/18\\_10.php](https://molod.rgub.ru/stories/18_10.php)
14. <http://www.illuminats.ru/component/content/article/29-new/46--20-3-1917->
15. <https://constitution.garant.ru/history/act1600-1918/5310/>
16. <https://von-hoffmann.livejournal.com/346017.html>.
17. <https://ria.ru/20170519/1494504913.html>

## ИЛОВАЛАР

3.1-жадвал. 1920 йилларнинг иккинчи ярмида Сурхондарёнинг миллий кадрлар билан таъминланиш даражаси

№	Соҳалар	Жами ходимлар сони	Шундан маҳаллий миллат вакиллари (фоиз ҳисобида)
1	Хўжалик, савдо ва кооператив ишлари	50	20
2	Маъмурий, милиция, суд, прокуратура органлари	44	17
3	Пахтачилик, ер ишлари ва суғориш ишлари	26	10
4	иқтисод-солиқ ишлари	4	0
5	Маданий-оқартув ишлари	9	10

3.2-жадвал. 1925-1928 йилларда Сурхондарё округи тиббиёт соҳасига маблағларнинг ажратилиши<sup>1</sup> (минг сўм ҳисобида)

Йиллар	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	Маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар	Даволаш фондидан ажратилган маблағлар	Жами
1925-1926 <sup>2</sup>	84610	92034	29534	207967
1926-1927	65847	28694	65935	413726
1927-1928	80040	377095	113940	571025
Жами	230497	497823	209409	1192718

<sup>1</sup> Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Б. 188.

<sup>2</sup> Совет давлатида хўжалик йили 1 октябрдан бошланган.

3.3-жадвал. Сурхондарё вилояти аҳолиси сони<sup>1</sup>  
(1941 йилнинг июнь ҳолати бўйича)

№	Шаҳар, туман ва хўжалик номлари	Аҳолиси сони
1	Термиз шаҳри	20000
2	Нефтсаноат	4000
3	Трансторгпит	4000
4	Речторгтранс	2800
5	Термиз тумани	16007
6	РК <sup>2</sup> Сурхон	6908
7	РК Қумкўрғон	6800
8	Шўрчи тумани	32362
9	РК Оққапчиғай	3444
10	Денов тумани	60815
11	РК Ҳазарбоғ	10502
12	Сариосиё тумани	54365
13	Шеробод тумани	43203
14	Бойсун тумани	49420
15	Жаркўрғон тумани	25051
16	Кўчирилганлар	-
	Жами	339677

<sup>1</sup> Шеробод туман давлат архиви, С 42-фонд, 1-рўйхат, 363-иш, 252-варак.

<sup>2</sup> РК – раскулаченные – кулок қилинганлар колонияси.

ХАСАНОВА НОДИРА ИБРАГИМОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА  
СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ  
МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ СИЁСАТИ ВА  
УНИНГ НАТИЖАЛАРИ**

*(Сурхон воҳаси ҳудуди мисолида, 1917-1941 йй.)*

Мухаррир *О. Қанаев*

Бадий муҳаррир *А. Ақилов*

Техник муҳаррир *Б. Ирисбоев*

Мусаххих *Д. Исмоилова*

Саҳифаловчи *Б. Ирисбоев*

Нашриёт лицензияси. № 2013-975f-3c5e-d1e5-f4f3-8537-2366

Босишга 21.02.2022 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Ҳажми 11,5 б,т. Адади 500 нусха.

Шартнома № 150. Буюртма № 41.

“Tafakkur” нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани., Чилонзор кўчаси 1-а уй.

“Adad Plyus” МЧЖ босмаҳонаси.

Тошкент ш. Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 28-уй.



Хасанова Нодира Ибрагимовна 1974 йил 28 майда Денов туманида туғилган. Миллати ўзбек. Маълумоти олий, 1991-1996 йилларда Термиз давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган.

Хасанова Нодира меҳнат фаолиятини 1995-2012 йилларда Сурхондарё вилояти Денов туманидаги А. Беруний номи 23-ўрта мактабда тарих фани ўқитувчиси, 2012-2016 йилларда Денов спорт ва педогогика коллежида ўқитувчи, 2016-2017 йилларда маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2018-2019 йилларда Термиз давлат университети Денов филиали Ёшлар билан ишлаш маънавий ва маърифат бўлимида услубчи, 2020 йилдан Денов тадбиркорлик ва педагогика институти Тарих ва фалсафа кафедрасида ўқитувчи лавозимида фаолият юритмоқда. Шу билан бирга т.ф.д., профессор С.Н.Турсунов илмий раҳбарлигида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

ISBN-978-9943-6897-5-6



9 789943 689756